

Н.О. Шамадиева, З.И. Аташикова, М.О. Мусаева

*Қозоғистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

# ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслик

**2-қисм**

Алматы



«Жазушы»

2019

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Узб-922  
Ш 22

### Шартли белгилар

Ўқинг



Жуфтликда ишланг



Ёзинг



Гуруҳда ишланг



Тингланг



Фикрланг



Сўзланг



Изланинг



Чизинг



**Шамадиева Н.О. ва б.**

**Ш 22 Ўзбек тили.** Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик. **2-қисм** / Н.О. Шамадиева, З.И. Аташикова, М.О. Мусаева – Алматы: Жазушы, 2019. – 224 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-684-1

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Узб-922

© Шамадиева Н.О., Аташикова З.И.,  
Мусаева М.О., 2019

© «Жазушы» баспасы, 2019

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкый ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.

ISBN 978-601-200-684-1 (2-қисм)  
ISBN 978-601-200-682-7 (жами)

# Табиат ҳодисалари





## ОЛМОШ СЎЗ ТУРКУМИ

Биз бугун дарсда:

- олмош сўз туркуми ҳақида;
- сўроқлар ёрдамида олмошларни аниқлашни;
- шеърни ёддан ёзишни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг.

Йил бобо тўрт фарзанд кўрибди. Уларни Баҳоргул, Ёзбек, Кузбека ва Қишжон деб номлабди. Бир куни у совға-салом олиш учун шаҳарга кетибди. Болалари эса бекинмачоқ ўйнашибди.

Баҳоргул Қишжоннинг оқ пўстини тагига бекинибди. Ёзбек Қуёш нурига осилиб, оппоқ булутнинг устига чиқибди. Кузбека қовуннинг ичига яширинибди. Қишжон саноқни тугатиб атрофга қарабди. Ҳамма ёқ жим-жит эмиш.

Қишжон уларни қидира-қидира терлаб, оқ пўстинини ечибди.

*Оллоёр Бегалиев*

У, улар сўзлари қайси сўзларнинг ўрнида қўлланган?

От, сифат, сон ўрнида қўлланадиган сўзлар туркуми олмош дейилади. Мен, сен, у, биз, сиз, улар сўзлари кишилик олмошларидир. Бу олмошлар шахсни билдиради ва ким?, кимлар? сўроғига жавоб бўлади.



2. Болалар, Қишжоннинг оқ пўстини остидан ким чиқади? Тўрт фаслнинг навбат билан алмашиши энг ажойиб табиат ҳодисасидир. Шу ҳақда дўстингиз билан постер тузинг.





### 3. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

Мен тўғрисўз,  
Сен тўғрисўз,  
Ичимизда  
Йўқ эгрисўз.

*Обид Расул*

Кишилик олмошларнинг тагига чизинг.



### 4. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида олмошларни аниқланг.

Қишки таътилда мен, Мурод оромгоҳда бўлдим. Биз табиат қўйнида маза қилиб дам олдим.

– Аҳмад, сен таътилда қаерда дам олдинг?

– Аҳмад шахматни севади. У шахмат тўгарагига қатнади, – деди Шухрат.

Дилшод, Темур, Гулноралар мактаб оромгоҳида бўлишди. Улар оромгоҳда спорт мусобақасида иштирок этишди.

Сиз қишки таътилда қаерларда бўлдингиз?

*“Гулхан”дан*

Кишилик олмошлари қатнашган гапларни кўчиринг ва уларнинг тагига бир тўғри чизиқ чизинг.





5. Ўқинг. Кишилик олмошларини ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

Мен бўш вақтимда қайиқча ясайман. Сиз ўзбек тилининг бениҳоя бой, гўзал, назокатли тил эканлигини билишингиз керак. (*Эркин Воҳидов*). Биз бугун об-ҳаво тақвимини туздик. Сен эрталаб нонушта тайёрладингми? У иссиқ кийимларини кийиб ҳовлига чиқди. Улар биргалашиб йўлакни қордан тозаладилар.



6. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида кишилик олмошларини топинг.

Агар сен осмонни қучмоқчи бўлсанг,  
Мен нега елкамни тутиб бермайин.

*Ғафур Ғулом*

Элга бахт, тилга бол,  
Келтирди истиқлол  
Сиз учун – биз учун.

*Пўлат Мўмин*





## КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИНИНГ КЕЛИШИК ҚЎШИМЧАЛАРИ БИЛАН ҚЎЛЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- кишилик олмошларининг келишик қўшимчалари билан қўлланишини;
- саволларга жавоб ёзишни ўрганамиз.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида олмошларни аниқланг.

### ТОНГ

– Тонг нимадир, болалар,  
Айтинг-чи, гул-лолалар.  
Нега тонгни кутишар,  
Хатто ота, боболар?  
– Тонг – бу қуёш кулгуси,  
Унга барча интилар.  
Қуёш кулса, куй, қўшиқ,  
Ширин алла тўқилар.

Ажратиб кўрсатилган олмошнинг ёзилишига эътибор беринг.

Кишилик олмошлари келишик қўшимчалари билан қўлланади.

У олмошига жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари қўшимчаси қўшилганда унга, унда, ундан шаклида ёзилади.





2. Тонг отишини кузатганмисиз? Тонг отишини кузатганлигингиз ҳақида кишилик олмошларини қатнаштириб дўстингиз билан 3-4та гап тузиб айтинг.



3. Матнни ўқинг, кишилик олмошларини аниқланг.

Қосим бобо тўп тепаётган болалардан бирининг нон еяётганини кўрди. Унинг оппоқ ўсиқ қошлари чимирилди. Бобо ердаги ушоқларни тера бошлади. Зоқир уялиб кетди.

- Мени кечиринг, бобо. Сиз эгилманг, ушоқларни ўзим тераман,
- деди у.
- Бўтам, мен эгилганим йўқ, нон ушоқларига таъзим қиляпман,
- деди бобо.

*Тўлқин Расулов*

Ёзилишида ўзгаришга эга бўлган кишилик олмоши қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.



4. Кишилик олмошларни топиб кўчиринг. Уларнинг ўзак ва қўшимчаларини белгиланг.

Умид кўзин сенга тиккан  
Она халқинг, она юрт.  
Сенда ғайрат, сенда суръат,  
Сенда орзу, матонат.

*Шухрат*

Баҳор ва куз чоғида  
Мен ҳам кўчат экаман.  
Мева пишгач, боғимга  
Сизни таклиф этаман.

*Илём Муслим*

Кишилик олмошларининг қайси келишиқда эканини айтинг.







5. Мен, у кишилик олмошларини келишиклар билан қўллаб ёзинг.

*Намуна:* Бош келишик: мен, ...



6. Саволларни ўқинг. Кишилик олмошларини қатнаштириб, жавоб ёзинг.

Бу сизнинг китобингизми?  
Китобни кимга бердингиз?  
Ўқитувчи кимни чақирди?  
У кимдан хурсанд бўлди?  
Сизнинг мактабингизда кутубхона борми?



7. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Бизни кўплар гоҳида  
Денгиз мушуги дерлар.  
Икки қозиқ тишимиз  
Қорнимиз ғамин ерлар.  
Соч-соқоли ўсганни,  
Хазиллашиб дер  
“жорж”лар  
Асли у бизнинг исм,  
Судралувчи биз (...)

Кўчиринг. Кишилик олмошларининг тагига чизинг, тепасига келишигини ёзинг.





## КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИНИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАСИ

Биз бугун дарсда:

- кишилик олмошларининг гапдаги вазифасини аниқлашни;
- кишилик олмошларининг ёзилишини;
- шеърни ёддан ёзишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида кишилик олмошларини аниқланг. Уларнинг қайси келишиқда келганини айтинг.

### ТОНГ НУРИ

Тоғ орқасидан қуёш кўтарилди. Унинг заррин нурлари борлиққа сочилди.

Биринчи бўлиб қуёш нури олмахон инига тушди. У инидан чиқиб, булоқда шўх ўйнай бошлади. Шундан сўнг у ўз нури билан қуёнчалар инини ёритди.

Улар қувониб, ўтлоққа югурдилар.



Кишилик олмошларининг гапдаги вазифасини аниқланг.



Кишилик олмошлари келишик қўшимчалари билан турланганда (мен, сен, у, биз, сиз, улар) ким?, кимнинг?, кимни?, кимга?, кимда?, кимдан? каби сўроқларга жавоб бўлади. Бош келишикдаги кишилик олмошлари гапда эга бўлиб келади: Сен чиройли ёздинг.

Бош келишикдан бошқа келишикларда келган кишилик олмошлари иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.



2. Тонг нури яна кимларни уйғотади деб ўйлайсиз? Дўстингиз билан постер тузинг.



3. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида кишилик олмошларини аниқланг.

Деманг мени ҳунарсиз,  
Менда ҳам бир ҳунар бор.  
Ҳунарим зўр, кўрарсиз,  
Менинг касбим дурадгор.  
Хурсанд бўлиб ишимдан

Дерсиз мени қўли гул.  
Ўрганганман ҳунарни  
Ён қўшнимиз Рустамдан.  
Ростини айтсам, мен жуда  
Миннатдорман устамдан.

*Нусрат Абдусаламов*

Кишилик олмошларини ўзи боғланган сўз билан кўчириб ёзинг, гапдаги вазифасини айтинг.



4. Чизиклар ўрнига кишилик олмошларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

\_\_\_\_\_ юзига йирик қор парчалари урилди. \_\_\_\_\_ узоқ сафардан қайтдилар. Кечқурун \_\_\_\_\_ қорнинг ёғишини томоша қилдик. Машина \_\_\_\_\_ уйингиз ёнида тўхтади. \_\_\_\_\_ Қобил ота тушди. \_\_\_\_\_ дўстимнинг ёнига ўтирдим.

**Қўйиш учун сўзлар:** сизнинг, мен, унинг, ундан, биз, улар. Олмошларнинг тагига гапдаги вазифаси бўйича чизинг.





5. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Қор ёғар, қор ёғар  
Учқунлаб.  
Яхмалак учдик биз  
Уч кунлаб.

Кишилик олмошининг тагига чизинг, қавс ичида келишигини ёзинг.



6. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

1. Элда бори – сенда бор.
2. Сен ўзингни мақтама, сени биров мақтасин.
3. Элга маъқул – сенга маъқул.
4. Тер тўкиб сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ.
5. Сен дўстингни авайла, шунда юзинг ёруғдир.



7. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Кафти тегар булутга,  
Қордан қалпоқ бошида.  
Фойдаси кўп эл-юртга,  
Чунки унинг ичида,  
Бордир бойлик хазина  
Бу нимадир Мадина?

Олмошни аниқланг, келишигини айтинг.





## КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИНИНГ ШАХС ВА СОҢДА ИФОДАЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- кишилик олмошларининг шахс ва сонда ифодаланишини;
- оймомо ҳақида маълумот тўплашни;
- дўстимизга хат ёзишни **ўрганамиз**.



1. Шеърни ўқинг.

### ОЙМОМА

Сен баландда – биз пастда,  
Оймомажон, оймома.  
Талпинамиз ҳавасда  
Сенга томон, ҳой Мома.  
Жим-жим кўзинг қисасан,  
Нурли, сирли қисасан,  
Қўйни-қўнжи ғаройиб  
Сир, ҳикматга бой, Мома.  
Бўталоғим деб, суйиб,  
Бизни ухлатиб қўйиб,  
Қайга кетиб қоласан,  
Юзлари ширмой, Мома.



*Низомжон Парда*

Кишилик олмошларини аниқланг, уларнинг шахс ва сони ҳамда келишигини айтинг.

Кишилик олмошларида уч шахс (I шахс, II шахс, III шахс) ва икки сон (бирлик ва кўплик) бор.





2. Интернетдан Оймома ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Жадвалдаги кишилик олмошларига келишик қўшимчаларини қўшиб айтинг. Улар иштирокида 3та гап тузиб ёзинг.

Шахслар	Кишилик олмошлари	
	Бирлик	Кўплик
I шахс	мен	биз
II шахс	сен	сиз
III шахс	у	улар



4. Қуйида берилган хат намунасини ўқинг.

***Хурматли дўстим Жаъфар!***

Сен ёзган хатни олдим. Соғлигингнинг, ўқишларингнинг яхшилигини билиб хурсанд бўлдим.

Мен сенга Янги йил байрамини қандай ўтказганимиз ҳақида ёзмоқчиман. Биз янги йил учун ўйинчоқлар ясадик. Арчани безатишда юқори синф ўқувчилари бизга ёрдамлашишди. Биз байраминизга ташриф буюрган меҳмонларни қўшиқ ва ўйинларимиз билан хушнуд қилдик.

Сен янги йил байрамини қандай ўтказдинг? Менга шу ҳақида ёзиб юбор.

***Салом билан Санжар.***

Кишилик олмошларини аниқланг, уларнинг шахс ва сонини ҳамда қайси келишикда қўлланганини айтинг. Сиз ҳам яқин кишингизга ёки ўртоғингизга хат ёзинг.



5. Чизиқчалар ўрнига кишилик олмошларини қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

\_\_\_\_\_ (I шахс. кўплик. б.к) қудратли гул Ватаннинг бахтиёр фарзандларимиз. Кеча \_\_\_\_\_ (I шахс. кўплик. б.к) бувимни кўргани бордим. Тонг \_\_\_\_\_ (I шахс. кўплик. қ.к) юрагимда ажиб ҳислар уйғотади. \_\_\_\_\_ (III шахс. кўплик. б.к) бугун барча ишларни бажариб бўлди. \_\_\_\_\_ (II шахс. кўплик. б.к) шоир ва ёзувчилар билан учрашдингиз. \_\_\_\_\_ (II шахс. кўплик. ж.к) янги китоб олиб келдим.



6. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Сиз менинг қуёшим,  
Меҳрибон онам.  
Сиз билан мунаввар  
Ҳовли-ю хонам.

*Обид Расул*

Кишилик олмошларининг шахс ва сонини қавс ичида ёзинг.





## ЎЗЛИК ОЛМОШИ ВА КЎРСАТИШ ОЛМОШИ

Биз бугун дарсда:

- ўзлик олмоши ва кўрсатиш олмошининг ёзилишини;
- “Қиш лавҳалари” мавзусида постер тузишни;
- ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёзишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Кишилик олмошларини сўроқлар ёрдамида аниқланг.

### ҚИШ

Ҳар фаслнинг ўз фазилати ва ўзига хос хислати бор. Қиш фасллар ичида чиройга бой, гўзал фаслдир.

Қишда ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланади. Унинг мусаффо ҳавоси ёқимли бўлади. Киши қанча нафас олса ҳам, тўймайди. Дарахлар оқ кийимга бурканади. Улар худди хаёл суриб тургандай туюлади.



Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Улар қандай маъно англатяпти?





Ўзлик олмоши нарса-буюмни аниқлаб ёки таъкидлаб кўрсатади. Ўз сўзи ўзлик олмоши дейилади.  
Масалан, Ўзига боқма, сўзига боқ.



2. Дўстингиз билан “Қиш лавҳалари” мавзусида фотомонтаж тайёрланг.



3. Ўқинг, ўзлик олмошларига сўроқ беринг.

Ўз билимингизни синаб кўринг. Ребуснинг жавобини ўзим топдим. Эртакни ўзингиз сўзлаб беринг. Ҳар доим ўзимиз бадантарбия билан шуғулланамиз. Улар ўз вазифаларини пухта бажардилар. Ўз айбингизни ўзгага тўнкаманг. Бу гулларни Ситоранинг ўзи парвариш қилган.

Кўчиринг, ўзлик олмошларини тагига чизинг.



4. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Эгнинг ўрар либосга,  
Арқонини етаклаб.  
Ўзи эса яланғоч,  
Иш бажарар чок-чоклаб.

Кўчиринг, ўзлик олмошининг тагига чизинг.



5. Ўқинг. Ажратиб кўрстатилган сўзларга сўроқ беринг. Улар нимани англатяпти?

Давлат бирпас маъюсланиб турибди-ю, сўнг кулиб юборибди:  
– Бобо, мен ҳеч ерга кетмайман, шу ерда қоламан. Мен аҳилликни, хуш-хурсанд бўлиб яшайдиган хонадонни яхши кўраман. Иттифоқлик қаерда бўлса, мен ҳам ўша ердаман! – дебди.

Шу кундан бошлаб, Давлат деҳқоннинг хонадонида қолган экан.

“Ўзбек халқ эртаклари”дан

Нарса-буюмни, кимсани кўрсатиш учун ишлатиладиган олмошлар кўрсатиш олмошлари дейилади. Кўрсатиш олмошлари қуйидагилар: у, бу, шу, ўша, мана, ана шу, мана бу, анови.

Масалан: Мен ўша қишлоқда туғилганман.



6. Гапларни ўқинг. Кўрсатиш олмошларини аниқланг.

Саёҳатчилар анови юксак тоғлар томон йўл олдилар. Ўша куннинг ўзида бобом янги кўчатлар олиб келдилар. Биз мана шу йўлдан мактабга қатнаймиз. Шу йили ғалладан мўл ҳосил олинди. Бу томонда кенг яйловлар жойлашган. У ерда қўй-қўзилар ўтламоқда.

Кўчириг, кўрсатиш олмошларининг тагига чизинг.



7. Кўрсатиш олмошлари билан келган сўз бирикмалари иштирокида бирга гаплар тузинг.

Мана шу китоб, ўша куни, бу бола.



8. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

У ёққа қарасангиз кўринмайди,  
Бу ёққа қарасангиз кўринмайди.  
Бошингизга қарасангиз кўринмайди,  
Соянгизга қарасангиз кўринмайди.

Кўчириг, кўрсатиш олмошларини айтинг.





## СҮРОҚ ОЛМОШИ ВА БЕЛГИЛАШ ОЛМОШИ

Биз бугун дарсда:

- сўроқ олмоши ва белгилаш олмошининг ёзилишини;
- сўроқлар ёрдамида олмошларни аниқлаб, турини айтишни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида олмошларни аниқланг, турини айтинг.

### ТОМЧИЛАР

Деразанинг олдида битта гилос билан кекса ўрик дарахти бор. Уларнинг гули тўкилиб, довучча туккан. Лекин довуччалар барглар орасида кўзга кўринмайди. Барглар ёмғирдан кейин тиниқ кўринади. Томчилар офтоб нурида юлдузчалардай чарақлаб турарди. Шу пайт кучсиз шабада эсди. Бундан барглар салгина қимирлади. Томчилар эса дув этиб ерга тўкилдилар. Бу манзарани кўриш қандай завқли-а? Сиз ҳам ана шундай ҳолатни кузатганмисиз?



Охирги гапда келган олмош қандай маъно англатяпти?

Бирор нарса-буюм, белги ёки сон ҳақидаги сўроқни билдирган олмошлар сўроқ олмоши дейилади.

Ким?, нима? олмошлари бирлик ва кўпликда қўлланади, эгаллик ва келишик қўшимчаларини олади:

Боғдан ким чиқди? Нималар олиб келди?





2. Матнда қандай табиат ҳодисалари тасвирланган? Дўстингиз билан “Томчининг саргузаштлари” мавзусида кичик эртак тузиб ёзинг, олмошларни белгиланг.



3. Айтишмаларни ўқинг, олмошларни аниқланг.

- |  |  |
|--|--|
| 1. Биз ўйнаймиз оқ терак,<br>Оқ теракми, кўк терак,<br>Биздан сизга ким керак?<br>– Жилмайибгина турган<br>Қорақўз Зумрад керак! | 2. – Она, она, ким она?<br>– Мен она (биз она)<br>– Сизга осмондаги ой керакми?<br>Кишнаб турган той керакми?<br>Кишнаб турган той менман. |
|--|--|

Кўчиринг, сўроқ олмошларининг тагига чизинг.



4. Ўқинг. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

Астанадаги Байтерек биноси неча метрли? Ким навбатчилик қилади? Ғаллани кимлар етиштиради? Табиатни нималар ёрдамида кузатамиз? Нима билан ер кўкаради?

Кўчиринг, сўроқ олмошларининг тагига чизинг.



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Олмошларни аниқланг.

Жуда севамиз уни,  
Хилма-хилдир мазмуни.  
У барчанинг улфати,  
Баъзан бўлар сурати.  
Қани ўртоқ буни топ!  
Эслаган дер: бу ...

Ажратиб кўрсатилган сўзга сўроқ беринг.



Белгилаш олмошлари нарса-буюмларни белгилаш учун ишлатилади. Белгилаш олмошлари қуйидагилар: ҳамма, барча, бари, жами, бутун, ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир, ҳар қайси.



6. Гапларни ўқинг, белгилаш олмошларини аниқланг.

Барчанинг нияти – тинчлик. Бутун олам қуёш нурларидан яшнайди. Эрталикда жами ўн беш ўқувчи иштирок этди. Ҳар бир қийинчиликдан сўнг бир роҳат бор. Ҳар гулнинг ўз иси бор. Ҳамма нарсанинг отаси меҳнат. Ҳар бир кишининг ҳаётида унутилмас кунлар бўлади.



7. Шеърий парчани ўқинг.

Билсам дейман ҳаммасин,  
Минг мақолнинг маъносин.  
Мана бири: Юрган-дарё-  
Ўтирган, дерлар, бўйра.  
Одам дарё бўлсанг соз,  
Дарёдек оқиб қиш-ёз.  
Оламда қилсанг парвоз,  
Ташналарни қондирсанг,  
Ҳамма ёқни суғорсанг.

*Қуддус Муҳаммадий*

Шеърни хуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, белгилаш олмошларининг тагига чизинг.





## ШАМОЛ

Биз бугун дарсда:

- табиат ҳодисалари ҳақида фикр билдиришни;
- олмошларнинг турини, қайси шахс-сонда эканини аниқлашни;
- Қозоғистондаги кўллар ҳақида мустақил маълумот излашни **ўрганамиз**.



1. Шеърни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг. Табиатнинг бундай ҳодисасини кузатганмисиз?

### ШАМОЛ

Тунда шамол қилди “ур-сур”,  
Инсон қўрқинч туйсин деб,  
Тинчлик қадрин, яна бир қур,  
Улар билиб қўйсин деб.

Кундуз тинди шамол, ана,  
Жаннат бўлди оламлар,  
Пинагини бузмай яна,  
Юраверди одамлар.

*Комилжон Солибеков*

Сўроқлар ёрдамида олмошларни аниқланг, уларнинг қандай турда эканини айтинг.



2. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида олмошларни аниқланг, турини айтинг.

### ТИЛ ВА ТИШ

Тил тишларга деди:

– Мени қачон ўз ҳолимга қўясиз? Сиз доим йўлимни тўсасиз? Мен ўзим хоҳлаганимдек сизнинг манфаатингизга хизмат қилишни истайман.

– Биз ақлнинг йўл-йўриғи билан иш тутамиз. Арзингни ақлга айт, – чуғурлашди тишлар.



Тил бу жавобдан ўнғайсизланди ва Ақлга ёрилди. Ақл уқтирди:  
– Биз сени ўз вақтида тийиб турмасак, сен эгамизнинг юзини шувит қиласан, уни элнинг назаридан қолдирасан.

*Ғани Абдуллаев*

Кишилиқ олмошларини кўчириб, қавс ичида шахс-сони, қайси келишиқда келганини ёзинг.



3. Кишилиқ ва кўрсатиш олмошларини икки устунга ёзинг.

Бизнинг оила, анови қир, сенинг қаламинг, шу уй, мана шу кўча, уни кўрди, мен ёздим, ўша ерда, сизга берди, ундан сўради, мана бу гул, улар ўқидилар.

Олмошларнинг ёзилишини ёдда тутинг.



4. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Солиштириб кўрайлиқ,  
Қимнинг хати чиройли?  
Қани очинг дафтарни,  
Меникидай хат борми?  
Кўринг ҳамма ҳарфимни  
Қизиқтирар ҳар кимни.

*Султон Жўра*

Ёзганларингизни дўстингиз билан ўзаро текшинг.




5. Ўқинг, олмошларни аниқланг.

## КЎЛ

Ям-яшил ўрмон ёнида бир кўл бор. Унинг суви тип-тиниқ ялтирайди. Ўрмонда яшовчи жониворлар шу кўлда ювинишади, ташналиқларини қондиришади.



Кўлнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Унинг суви шифобахш.



Олмошларнинг тури ва шахс-сонини айтинг.



6. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Совуқ ўлка қироли,  
Қорсимон оппоқ ёли.  
Иссиқ макон унга ёт,  
Музликларда бор ҳаёт.

Кўчиринг олмошларнинг тагига чизинг.







## ФЕЪЛ СЎЗ ТУРКУМИ

Биз бугун дарсда:

- шахс ва нарсанинг ҳаракатини билдириб, нима қилди?, нима қияпти?, нима қилмоқчи? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлган сўзлар феъл эканини ўрганамиз.




1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб берилган сўзларга сўроқ беринг.

### ҚОР

Гупиллатиб қор ёғар,  
Қормас, юмшоқ пар ёғар.  
Тушса нурда ялтираб,  
Қормас, пармас, зар ёғар.  
Қордан сувим мўллиги,  
Қордан юртим гуллиги.  
Шифобахшдир бир жаҳон,  
Қордир ерим илиги.  
Қорни кўрсам қувнайман,  
Яйраб-яшнаб ўйнайман:  
Ёғиб турса вақтида  
Гаштига ҳеч тўймайман.

*Ҳабиб Раҳмат*



Ажратилган сўзларни кўчиринг, қавс ичида ҳар бирининг сўроғини ёзинг.



Шахс ва нарсанинг ҳаракатини билдириб, нима қилди?, нима қияпти?, нима қилмоқчи? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлган сўзлар феъл дейилади.

Масалан: келди, ёзаяпти, учмоқчи.



2. Интернетдан қорнинг табиатдаги аҳамияти ҳақида маълумот тўпланг, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Гапларни ўқинг, сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Сув дарёлардан оқиб келади. Бобом бизга фойдали насиҳатлар берадилар. Онам ҳар тонгда иссиқ нон ёпадилар. Лола кутубхонадан китоб оляпти. Синглим болалар боғчасига бораяпти. Тоғ орқасидан қуёш кўтарилди.

Кўчининг, феълларнинг тагига икки тўғри чизиқ чизинг.



4. Маттни ўқинг. Ажратилган сўзларга сўроқ беринг.

Ота этик, она этик ва бола этик пойгакда аҳил **яшашарди**. Бир куни бола этик **йиғлади**:

– Ҳамма ёғим **оғрияпти**. Бешафқат бола мен билан сув **кечди**. Катта-кичик тошларни **тепди**.



Ота этик билан она этик бола этикка ачинди. Ўйинқароқ бола бемор этикчани яна қийнайверди. Қиш кунларининг бирида бола этикнинг жағи йиртилди.

Ёмон боланинг тузалмаслигини билиб, этиклар уй эгаларидан қочишди...

*Зулфия Мўминовадан*



Эртақни ўзингиз давом эттиринг. Ажратилган сўзларга сўроқ беринг.



5. Ўқинг. Нуқталар ўрнига мос феълларни қўйиб, гапларни қўчиринг.

Эрта тонгдан мусиқа садолари ..... Отам уйга телефон .....  
Акамдан телеграмма ..... Шаҳарда болалар театри .....

Қўйиш учун сўзлар: ўрнатди, олдик, янгради, қурил-  
япти.





## ҚОР

Биз бугун дарсда:


- сўроқлар ёрдамида феълларни аниқлашни;
- қор парчаларининг ҳосил бўлишини;
- матнга сарлавҳа қўйишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг. Улар ниманинг ҳаракатини билдирапти?

## ҚОР

Сиз қор учқунлари неча қиррали эканини биласизми? Синчиклаб қарасангиз, у кўпинча, олти қиррали бўлади. Нега? Қор учқунларининг ўртасида олти қиррали кичкина кристалл бор. Қорнинг ўзи совуқдан қотиб қолган буғ. Сув музлаб олти қиррали кристалл шаклига киради. Сув буғи ҳавода майда кристалларга айланади. Унинг атрофида чиройли момик учқунлар бўлади. Улар ҳам олти қиррали. Агар ҳаво совуқ бўлса, улар ерга туша бошлайди. Қорни ерга тушишини кузатиш қандай завқли-а?



Ажратиб кўрсатилган феъл қатнашган гапларни кўчиринг. Қавс ичида феълларнинг сўроқларини ёзинг.





2. Интернетдан қор парчаларининг расмлари ва улар ҳақидаги маълумотларни тўпланг, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.

3. Шеърни ифодали ўқинг.

### ЎЙИН БЎЛСА

Ўйин бўлса ўйнаймиз,  
Бўлмаса-чи, топамиз.  
Тополмасак зир елиб,  
Тўрт томонга чопамиз.

Йиқиламиз, турамиз –  
Шу ҳам ўйин аталар.  
Биздай неча йиқилиб,  
Катта бўлган оталар.

*Толиб Йўлдош*

Шеърни кўчиринг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқлаб, тагига тегишлича чизинг.

Феъллар гапда от ва олмошга боғланиб, кесим вазифасида келади.



4. Гапларни тартиби билан ўқинг, матн ҳосил бўлсин.

Қаттиқ совуқ бўлди. Ерни оппоқ қор қоплади. Қаҳратон қиш келди. Сув музлади. Болалар иссиқ кийимларда яхмалакда учиди.

Матнга сарлавҳа қўйиб ёзинг, феълларнинг тагига чизинг.



5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Пар ёстиғим тўзиса,  
Патин йиғиб бўлмайди.  
Қанча уринмай энди,  
Ёстиқ жилдим тўлмайди.

Осмонда турфа гуллар,  
Фақат тунда очилар.  
Шом пардаси йиртилса,  
Ерда гули сочилар.

*Набижон Эрмат*

Кўчиринг, феълларни тагига чизинг.





6. Расмни кузатинг. Дўстингиз билан “Қиш завқи” мавзусида кичик ҳикоя тузинг.



Ҳикоянгиздаги феълларни сўроқлар ёрдамида аниқланг.





## ФЕЪЛНИНГ НОАНИҚ ШАКЛИ ВА УНИНГ ЁЗИЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- феълнинг ноаниқ шакли ва унинг ёзилишини;
- моқ қўшимчасидан кейин эгалик қўшимчаси қўшилганда, қ товуши ғ га айланиб ёзилишини **ўрганамиз**.



1. Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

### ТОҒ

Ястанади арчазор,  
Чеки йўқ, поёни йўқ.  
Қарайман такрор-такрор,  
Кўз **узиш** имкони йўқ!  
Биллур булоқларини,  
Шарбат десам, ҳатто оз.  
Яшил ўтлоқларини,  
Бахмал десам, бўлар соз!  
*Ўроқ Саид*

Ажратиб кўрсатилган феълга сўроқ беринг, феъл қандай шаклда келган?

Феълнинг ноаниқ шакли феъл негизига -моқ, -ш, -иш қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади. Феълнинг ноаниқ шакли ҳаракатнинг номинигина билдириб, замон ва шахс-сонни кўрсатмайди.

Масалан: ёзмоқ, келмоқ, ёзиш, ўқиш.





2. Энциклопедиядан тоғларнинг ҳосил бўлиши, аҳамияти ҳақида маълумотлар топинг, дўстларингиз билан тақдимот тайёрланг.



3. Ўқинг. Гаплардаги феълларнинг негизини аниқланг.

Ота-онани ҳурматламоқ лозим. Китобни қунт билан ўқимоқ фойдалидир. Билим олиш, ҳунар ўрганиш ҳар бир инсон учун зарурдир. Ўз иш ўрнингизни саранжом тутмоқ лозимдир.

Кўчиринг, феълларнинг ноаниқлик шаклини билдирувчи қўшимчаларни белгиланг.



4. Қуйидаги феълларга -моқ қўшимчасини қўшиб ёзинг.

Чиз, тер, ўс, кул, ўт, кураш, қур, буз, бор, кел, ёз.

Шу феълларни қатнаштириб, учта гап тузиб ёзинг.

5. Гапларни ўқинг, феълларни аниқланг.

Одам боласининг энг зўр бойлиги ўзининг соғлом бўлмоғидир. Ўқувчи дарслардан сабабсиз кетмоғи, дарсларга кечикиб келмоғи мумкин эмас. Фарзанд доим ота-онасининг дуосини олишга эришмоғи лозим.

Феълларнинг ёзилишига эътибор беринг.

-моқ қўшимчасидан кейин эгалик қўшимчаси қўшилганда, қ товуши ғ га айланади ва шундай ёзилади.

Масалан: У қўп нарсани билмоғи зарур.







6. Шеърни ўқинг, феълларни аниқланг.

Шеър ёзмоқ истагида,  
Тунни тонгга уладим.  
Ният кўп дил тагида,  
Юрак дардин тингладим.

*Ўроқ Саид*



7. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Эркин эртанги экин экишни  
Эртага эрталаб эплайди.

Кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.





## БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗ ФЕЪЛЛАР

Биз бугун дарсда:

- бўлишли ва бўлишсиз феълларнинг ёзилишини;
- нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб гапларни ўқишни;
- табиат ҳодисалари ҳақида ўз фикрларимизни расм орқали тасвирлаб беришни **ўрганамиз**.



1. Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Кўтарилди бирдан зўр шамол,  
Кўкни ёпди булут чойшаби.  
Қутуради чақмоқ асабий,  
**Қочмасак** йўқ бизда ҳеч амал.  
Гоҳо чақмоқ чақар гугуртин,  
Гоҳ тўкилур икки – уч томчи.  
**Майдаламай** бирдай ёғсанг-чи,  
Биз қапада кутамиз тип-тинч.

*Султон Жўра*

Ажратиб кўрсатилган феъллар қандай маъно англатади?



2. Табиатдаги бундай ҳодисаларни қайси фаслда кўпроқ кузатиш мумкин? Дўстингиз билан шеър мазмунига мос расм чизинг.



3. Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб гапларни ўқинг. Қайси сўз туркумига хос сўзлардан фойдаландингиз?

### ҚИШДА

Қор жуда қалин ..... . Қаттиқ совуқ ..... . Ҳамма ёқда чиройли манзара. Кечаси биров атрофга оқ чойшаб ёзиб кетганга ..... . Дарахт шохлари худди маржон тақиб қўйилгандай ..... .





4. Ўқинг. Феълларнинг бир-биридан фарқини айтинг.

Қоплади – қопламади, келди – келмади, ишлайди – ишламайди, бошлади – бошламади, сўзлайди – сўзламайди, терапия – термация.

Кўчиринг, бўлишсизлик қўшимчасининг тагига чизинг.

Бўлишсиз феъллар феълнинг негизига -ма қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Феълнинг бўлишсиз шаклини эмас сўзи билан ҳам ҳосил қилиш мумкин: тутмади, тутмоқчи эмас.



5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Аёзли кунда турмайди,  
Оёғи ерга тегмайди.

Оқиб келар шалдираб,  
Ойдайин ялтираб.  
Булутга қилич солар,  
Ялт-ялт этиб йўл очар.

Кўзин очолмас,  
Кундуз учолмас.

Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг. Бўлишсиз феъллар қатнашган топашмоқларни жавоби билан ёзинг.



6. 4-синф “Адабий ўқиш” китобидан бўлишли ва бўлишсиз феъллар қатнашган тўртта гап кўчириб ёзинг.





7. Чизиқчалар ўрнига бўлишли ва бўлишсиз феълларнинг мосини қўйиб, гапларни ёзинг.

Ўқувчилар эски китобларни \_\_\_\_\_. Зумрад дугонасининг сўзларини \_\_\_\_\_. Мен эртакни \_\_\_\_\_. Эрталабдан совуқ шамол эса \_\_\_\_\_. Нафиса бугун мактабга \_\_\_\_\_.

**Қўйиш учун феъллар:** бошлади, бормади, таъмирладилар, бормоқчи эмас, эшитмади, ўқиб бўлдим.





## ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ

**Биз бугун дарсда:**

- феълларнинг замони нутқ сўзлаб турган пайтга қараб белгиланишини;
- сўроқлар ёрдамида феълларни аниқлашни;
- тез айтишларни тез-тез ўқишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган феълларга сўроқ беринг. Нимани сездингиз?

### ОБ-ҲАВО

Бизни ўраб турган атмосферанинг ҳар қандай ҳолати об-ҳаво дейилади.

Об-ҳаво тўхтовсиз **ўзгариб туради**. Бу ўзгаришларни мутахассислар белгилаб борадилар. Об-ҳавонинг ўзгариши олдиндан хабар қилинади. Сабаби, кема капитанларига ҳам, учувчиларга ҳам ҳайдовчи ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимларига ҳам об-ҳавони билиш муҳим.

Об-ҳавони олдиндан билишга ёрдам берадиган асбоблардан бири барометрдир. У атмосфера босимининг ўзгаришини **кўрсатади**. Соҳа мутахассислари об-ҳавони ўрганиш бўйича янги усулларни **қўлламоқдалар**. Бу борада мамлакатимизда барча шароитлар **яратилган**.

Феъллардан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш пайтини аниқланг. Феълларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.

Феълларнинг замони нутқ сўзлаб турган пайтга қараб белгиланади. Шунга кўра феълларда уч замон бор: ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон.



Ўтган замон феъллари ҳаракатнинг нутқ сўзланган пайдан олдин бўлиб ўтганини билдиради: ёздим, ўқидим.

Ҳозирги замон феъллари ҳаракатнинг нутқ сўзланаётган пайтда бўлаётганини билдиради: ёзаяпти, ўқияпти, ёзмоқда, ўқимоқда.

Келаси замон феъллари ҳаракатнинг нутқ сўзланган пайдан кейин бўлишини билдиради: ёзмоқчи, ўқимоқчи, ёзади, ўқийди.



2. Интернетдан об-ҳавони аниқлайдиган асбоблар ва мутахассислар ҳақида маълумот тўплаб, гуруҳдошларингиз билан муҳокама қилинг.



3. Гапларни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Мактабимиз бадий ҳаваскорлари шаҳар кўригида биринчи ўринни эгаллашди. Асилбек қушларга донхўрак ясади. Болалар майдончада қордан қор одам ясамоқдалар. Муслима келажакда шифокорлик касбини эгалламоқчи.

Кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

## СОВУҚ

Майса, ниҳол дастингдан  
Тарашадек қотдилар,  
Сендан безиб қушлар ҳам  
Узоқларга кетдилар.  
Яшамагур бизларни  
Ўқишдан қолдирмоқчи.



Яна у иродамиз  
Қандайлигин билмоқчи.  
Сендан қўрқиб уй-уйда  
Ўтирмаймиз синиқиб,  
Чунки бизлар кундан-кун  
Ўсмоқдамиз чиниқиб.

*Ҳабиб Раҳмат*

Шеър мазмуни бўйича саволлар тузинг.



5. Қайси жавобдаги феъл нутқ сўзлаб турган пайтдан кейин ба-  
жариладиган ҳаракатни билдиради.

А) бормоқчиман  
В) эшитдим

Б) яшнаяпти  
С) бормаган



6. Тез айтишларни тез-тез ўқинг.

Жилға жарга  
Жилваланиб жилади.

Тонгда шудгорда  
Шудринг кўрдингми, денг.

Комил, Камол  
Камалак кўрди.

Кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.





## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

**Биз бугун дарсда:**

- ўтган замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин бажарилган (ёки бажарилмаган) ҳаракатни билдиришини;
- феълларнинг замони ва гапдаги вазифасини;
- расм асосида кичик ҳикоя тузишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган феълларга сўроқ беринг. Феъллардан англашилган ҳаракат қачон бажарилган?

### ТУМАН

Тунни гулзорда ўтказган туман аста-секин далаларга ёйилди. У паст-баланд тепалар оша қишлоқни қоплади. Дарахт-буталарнинг шохи оппоқ туман ичида қолди. Ҳатто уйлар ҳам кўринмасди. Шундай бўлса ҳам ўқувчилар мактабга ўз вақтида етиб келдилар. Синфларига тўпланиб, табиат календарига туман белгисини қўйдилар. Бироздан сўнг, туман тарқалди. Қуёш чарақлаб нур сочди. Ҳаво мусаффо, нафас олиш енгил бўлди.

Ўтган замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин бажарилган (ёки бажарилмаган) ҳаракатни билдиради, нима қилди?, нима қилдилар?, нима қилган? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. -ди, -ган ўтган замон қўшимчаларидир.



2. Сиз ҳам туманнинг тушиши ва тарқалишини кузатганмисиз? Интернетдан туманнинг ҳосил бўлиши ҳақида маълумот тўп-ланг ва дўстингизга сўзлаб беринг.







3. Матнни ўқинг. Феълларни аниқлаб, замонини айтинг.

Дилнозанинг уйига Сарви хола чиқди. Дилноза Сарви холага одоб билан салом берди. У дарров дастурхон ёзди. Ноз-неъматларни келтирди. Сарви хола кўп ўтирмади, лекин Дилнозани мақтади.

*Насиба Зиёвуддиновадан*



4. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Дов-дарахтга қиш бобо,  
Укпар жиға қистирди.  
Мақтабга айланма йўл,  
Қор ёғди-ю, қисқарди.

*Турсунбой Адашбаев*

Ўтган замон феълларининг тагига чизинг.



5. Ўқинг. Чизиқлар ўрнига берилган феъллардан мосини қўйиб ёзинг.

Март ойларида кўкда қора булутлар \_\_\_\_\_. Ёмғир \_\_\_\_\_.  
Баҳор \_\_\_\_\_. Қуёш илиқ нурларини \_\_\_\_\_.

– Салом, Қуёш бобо! – деди Қор ва севинганидан \_\_\_\_\_. Сойлар уни бағрига \_\_\_\_\_.

*Рауф Толиб*

Феълларнинг замони ва гаптаги вазифасини айтинг.

**Қўйиш учун сўзлар:** олди, ёға бошлади, қуюқлашди, сочди, эриб кетди, келди.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Қуёшда лов-лов ёнди,  
Чиройидан дил қонди.

Заминга оқолмади,  
Гиёҳни боқолмади.




Баланд тоғ чўққисига  
Тандир қурди табиат.

Ўт-оловин сочмоқда  
Замбуруғ дев – баҳайбат.

Кўчиринг. Феълларни аниқлаб, ўтган замон феълларининг тагига чизинг.



7. Расмларни кузатинг. Гуруҳда кичик ҳикоя тузинг.





## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЁЗУВДА ИФОДАЛАНИШИ

**Биз бугун дарсда:**

- ўтган замон феълларининг ёзувда ифодаланишини;
- ўтган замон қўшимчаси к товуши билан тугаган феълларга -кан; қ товуши билан тугаган феълларга -қан; бошқа феълларга -ган шаклида қўшилишини ўрганамиз.



1. Матнини ўқинг. Ажратиб кўрсатилган феълларга сўроқ беринг. Уларни айтилиши ва ёзилишини таққосланг.

Ерда тоғлар миллион йиллар муқаддам пайдо бўлган. Тоғларнинг чўққилари қор ва муз билан қопланган. Баланд тоғ чўққиларида ёзда ҳам қор эримайди. Вақт ўтиши билан улар зичлашиб, музликлар ҳосил бўлади. Шу музлардан булоқлар бошланган. Улар бир-бири билан қўшилиб дарёга айланади. Тоғ баландлашган сайин иқлим салқинлашади.

Ўтган замон қўшимчаси к товуши билан тугаган феълларга -кан; қ товуши билан тугаган феълларга -қан; бошқа феълларга -ган шаклида қўшилади.



2. Ўқинг. Ўтган замон феълларини аниқланг, уларнинг айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.

Мактаб сўзи ўзбек тилига араб тилидан кириб келган. Бу ниҳолларни бобом билан кеч кузда экканмиз. Нодир меҳнатда ва спортда чиниққан. Кўйлакни бувим синглимга тикканлар. Альпинист тоғнинг энг баланд чўққисига чиққан.





3. Ватанимиз табиий харитасидан мамлакатимиздаги тоғларни аниқланг, номларини ёзинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, замонини айтинг.

Гур-гур момақалди роқ,  
Яшин тиши ялти роқ.  
Шамол, булут ўйнашди,  
Бир-бирини қувлашди.  
Жала, ёмғир, сел қуйди,  
Дала бетини ювди.  
Бирдан ҳаво очилди,  
Қуёш нури сочилди.

*Қуддус Муҳаммадий*

Шеърда қайси табиат ҳодисалари ҳақида айтилган?  
Кўчиринг, ўтган замон феълларининг тагига чизинг.





5. Берилган феълларга ўтган замон қўшимчаларини қўшиб ёзинг ва ёзилишини изоҳланг.

Қирқ, қўрқ, чоп, айт, кўр, чақ, эг, ич, тик, чиқ, эк, чўк.

Шу феъллардан қатнаштириб, иккита гап тузинг ва ёзинг.



6. Нуқталар ўрнига қавс ичида берилган қўшимчалардан мосини қўйиб ўқинг.

Тонг от... (-ди, -ти). Қуёш чиқ... (-ди, -ти). Ўқувчилар мактаблари томон кет... (-ди, -ти) лар. Улар мактабларига ет ... (-ди, -ти) лар. Ўқувчилар мактабда ўқиш ... (-ди, -ти), ёзиш (-ди, -ти).

Шу феълларни кўчириб, айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.



7. Берилган қўшимчалар билан ўтган замон феълини ҳосил қилинг.

-ган

-кан

-қан

Ҳосил бўлган феълларнинг айтилиши ва ёзилишини ёдингизда тутинг.





## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

**Биз бугун дарсда:**

- ҳозирги замон феъли нутқ сўзлаб турган пайтда бажарилаётган (ёки бажарилмаётган) ҳаракатни билдиришини;
- феълларнинг замонини аниқлашни;
- матн мазмунини сўзлашни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Феълларни топинг. Қайси гаплардаги ҳаракат сиз сўзлаб турган вақтда бажарилляпти?

### ЯШИННИНГ ФОЙДАСИ

Сайёрамиз устида момақалди роқ тез-тез бўлиб туради. Ер устида ҳар йили ўрта ҳисобда 3 миллиард 100 миллион мартадан кўпроқ чақмоқ чақиб туради.

Бу бир сонияда дунёнинг турли бурчагида 100 мартадан ортиқ момақалди роқ бўляпти дегани.

Яшин катта талофатлар келтиради. Лекин унинг фойдаси ҳам бор. У ўзининг “яшин тезлиги” даги парвози вақтида ҳаводан миллион тонналаб азотни ерга юборяпти. Бу бепул ўғит ҳисобланяпти. Деҳқонларимиз буғдой, шоли ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш мақсадида азот ўғитидан фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги замон феъли нутқ сўзлаб турган пайтда бажарилаётган (ёки бажарилмаётган) ҳаракатни билдиради.

Ҳозирги замон феъли -яп, -моқда қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади. Шахс-сон қўшимчасидан сўнг қўшилади.

Масалан: кетяпман, кетмоқдаман, кетмоқда феълларида -яп, -моқда замон қўшимчалари.



2. Сиз ҳам момақалди роқ ва яшин бўлишини кузатганмисиз? Интернетдан шу ҳақида янги маълумотларни ўрганинг.



3. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, замонини айтинг. Ҳозирги замон феъли қатнашган гапларни кўчириг, феълларнинг тагига чизинг.

Деразамнинг олдида бир туп ўрик ўсган. У эрта баҳорда оппоқ бўлиб гуллайди. Шу ўрик гуллаганда **жонимни ҳовучлаб тураман.**

Мана, қор аралаш ёмғир ёғяпти. Ўрик бечора оппоқ, лекин нозик гулларини қаёққа яширишни билмаяпти. Буни кўриб менинг юрагим эзилмоқда...

*Мухтор Худойқулов*

Ажратиб кўрсатилган иборанинг маъносини қандай тушунасиз?



4. Феълларни ўқинг, уларга сўроқ беринг, замонини айтинг.

Чақнади, ёғяпти, пишди, кутди, ёзяпти, қулди, келяпти, ишлаяпти, сўзлади, эсяпти, шилдиради, қараяпти, қиздирияпти, уйғонди.

Феълларни икки устунга ажратиб ёзинг. Улар иштироқида иккита гап тузинг ва ёзинг.



5. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Қуёш, қуёш, қуёшжон,  
Салом, сенга жонажон!  
Мовий кўкда ярақла,  
Нуринг сочиб чарақла.



Ярақла, чарақла сўзларининг ўрнига яна қайси сўзлардан фойдаланиш мумкин? Ўйлаб кўринг.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Одамлар тинчин бузар,  
Ўзида йўқ ҳаловат.  
Шамолдан ҳам тез ўзар,  
Ният – келтирмоқ офат.

Кўкда тулпорим,  
Кишнайти.  
Туёғидан ўт  
Чақнайти.

Кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.



7. Фикрланг.

Бўш катакларнинг ўрнига мос ҳарфлар қўйиб янги сўзлар тузинг.

қурба		шқир
Уми		ла
ол		на
ча		фиса







## КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

**Биз бугун дарсда:**

- келаси замон феъли нутқ сўзлаб турган пайтдан кейин бажариладиган ёки бажарилмайдиган ҳаракатни билдиришини;
- матндан феълларни топишни;
- берилган саволлар асосида кичик ҳикояча тузиб ёзишни ўрганамиз.



1. Шеърни ўқинг, феълларга сўроқ беринг, уларнинг ясалишига эътибор беринг.

Учқунбек, Акмал ва мен,  
Фазога учмоқчимиз.  
Порлаган юлдузларнинг,  
Бирига тушмоқчимиз.

*“Фунча”дан*

Келаси замон феъли нутқ сўзлаб турган пайтдан кейин бажариладиган ёки бажарилмайдиган ҳаракатни билдиради.

Келаси замон феъли -моқчи қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Келаси замон феъллари нима қилмоқчи?, нима қилади? каби сўроқларга жавоб бўлади: учмоқчи, учади.



2. Матнни ўқинг, сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, замонини айтинг.

## КАМАЛАҚДА НЕЧТА РАНГ БОР?

Ёмғирдан сўнг осмонда камалак кўринади, лекин унда нечта ранг борлигини ҳамма аниқ билмайди. Камалақда етти ранг бор. Улар қизил, сариқ, яшил, пушти, бинафша, оч зангори, ним пушти.



Камалак жуда чиройли манзара ҳосил қилади. Камалак осмонда узоқ вақт сақланмайди, тезда кўздан ғойиб бўлади.

Болалар, камалакни кузатинг. Қайфиятингиз чоғ бўлади. Камалакни расмда ифодаланг. Унга мос ранг танланг.



Келаси замон феълларини кўчириб ёзинг.



3. Сиз камалакнинг чиқишини кузатганмисиз? Дўстингиз билан матн асосида камалак расмини чизинг.



4. Саволларни ўқинг, улар асосида кичик ҳикояча тузиб ёзинг.

- Сиз қандай табиат ҳодисалари ҳақида ўрганиб олдингиз?
- Яна қандай ҳодисалар ҳақида ўрганмоқчисиз?
- Бунда сизга нималар ёрдам беради?
- Бунинг учун нима қиласиз?

Ёзган ҳикоянгиздаги феълларнинг тагига чизиб, устига қайси замонда эканини ёзинг.





5. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган феълларга яқин маъноли феълларни танлаб, намунадагидек ёзинг.

**Намуна:** гапирмоқ – сўзламоқ, ...

Гапирмоқ, янглишмоқ, эсламоқ, тайёрламоқ, такрорламоқ, **истамоқ**, чанқамоқ, **хозирламоқ**, сўзламоқ, қайтармоқ, адашмоқ, хотирламоқ, **сувсамоқ**, эшитмоқ, бажармоқ, **тингламоқ**, **ижро қилмоқ**, хоҳламоқ.



6. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни топиб айтинг.

Биз яқинда “Табиат мўъжизалари” номли кеча ўтказмоқчимиз. Кечанинг биринчи қисмида Нодира табиат ҳодисалари ҳақидаги видеолавҳани намойиш қилмоқчи. Самир эса табиат ҳодисалари тасвирланган расмларини кўрсатмоқчи. Саида ва Жаҳонгир шеър ўқишмоқчи.

Келаси замон феълларини ўзи боғланган сўз билан бирга ёзинг.



7. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Баҳор чоғи осмонда,  
Пайдо бўлар арғимчоқ.  
Бу арғимчоқда сира  
Уча олмаймиз бироқ.





## ФЕЪЛЛАРНИНГ ШАХС-СОН ҚЎШИМЧАЛАРИ БИЛАН ҚЎЛЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- феълларнинг шахс-сон қўшимчалари билан тусланишини;
- феълларини бирлик ва кўпликда шахс-сон қўшимчалари билан ёзишни ўрганамиз.




1. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, замонини айтинг.

### ҚУЁШ

Офтоб чиқди оламга  
Яна ёниқ, яна ёш.  
Шундай сахий, шундай сахий –  
Ҳар томчида бир қуёш!  
Ҳар қорачиғ тубида у  
Қувонч бўлиб ёнади.  
Қуёш менинг боғларимда,  
Шарбат бўлиб томади.

*Асқад Мухтор*



Эга орқали ҳаракатни қайси шахс бажараётганини аниқланг.



2. Қуёшнинг жонли табиатдаги аҳамияти ҳақида билганларингизни айтинг. Интернетдан дўстларингиз билан янги маълумотлар тўпланг.



3. Гапларни ўқинг. Ажратиб кўрстилган феълларга сўроқ беринг. Феъллардаги охирги қўшимчалар нимани билдирапти?



Мен қуёш ботишини кўп **кузатганман**. Қуёш ботаётганда алвон тусга **киради**. Сиз қуёшнинг ботганини **кузатганмисиз**?

Гапларни кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.

Жадвални кузатинг. Шахс-сон қўшимчаларини билиб олинг.

Шахслар	Сонлар	
	Бирлик қўшимчалари	Кўплик қўшимчалари
I шахс	ўқидим, ишляяпман, ўқи-моқчиман	ўқидик, ишляяпмиз, ўқи-моқчимиз
II шахс	ўқидинг, ишляяпсан, ўқи-моқчисан	ўқидингиз, ишляяпсиз, ўқимоқчисиз
III шахс	ўқиди, ишляяпти, ўқи-моқчи	ўқидилар, ишляяптилар, ўқимоқчилар

Феъллардаги -м, -ман, -нг, -сан, -ди(-ти), -к, -миз, -нгиз, -сиз, -ди(лар) шахс-сон қўшимчаларидир.

Шахс-сон қўшимчалари ҳаракатнинг уч шахсдан бири томонидан бирлик ва кўпликда бажарилган ёки бажарилмаганини билдиради.

Шахс-сон қўшимчалари тусловчи қўшимчалардир. Феълларнинг тусловчи қўшимчалар билан қўлланиши тусланиш дейлади.



4. Гапларни ўқинг. Ҳаракатни билдирган сўзларни топинг. Уларни эга билан бирга кўчиринг.

Мен қушларга дон бердим. Сен келгусида қайси касбни танлайсан? У катталар меҳнатини қадрлайди. Биз озод ва обод Ватанда яшляяпмиз. Сиз қайси китобларни ўқигансиз? Улар қуёшнинг чиқишини кузатдилар.





5. Жадвалдан фойдаланиб, **айт, бормоқчи** феълларини бирлик ва кўplikда шахс-сон қўшимчалари билан ёзинг.



6. Ҳаракатни билдирган сўзлар олдига кишилик олмошларидан мосини қўйиб гаплар тузинг. Феълнинг қайси шахс-сонда эканини айтинг.


Ёзмоқчи, арралапти, уйғотди.



7. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Дераза эшиклардан,  
Кириб ғужғон ўйнайди.  
Юз, қўл, танангни силаб,  
Эркалайди, тўймайди.  
Ўз кўнглингда пок ният,  
Аmmo ғализ қилиғи.  
Кўринмайди кўзингга  
Кучин кўрсатар тиғи.

Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, қайси шахс-сонда эканини айтинг. Топишмоқни кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.





## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ ТУСЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- ўтган замон феълининг тусланиши;
- шеърни ўқиб, ёддан ёзишни;
- гапнинг эга ва кесимини аниқлашни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, уларнинг қайси замонда келганини айтинг.

### ДЕНГИЗДА БЎРОН

Денгизда бошланган даҳшатли бўрон уч кун чўзилди. Тоғдай кўм-кўк тўлқинлар бир-бирини қувлайди. Оппоқ кўпикланиб чайқалади. Гувиллаган қўрқинчли овоз чиқаради.

Кемалар қирғоққа чиқариб қўйилган. Бироқ кемаларнинг тахталари парча-парча бўлиб кетгандек гижирлар ва қисирлар эди.



Бу кеча ҳам бўрон тинмади. Портдаги қоровуллар ҳам яшириниб олдилар. Лекин қандайдир икки қайиқ қирғоққа сузиб келди. Одамларнинг бўғиқ овозлари эшитилди. Улар қайиқдан юк туширдилар.

Тонгга яқин бўрон бутунлай тинди. Тўлқинлардан кўпириб тошган денгиз кумушдек товланди. Сувлар жимирлаб оқди. Бўрон кетидан сузиб бораётган булутлар орасидан қуёш мўраллади. Қуёшни кўрган қирғоқдаги кишиларнинг чехралари очилиб кетди.

Ўтган замон феълларининг қайси шахс ва сонда эканлигини айтинг.



2. Интернетдан денгиздаги бўронлар ҳақида маълумот тўплаб, - гуруҳдошларингиз билан тақдимот тайёрланг.



3. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Тоғларингда кезганман,  
Боғларингда кезганман.  
Она диёр, меҳрингни,  
Ҳар қадамда сезганман.  
Севдик сени умрбод,  
Сен борсанки кўнгиш шод.

*Шукур Саъдулла*

Ўтган замон феълларининг тагига чизинг, тепасига шахс ва сонини ёзинг.



4. Кулди, терган ўтган замон феълларини шахс-сонда тусланг.



5. Ўқинг. Нуқталар ўрнига *сўзлаб бермоқ, бормоқ, айлантирмоқ, яқинлашмоқ, ўқиб бермоқ* феълларини гапнинг мазмунига мос равишда ўтган замонда туслаб, гапларни кўчиринг. Тусланган феълнинг шахс ва сонини кўрсатинг.

Одил бизга кеча қандай дам олганини ... . Мен кеча опам билан “Фиркан сити” ўйингоҳига ... . Халқимиз Астанани замонавий



шаҳарга ... . Мафтуна қувонч билан онасига ... . Акбар ўзи ёзган шеърини ... .

Ҳар бир гапнинг эга ва кесимини аниқланг.



6. Шоир Шухратнинг шеъридан парчани ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Турли белги қолдирганмиз,  
Тоғнинг баланд – пастида.  
Палаткалар қуриб ётдик,  
Шу арчамиз остида.  
Ёзда меҳмон бўлган эдик,  
Арчага биз барчамиз.  
Бугун меҳмон бўлиб келган  
Бизга ўша арчамиз.

Кўчиринг, ўтган замон феълларининг тагига чизинг, шахс ва сонини кўрсатинг.





## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ ТУСЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- ҳозирги замон феъли -яп, -моқда қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлишини;
- шеър мазмуни юзасидан суҳбатлашишни;
- феълларга мос от танлашни **ўрганамиз**.



1. Шеърни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, қайси замонда келганини айтинг.

### ДЎҚ ҚИЛДИ

Табиатда энг зўри  
Билдим: момақалди роқ!  
Гумбурлатса осмонни  
Қаранг, ҳамма қалтирар.  
Бизлар тоққа отланган  
Шанбада ҳам “дўқ” қилди.  
Кўп орзиқиб кутилган  
Дам олишни йўқ қилди.

*Сирожиддин Рауф*



Феълларни ҳозирги замонда айтинг.

Ҳозирги замон феъли -яп, -моқда қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади. Шахс-сон қўшимчаси замон қўшимчасидан кейин келади: ўқияпман, термоқда, оляпсиз, бормоқдамиз.



Сиз табиатдаги энг кучли  
ходиса нима деб ўйлайсиз?



2. Ҳозирги замон феълнинг тусланишига эътибор беринг.

Шахс \ Сон	Бирлик	Кўплик
I шахс	ясяяпман	ясяяпмиз
II шахс	ясяяпсан	ясяяпсиз
III шахс	ясяяпти	ясяяптилар

Кел, турмоқ феълларини ҳозирги замон шахс-сонида туслаб ёзинг.



3. Маттни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, қайси замонда келганини айтинг.

## АЛИШЕР НАВОИЙ

Бобомиз Алишер Навоий 9 февралда Хирот шаҳрида туғилганлар. Болалик чоғларидаёқ ҳамманинг эътиборига тушганлар. Жуда одобли, зехни ўткир бўлганлар. Кўп китоб ўқиганлар. Минглаб мисра шеърни ёд билганлар. Кичикликда ёзган шеърларига устозлари ҳам катта баҳо берганлар.

Навоий бобомизнинг “Билмагани сўраб ўрганган олим” деган насихатларига биз ҳам амал қилияпмиз, сўраб-сўраб ўрганмоқдамиз.

Ҳозирги замон феъли қатнашган гапни ёзинг, феълларнинг шахс-сонини тепасига ёзинг. Бобомиз Алишер Навоий ҳақида яна нималарни биласиз?





4. Нуқталар ўрнига мос феълларни қўйиб, гапларни ёзинг. Феълларнинг қайси шахс-сондалигини қавс ичида ёзинг.

Ташқарида қор ... . Нигора мактабга ... . Мақсад ёғочдан нақш ... . Мен онамга ... . Сен аъло баҳоларга ... . Биз тўғарақда чет тилида сўзлашни ... . Болалар тепалиқда чана ... .

Қўйиш учун феъллар: ўқимоқдасан, учишяпти, ёғмоқда, ёрдамлашяпман, кетяпти, ўрганияпмиз, ясамоқда.



5. Ўқинг. Берилган феълларга мос отларни танланг. Нима учун айнан шу отни танлаганингизни исботлаб беринг.

*Гувиллайди, ёгяпти, қарсиллади, эсаяпти, иситмоқда, гумбурлайди, чақнайди, шитирляяпти, шариллайди, музлади, сузмоқда.*



*Ёмғир, шамол, бўрон, қуёш, чақмоқ, яшин, қор, сел, сув, булут, момақалди роқ.*

Бу феъллар қандай табиат ҳодисалари ҳақида бўлиши мумкин?



6. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Тумшуқсиз чумчуқ,  
Муз тешар.

Феълни аниқланг, қайси замонда келганини айтинг.





## КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ ТУСЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- феъллардаги шахс-сон қўшимчалари гапда сўзларни бир-бирига боғла-  
шини;
- шеър мазмуни юзасидан фикр билдиришни;
- феълларни туслашни **ўрганамиз**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

### ЁМҒИР ЁҒАЛОҚ

Ёғар ёмғир-ёғалоқ,  
**Яшнайд** яшил чақмоқ,  
 Яшил ойнинг боласи,  
 Гўзал томчи думалоқ –  
 Ҳой думалоқ, ҳой думалоқ...

Томчи, томчи, ҳой томчи.  
 Қўлида ипак қамчи,  
 Ер юзини савалар,  
 Ердан **унар** майсалар –  
 Ҳой майсалар, ҳой майсалар ...

*Қуддус Муҳаммадий*

Ажратиб кўрсатилган феълларнинг замонини айтинг.

Келаси замон феълига шахс-сон қўшимчаси замон қўшимча-  
сидан сўнг қўшилади: айтмоқчима**н**, айтмоқчисиз, айтмоқчи.

2. Ўқинг. Келаси замон феълининг тусланишини билиб олинг.

	Бирлик	Кўплик
I шахс	ўрганмоқчима <b>н</b>	ўрганмоқчимиз
II шахс	ўрганмоқчиса <b>н</b>	ўрганмоқчисиз
III шахс	ўрганмоқчи	ўрганмоқчилар





3. Намунадан фойдаланиб, ёдламоқ, тозаламоқ феълларини шахс ва сонда туслаб ёзинг.



4. Ўқинг. Феълларнинг замонларини аниқланг.

Келди, иситмоқда, изладим, ухляяпти, эшитмоқда, топдим, қолмоқчи, ёзмоқчи, сотди, кутмоқчисиз.

Келаси замон феълларини қатнаштириб, гаплар тузинг.



5. Шеърни ўқинг. Нуқталар ўрнига шахс-сон қўшимчаларидан мосини қўйиб ёзинг.

Эй Ватаним баҳори,  
Ифор сочиб кула ...  
Сен пушти ва зангори  
Гуллар билан тўла ... .

*Йўлдош Эшбек*

Феъллардаги шахс-сон қўшимчалари гапда сўзларни бир-бирига боғлайди. Шахс-сон қўшимчалари сўз ўзгартувчи қўшимчалардир.



6. Гапларни ўқинг ва кўчиринг. Феълларни аниқлаб, тагига чизинг, шахс-сон қўшимчаларининг тагига чизинг.

Мен болаларимни, набираларимни соғиндим. Биз текис йўлдан сўлим қишлоққа бордик. Қирда сурув-сурув қўйлар ўтлашмоқда. Сен қачон дарсларингни тайёрлайсан? Биз ерни сабзаёт экиш учун тайёрламоқчимиз. Ерни чопамиз, кесакларни майдалаймиз.





7. Шеърни ифодали ўқинг. Шеър ниманинг тилидан айтилган?

### БАҲОР СЎЗИ



Тоғлар бағри адирларда  
Лоламан, ловулламан.  
Қўпираман, гувилламан,  
Шўх сойдаи шовулламан.  
Уйғонаман, кўз очаман,  
Гўзал, сирли тонг бўлиб.  
Товланаман камалакдай,  
Турфа – турфа ранг бўлиб.



*Рауф Толиб*

Ажратилган сўзларни шахс бирликда туслаб, шеърни қайта ўқинг.  
Баҳор ўз сўзида қандай табиат ҳодисалари ҳақида айтган?



# *Атроф муҳит муҳофазаси*







## ҚЎШМА ФЕЪЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- атроф муҳит муҳофазаси ҳақида сўзлашни;
- қўшма феъллар сўзларни қўшиш билан ясалишини ўрганамиз.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг. Шеърда ёзилган фикрларга сиз ҳам қўшиласизми?

### ҚИЗИЛ КИТОБ

Қизил китоб болалар,  
Билинг, нега тузилар,  
Тераверсак лолалар,  
Туғаб ҳаёт бузилар.

Оғриб қақшар табиат,  
Бағри бутун бўлмаса.  
Одам яшнар гул-кўкат,  
Беҳуд, бевақт сўлмаса.

Сизлар лола сайлига,  
Чиқинг-у узмай қайтинг.  
Ўссинлар ўз майлига,  
Катталарга ҳам айтинг!

*Комилжон Солибеков*

Ажратиб кўрсатилган феълга сўроқ беринг, ёзилишига эътибор беринг.

Қўшма феъллар сўзларни қўшиш билан ясалади:

1. Феъл бўлмаган сўз билан феълнинг бирикишидан: буйруқ қилди, ҳимоя қилди.
2. Икки феълнинг бирикишидан ясалади: кўтариб келди, кулиб юборди.





2. Интернетдан Ватанимизнинг ўсимлик ва ҳайвонлари киритилган “Қизил китоб” ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг. Улар қандай феъллар?

Лайлак одамга ўхшаб сўзлабди:

– Мени қўйиб юбор. Нима тиласанг, шуни бераман.

Лайлак чолга очил қайнар хумча, дастурхон, уртўқмоқни берибди.

Чол қайнар хумчадаги тиллаларни бева-бечораларга улашиб чиқибди.

Икки ёки ундан ортиқ сўздан тузилган феъллар қўшма феъл дейилади. Масалан: кўриб берди, кўриб қолди.

Қўшма феъл таркибидаги ҳар бир сўз алоҳида-алоҳида ёзилади.

Бир сўздан иборат бўлган сўзлар (олдим, бордим) содда феъллардир.



4. Ўқинг. Берилган феълларни қўшиб, қўшма феъллар ясанг ва нимунадагидек ёзинг.

**Намуна:** бориб келди, ...

Келди, қолди, сўради, очди, кетди, борди, қўйди, бўлди, олди, юраман.



5. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, турини айтинг.



## АСАЛАРИ



Асал асалари уясидаги мум катакларидан олинишини ҳамма билади. Уяга эса асални асалари олиб келади. Она асалари уяда бир ўзи тухум қўяди ва келажакда улардан ёш асаларилар етишиб чиқади. Агар асалари заҳаридан тўғри фойдаланилса, у одамни кўпгина касалликлардан халос этади.

*“Болалар энциклопедияси”дан*

Қўшма феъллар қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.



6. Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Бойчечаклар ниш уриб  
То тургунча ўрнидан,  
Баҳор қишни тарновга  
Осиб қўйди бурнидан.

*Турсунбой Адашбаев*

Кўчиринг, қўшма феълларнинг тагига чизинг.



7. Бошқотирмани топинг.

Олмасанг ярим нафас, йўлдан ўтгани қўймас.

В					
---	--	--	--	--	--





## СИНОНИМ ФЕЪЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- шакли ҳар хил бўлса ҳам, маъноси бир-бирига яқин бўлган феъллар синоним феъллар эканини;
- “Табиатни севамиз” мавзусида кичик ҳикоя тузишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

### ТАБИАТ ВА ИНСОН

Инсон ва табиат бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Ҳаводан нафас оламиз, сувни ичамиз. Табиат инсон учун зарур ҳамма нарсани беради, шу сабабли табиатни асраб-авайлаш, қўриқлаш зарур.

Ажратиб кўрсатилган феълни қандай сўз билан алмаштириш мумкин?

Шакли ҳар хил бўлса ҳам, маъноси бир-бирига яқин бўлган феъллар синоним феъллар дейилади.

Синоним феъллар бир хилдаги ҳаракатни билдиради: югурди, чопди.



Дўстингиз билан табиат ва инсоннинг узвийлиги ҳақида постер тайёрланг





2. Ўқинг. Феълларнинг синонимини аниқлаб, намунадагидек ёзинг.

**Намуна:** кўмаклашди – ёрдамлашди, ...

Эҳтиётлади, дунегга келди, баҳслашди, кулди, тинглади, келди, куйлади, уқди.

**Қўйиш учун феъллар:** туғилди, жилмайди, тортишди, ардоқлади, ташриф буюрди, эшитди, тушунди, қўшиқ айтди.

Синоним сўзи юнонча (грекча) синонимос (бир номли) сўздан олинган. Синоним сўзлар нутқнинг таъсирли бўлишини таъминлайди.



3. Шеърни ўқинг, феълларни аниқланг.

Дарс вақтида огоҳ бўл,  
Қушдек сезгир, ҳушёр бўл.  
Устанг сўзин илиб ол,  
Мағзин чақиб билиб ол.

*Қуддус Муҳаммадий*

Кўчиринг, синоним феълларнинг тагига чизинг.



4. Чизиқчалар ўрнига мос синоним феъллар қўйиб гапларни ўқинг ва ёзинг.

Табиатнинг бойликларини \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_. Дарсларда ўқитувчининг гапларини яхши \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_. Муסיқа дарсларида қўшиқ \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_. Дарслардан бўш вақтларда онамга уй ишларида \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_.





5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Осмонда тош юмалар, лекин кўрмадим,  
Гумбурлаб тўп отилар, ундан қўрқмадим.

Тунда кўриб чўғ дейсиз,  
Тонгда кўриб йўқ дейсиз.

Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг. Бўлишсиз феъллар қатнашган топишмоқни жавоби билан ёзинг, феълнинг тагига чизинг.



6. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Мактабингнинг мулкени,  
Обрўйи ва кўркини  
Жон-у дилингдек сақла,  
Эҳтиётла, ардоқла.

*Қуддус Муҳаммадий*

Синоним феълларнинг тагига чизинг.





## АНТОНИМ ФЕЪЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- қарама-қарши маъноли феълларнинг ёзилишини;
- сўроқлар ёрдамида антоним феълларни аниқлашни **ўрганамиз**.



1. Шеърни ўқинг, ажратиб кўрсатилган феълларга сўроқ беринг, турини ва замонини айтинг.

Гулларга сув ташийман,  
Қўлда жажжи челагим.  
Чарчамайман сира ҳам,  
Жуда кучли билагим.

*Оллоберган Пўлат*

Қарама-қарши маъноли феъллар антоним феъллар дейилади: юрди-тўхтади.

Антоним сўзи юнонча (грекча) анти (зид, қарама-қарши) ва онима (ном) сўзларидан тузилган.

Феълнинг ўзагига -ма қўшимчасини қўшиш орқали ҳам ҳосил бўлади: учди-учмади.



2. Гулларни парваришlash табиатни асраш деб ўйлайсизми? Фикрингизни далилланг.



3. Ўқинг. Берилган феълларга антоним феълларни топиб ёзинг.

**Намуна:** ухлади – уйғонди, ...

Турди, чиқди, кетди, қувонди, соғайди, юрди, тезлашди, ёпди.

Антоним феъллар иштирокида иккита гап тузиб ёзинг.





4. Гапларни ўқинг, сўроқлар ёрдамида антоним феълларни аниқланг.

Карима хатни чиройли ёзди. Фарҳод топшириқни ёзмади. Нозим уйқудан эрта турди. Саиджон бобосининг ёнига бориб ўтирди. Ўқувчилар табиат қўйнига саёҳатга борадилар. Дам олиш куни акам Астанадан келадилар. Тонг чоғи майсалар устига шудринг тушди. Булутлар орасидан чарақлаб қуёш чиқди.

Кўчиринг, антоним феълларнинг тагига чизинг.



5. Шеърни ифодали ўқинг, сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

### БАҲОР КЕЛГАЧ

Қиш қорини супурди,  
Қуёш нурун уфурди.  
Ялпиз ҳиди гупурди,  
Баҳор келгач.

Чақмоқ кўкда ёнғоқ чақди,  
Қизғалдоқлар селда оқди.  
Қуёш яна кулиб боқди,  
Баҳор келгач.

*Турсунбой Адашбаев*

Ажратиб кўрсатилган феълларга зид маъноли феъллар топинг.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

**Келар** жойи аниқмас,  
**Етар** манзили ҳам йўқ.





Гоҳо гувиллар, увиллар,  
Гоҳо эсиб урар дўқ.

Ер бағрини туртиб чиқар,  
Қор уюмин йиртиб чиқар.  
Ариқ лабин **безар** у,  
Баҳор яқин, **сезар** у.

Ажратиб кўрсатилган феълларни -моқда қўшимчаси қўшиб ёзинг, қайси замонда келишини айтинг.



7. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Эртаги экин экилди,  
Эркин эгатга эгилди.

Кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.





## ФЕЪЛНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

**Биз бугун дарсда:**

- феълни таҳлил қилишни;
- матндан қўшма феъллар қатнашган гапларни кўчириб, феълларни таги-га чизишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Дам олиш куни мен опам билан ялпиз теришга чиқдим. Биз у ерда ялпиз, исмалоқ, отқулоқ териб юрган болаларни учратдик. Улар билан **танишдик**. Мадина саватчада исмалоқ **терибди**. Дилшод эса ялпиз терибди. Биз ҳам бир сават ялпиз тергач, уйга қайтдик.

Феълни таҳлил қилиш намунаси: **Чиқдим** – феъл, бош шакли – **чиқмоқ**, бўлишли, **1** шахс, **бирлик**, ўтган замон.

Феълни таҳлил қилганда, аввал бош шакли, кейин бўлишли ёки бўлишсизлиги, шахси, сони, замони айтилади.

Ажратиб кўрсатилган феълларни намуна асосида таҳлил қилинг.



2. Сиз ҳам шифобахш ўтларни терганмисиз? Уларни териш қодасини биласизми? Ўз ўлкангизда ўсадиган шифобахш гиёҳлар ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Бутун борлиқ уйғониб,  
Дарё, кўллар тўлғаниб,



Яшил кийиб адирлар,  
Гуллар сочар атирлар.  
Гулларга гул қўшади,  
Қўшиқ бўлиб жўшади.  
Деҳқон ерга эгилар,  
Кўчат, уруғ экилар.

*Пўлат Мўмин*

Феълларни таҳлил қилинг.



4. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

### ҲАККА

Ҳакка қиш бўйи қишлоққа яқинроқ жойда яшайди. Бу вақтда овқат топиш осонроқ бўлади. Лекин кўклам келиши билан уларни учрата олмайсиз. Ҳакка – қўрқоқ ва эҳтиёткор қуш. У ўрмонга уя қўяди. Уясини қалин шохлар орасига яхшилаб бекитади. Уни ҳеч ким топа олмайди.



Кўрсатиш ва сўроқ олмошлари қатнашган гапларни кўчиринг. Олмош ва феълларнинг тагига тегишлича чизинг.



5. Қушларга ғамхўрлик қилишни унутмадингизми? Қандай ғамхўрлик кўрсатганингиз ҳақида 4 та гап тузиб ёзинг.



6. Қуйидаги талабларга мос бўлган учтадан феъл топиб ёзинг ва таҳлил қилинг.

1. Бўлишли, I шахс, қўплик, ўтган замон.
2. Бўлишсиз, II шахс, бирлик келаси замон.
3. Бўлишли, III шахс, бирлик ҳозирги замон.





7. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, турини айтинг.

Мен дўкондан расмли китоб сотиб олдим. Раъно рангли қаламини Насибага совға қилди. Гулнинг ёқимли ҳиди таралди. Қушлар турли дон-дун билан овқатланади. Шохрух ҳикояни расмга қараб ёзди. Шохиста жуда кўп эртакни билади. Болалар кўчатни ариқ бўйига ўтқазишди.

Қўшма феъллар қатнашган гапларни кўчиринг, феълларни тагига чизинг.



7. Қайси жавобда бўлишсиз шаклдаги ҳозирги замон феъли бор?

- А) тўпламаганман
- Б) чақирмадим
- В) қувмаяпти
- Г) бормаган





## ФЕЪЛ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

Биз бугун дарсда:

- феъл ясовчи қўшимчаларнинг ёзилишини;
- шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиришни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқлаб, уларнинг бўлишли ва бўлишсизлиги, замони, шахс-сонини айтинг.

Ватанимизда қўриқхоналар ташкил этилган. Уларнинг хизматчилари қуриган, синган, кекса дарахтлар ўрнига янгиларини ўтқазишади, ёнғиндан сақлаш чораларини кўришади. Ёнғин ўрмонлар учун энг хавfli одат, шу сабабдан саёҳат ва дам олгани борилганда оловдан эҳтиёт бўлиб **фойдаланиш** керак. Ёнғин бўлса, минглаб дарахтлар билан бирга улар атрофида яшовчи турли жониворлар ҳам халок бўлади.

Табиатни қўриқлаш – барчанинг иши.



Ажратиб қўрсатилган феълларнинг ўзак ва қўшимчаларини айтинг.



-ла, -лан, -сира, -илла, (-улла), -лаш феъл ясовчи қўшимчалардир.



- Интернетдан Ватанимиз табиатини қўриқлаш, қўриқхоналар ҳақида маълумот тўпланг, дўстларингиз билан альбом тайёрланг.



- Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни топиб айтинг.

Буюк боболарнинг улуғвор ишлари билан фахрлан. Табиат муҳофазасида сиз ҳам ёрдамлашинг. Ягона яхши мақсад йўлида бирлашинг. Қаттиқ эсган шамолдан ўрмондаги дарахтлар шовуллади.

Феълларни кўчиринг, феъл ясовчи қўшимчаларни намунадагидек белгиланг.

**Намуна:** фахрлан, ...



- Нуқталар ўрнига феъл ясовчи қўшимчалардан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. Феъл ясовчи қўшимчаларни белгиланг.

Шар..., соз..., шод..., ўт..., оқ..., тинч..., завқ..., виз..., бир..., ов... .

Шу сўзлардан қатнаштириб, учта гап тузиб ёзинг.



- Чизиқчалар ўрнига мос феъл қўйиб ўқинг. Уларнинг гапдаги вазифасини айтинг. Кесим орқали сўроқ бериб, гапнинг эгасини топинг.

Неча юз йиллар давомида яратилган боғларимиз \_\_\_\_\_ . Бунинг оқибатида бозорларда ёнғоқ, майиз, туршаклар \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ .



Азиз болажонларим! “Шарқ жаннати” деб аталган боғларимиз ўз қадрини \_\_\_\_\_ . Сиз ҳам янги боғ яратишга ўз ҳиссангизни \_\_\_\_\_ .

Эга ва кесимни бирга кўчиринг. Феъллардаги ясовчи қўшимчани белгиланг.

**Қўйиш учун феъллар:** камайди, бузилди, қимматлашди, қўшинг, топсин.



6. -ла, -илла, -лан, -лаш феъл ясовчи қўшимчалари билан нечтагача феъл ясай оласиз? Ўзингизни синанг. Топган феълларингизни ёзинг.

**Намуна:** ёрдамлаш, кўмаклаш, ...



7. Шеърни ўқинг.

## СУҒУР

Уйимиз тоғу-тошларда,  
Қоқигул еймиз югуриб.  
Қишга озуқа ғамлаймиз,  
Қўл-қўлга тегмас улгуриб.

*Турсунбой Адашбаев*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг. Феъл ясовчи қўшимча олган феълнинг тагига чизинг.





## ОРОЛ ДЕНГИЗИНИ АСРАЙ ОЛАМИЗМИ?

**Биз бугун дарсда:**

- бир хил феъл ясовчи қўшимчали сўзлар гуруҳини тўзиб ёзишни;
- Орол денгизи ҳақида маълумот тўплашни;
- сўзларнинг ўзак ва қўшимчаларини белгилашни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

### ОРОЛ ДЕНГИЗИНИ АСРАЙ ОЛАМИЗМИ?

Орол денгизини асраб қолиш барчамизнинг вазифамиз. Уни асраш учун нима қилиш керак? Аввало сув қадрини билиш, унинг бир томчисини ҳам увол қилмаслик чораларини кўриш зарур.

Орол денгизи бир вақтлари тўлиб-тошиб, ўзининг тиниқ суви, турли хил балиқлари билан машҳур эди. Экологик мувозанатнинг бузилиши туфайли Орол суви йилдан-йилга камайиб, ҳатто қуриб қолишгача етди.

Оролни қайта тиклаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Яқин йилларда катта миқдорда маблағ сарфланди. Орол бўйига 557 мингта саксовул кўчати экилди.



Феъл ясовчи қўшимча олган феъл қатнашган гапларни кўчиринг, қўшимчаларни тегишлича белгиланг.







2. Орол денгизининг аввалги ва ҳозирги аҳволи ҳақида дўстингиз билан постер тайёрланг.



3. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Бир томчи сув,  
Мисоли дур.

Сувни исроф қилманг,  
Сув – бебаҳо неъмат.

Шилдир – шилдир сув оқар,  
Овози дилга ёқар.

Мақолларни кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг.



4. Чизмаларни кузатинг. Бир хил феъл ясовчи қўшимчали сўзлар гуруҳини тузиб ёзинг.

	}	-ла		}	-илла		}	-лаш

Феълнинг ўзак ва қўшимчаларини белгиланг.



5. Қуйидаги отларга мос феъллар танлаб, гап тузинг ва ёзинг. Феълларнинг тагига чизинг, ўзак ва қўшимчасини белгиланг.

Бўри, ит, от, қурбақа, товуқ, чумчуқ, чигиртка, мусича, қарға.

**Қўйиш учун феъллар:** қуриллайди, чириллайди, қақиллайди, кишнайди, увиллайди, вовуллайди, чирқиллайди, кукулайди, қағиллайди.



6. Ўқинг. Ҳар бир сўзга сўроқ беринг.

Гулдор, гулдон, гулли, гулла, гулчи, гулсиз, сувсира, сувчи, қаламдон, сувсиз, сувли, сувла.

Аввал сифатларни, кейин отларни, сўнг феълларни кўчиринг. Сўзларни ўзак ва қўшимчаларини белгиланг.



7. Бошқотирмани топинг.

Шаҳари бор, одами йўқ, дарёси бор, суви йўқ.

х					
---	--	--	--	--	--

**Саводхонлик вақти**

ч		г	и	р	т		а
э	к	о	л	о	г		к
с	а	к	с		в		л





## ЁШ БОҒБОНЛАР

**Биз бугун дарсда:**

- феълларни кўчириб, замон қўшимчаларининг тагига чизишни;
- шеър мазмуни юзасидан сўхбатлашишни;
- сўроқлар ёрдамида феълларни аниқлаб, феъл замони ва шахс-сонини айтишни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

### ЁШ БОҒБОНЛАР

Шаҳар ва қишлоқларни яшил либос билан безатиш бизнинг ҳам вазифамиздир. Биз кўчат ўтқозиш ойлигига яхши тайёрландик. Мактаб тажриба ер майдонига ҳар хил мевали ва бошқа дарахтлар ўтқозишга қарор қилдик. Кўчатлар учун жой ҳозирладик. Ўқитувчимиз раҳбарлигида 50 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқаздик. Бу ишга мактабимиз ўқувчилари фаол қатнашдилар.



Кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг, тепасига замонини ва шахс-сонини ёзинг.





2. Сизнингча атроф муҳитни кўкаламзорлаштиришнинг табиат муҳофазасига қандай алоқаси бор? Фикрингизни далиллаб беринг.



3. Нуқталар ўрнига қавс ичида берилган қўшимчалардан мосини қўйиб ўқинг.

Суви қуриган ариқларнинг бўйига 22-мактаб ўқувчилари 200 тача чинор экиб кетиш... (-ди, -ти). Чинорлар ҳам гаплашар экан:

– Ҳаммаларинг эсон-омон жойлашиб олдиларингми? – деди новча ниҳол.

– Болалар экишаётганда менинг битта шохимни синдириб қўйиш...(-ди, -ти), - деб зорлан... (-ди, -ти) синган ниҳолча.

Эртасига қуёш нурини соч... (-ди, -ти).

Бир неча кундан сўнг ниҳолчалар: Сув! Сув! Сув! – деб бақириш... (-ди, -ти). Уларнинг овозини ҳеч ким эшитма... (-ди, -ти). Ниҳоллар тик турганча қотиб қолдилар.

*Худойберди Тўхтабаев*

Шу феълларни кўчиринг, замон қўшимчаларининг тагига чизинг.



4. Мактаб ўқувчиларининг қилган ишларига ўз муносабатингизни билдириб, дўстингиз билан уларга хат ёзинг.



5. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг.

Ҳаво исий бошлайди. Қорлар эрийди. Ерни кўм-кўк ўт қошлайди. Дарахтлар гуллайди, барг чиқаради. Далаларда меҳнат қайнайди. Чигит экилади. Жанубдан қушлар учиб кела бошлайди.

Матнга сарлавҳа танлаб кўчиринг. Феъл ясовчи қўшимчаларни белги-ланг.





6. Шеърни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг.

Эк дарахт баҳорда,  
Тўғри бўлар меҳнат қилганинг.  
Келмаса қўлинг экишга,  
Синдирма юртнинг экканин.

*М.Қуанишбеков*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, бўлишсиз феълларнинг тагига чизинг.



7. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Боқимсиз боғ тоғ бўлар,  
Юрак бағринг доғ бўлар.

Бўлса ҳамки қўриқ ер,  
Ҳосил берар, тўксанг тер.

Ер – она, сув – ота,  
Меҳнат – бойлик.

Сўроқлар ёрдамида феълларни аниқланг, феъл замони ва шахс-сонини айтинг.





## РАВИШ СЎЗ ТУРКУМИ

### Биз бугун дарсда:

- равиш иш – ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, вақтини билдириб, қандай?, қачон?, қаерда?, қаердан?, қаерга?, қанча? каби сўроқларга жавоб бўлишини;
- равишнинг гапдаги вазифасини ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг, ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Улар нимани англатяпти?

### ОНА ТАБИАТ

Она – табиатнинг Ер, Сув, Ҳаво деган болалари бўлган экан. Улар жуда ақлли, меҳрибон экан. Она табиат **бир куни** ўғилларини олдига чақириб:

– Одамларга **кўп** яхшиликлар қилган ўғлимга улкан совға бераман, – деб ваъда беради. Шунда ўғиллари қувонишиб, одамларга яхшилик қилишга киришади. Ўғиллар **ҳар томонга** тарқалиб, одамларга кўп эзгу ишлар қилишади. Кунлар ўтиб, болалар онасининг ҳузурига қайтишганида унинг **янаям** ёшариб кетганини кўришди.

– Онажон, сиз қандай кўркамсиз, бунинг сири нимада? – дейишганида Она – табиат:

– Менинг меҳрибон болажонларим, бунинг сири сизнинг одамзодга қилган яхшиликларингизда, – деб жавоб берди.

**Шундан буён** Ер, Сув, Ҳаво, Дарахт оналарининг гўзаллигини сақлаб қолиш учун одамларга хизмат қилиб келар экан.

*А.Мирзакулова*



Рашиш иш – ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, вақтини билдириб, қандай?, қачон?, қаерда?, қаердан?, қаерга?, қанча? каби сўроқларга жавоб бўлади. Масалан, эрталаб у йўлга чиқди.



2. Она табиат болаларининг беминнат хизматларини нима деб ўйлайсиз? Сиз уларга қандай яхшилик билан жавоб бера olasиз? Фикрларингизни далиллаб, дўстингиз билан тақдимот тайёрланг.



3. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Сўроқлар ёрдамида рашишларни аниқланг.

Эрта эксанг, эрта ўрасан.  
Аввал ўйла, кейин сўйла.  
Бугунги ишни эртага қўйма.  
Гапни оз сўзла,  
Ишни кўп кўзла.

Кўчиринг, рашишларни тагига чизинг.



4. Гапларни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида рашишларни аниқланг.

Кеча биз шифобахш гиёҳлар ҳақидаги видеолавҳани томоша қилдик. Аввал улар ҳақидаги кўргазмани кўриб чиқдик. Майин эсан шамолдан дарахт барглари аста тебранди. Зумрад бугун эрта туриб гулларга сув қўйди. Қосим мактабга тезда етиб борди.

Рашишларни ўзи боғланган сўз билан бирга ёзинг.

Рашиш гапда феълга боғланиб, иккинчи даражали бўлак ва-зифасида келади. Масалан: Кеча биз ҳайвонот боғига бордик.





5. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг.

Ариқларда пишқириб,  
Қирғоқларга ўшқириб,  
Сира билмасдан уйқу,  
Шошиб келар оқар сув.  
*Сафо Очил*

Шеърни кўчиринг, равишларни тагига чизинг.

5. Саводхонлик вақти

қ	и	р	ғ		қ	
т	о	м		н		
о	д	а	м	з		д







## РАВИШЛАРНИНГ МАЪНО ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ

Биз бугун дарсда:

- равишларнинг маъно жиҳатидан турларини;
- расм асосида “8 март – Онажонлар байрами” мавзусида ҳикоя тузиб ёзишни;
- равишларни аниқлаб, тагига чизишни ўрганамиз.



Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг.

### ТОҒ

Ястанади арчазор,  
Чеки йўқ, поёни йўқ.  
Қарайман такрор-такрор,  
Кўз узиш имкони йўқ!

Биллур булоқларини,  
Шарбат десам, ҳатто оз.  
Яшил ўтлоқларини,  
Баҳмал десам, бўлар соз.

*Ўроқ Саид*



Ажратиб кўрсатилган равишлар қандай ҳаракат ва ҳолатни билдиришини айтинг.



Равишлар маъно жиҳатдан тўрт турга бўлинади: ҳолат равиши, пайт равиши, ўрин равиши, даража-миқдори равиши.

Равишнинг турлари	Сўроқлари	Мисоллар
Пайт равиши	Қачон? Қачонгача? Қачондан бери (буён)?	Бугун, ҳозир, кеч, эрта, тунда, эртага, индин, кундузи, қадим, бурун, илгари, аввал, бултур, ҳали, қишин-ёзин, кейин, энди, тунов кун, ҳамиша, каби
Ўрин равиши	Қаерда? Қаердан? Қаерга?	Унда-бунда, бу ерда, шу ерга, пастда, тубанда, узоқда, юқорига, узоқдан, ҳар қаерда
Ҳолат равиши	Қандай?	Тез, пиёда, яёв, сийрак, бекорга, тўхтовсиз, қаҳрамонларча, бирдан, қўққисдан, тўсатдан, астойдил, зўрға, атайин, тескари, очин-тўкин, тиригича, хомлигича, аста-секин
Даража-миқдор равиши	Қанча? Қай даражада?	Кўп, оз жуда, оз-оздан, ғоят, анча, қисман, сал, мўл-кўл



2. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган равишларга сўроқ беринг.

Оналаримиз бизлардан меҳру-муҳаббатини аямай, оромидан кечиб, **кечалари** ухламай, бизларни вояга етказадилар. Хафа бўлиб қолсак, **тезда** кўнглимизга йўл топиб эркалайдилар. Тобимиз қочиб қолса, **туну-кун** атрофимизда парвона бўлиб, ҳузур-ҳаловатини йўқотган оналаримиздир. Биз оналаримизнинг меҳридан **ғоят** бахтлигимиз.

Равишларни кўчириб ёзинг, қавс ичида сўроғи ва турини намунадагидек ёзинг.

**Намуна:** астойдил (қандай? ҳолат равиши), ...





3. Расмни кузатинг. Расм асосида “8 март – Онажонлар байрами” мавзусида равишларни қатнаштириб кичик ҳикоя тузинг.



4. Ўқинг. Феълларга мос равишларни топиб, намунадагидек ёзинг.

**Намуна:** бугун олди, ...

Югурди, тушунди, келдик, тўхтади, ишладим, ўйнади, эжяпти, излашди, термоқчи, билди.

Равишларни турини айтинг.



5. Тез айтишларни тез-тез айтинг.

Бултурги бургутни бугун  
Ургутда кўрдим.

Узоқнинг бузоғи узоқдаги  
Ўтлоқда ўтламоқда.





## ҲОЛАТ РАВИШИ


### Биз бугун дарсда:

- Ҳолат равиши иш – ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки қай тарзда бажарилганини билдиришини;
- “Қизил китоб” ҳақида;
- сўроқлар ёрдамида ҳолат равишларни аниқлашни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Мазмуни юзасидан суҳбатлашинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг.

### ҚИЗИЛ КИТОБ



Табиатни муҳофаза қилиш барчанинг иши. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бизларнинг соғ-саломат яшашимиз учун ниҳоятда зарур. Шунинг учун “Қизил китоб” деган маълумотлар қайд этилган ҳужжат мавжуд.

“Қизил китоб” га салкам 5000 га яқин ҳайвонот ва наботот номи киритилган. Шулардан 70 фоизи ўсимликлар, саккиздан бир қисми қушлар ва сут эмизувчилар эди. Ҳозирги вақтда уларнинг деярли чорак қисми **аста-секин** йўқолиб кетиш хавфи остида экан.

Қандай ачинарли ҳолат! Агар ҳар йили бир ҳайвон ёки ўсимлик тўхтовсиз йўқолаверса, табиатни асрашга путур етади.

Атроф – муҳитни асраш ниҳоятда муҳим. Бу ишда сиз болаларнинг астойдил ёрдамингиз керак.

Ажратиб кўрсатилган равишлар қандай маъно англатишини айтинг.

Ҳолат равиши қатнашган гапларни кўчириб ёзинг, равишларнинг таги-га чизинг.



Ҳолат равиши иш – ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки қай тарзда бажарилганини билдиради.

Ҳолат равиши қандай?, қайҳолда?, қайтарзда? сўроқларига жавоб бўлади. Масалан: Дамир эшикни шошиб очди.



2. Чизикчалар ўрнига ҳолат равишининг мосини қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

Дадам далага \_\_\_\_\_ кетдилар. Дарё суви \_\_\_\_\_ кўринди. Бувим боғдан \_\_\_\_\_ юриб келдилар. Дилшод \_\_\_\_\_ дарсга кирди. Машина \_\_\_\_\_ ортга бурилди. Синглим \_\_\_\_\_ ухлар эди. \_\_\_\_\_ шамол туриб, осмонни булут қоплади.

**Қўйиш учун сўзлар:** жимирлаб, яёв, тезда, тўсатдан, тинчгина, секин, шошилиб.



Дўстингиз билан табиатни асрашга доир фикр ва шиорлар тайёрлаб, мактабингиз залига жойлаштиринг.



3. Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг.

Шатир-шутур ёмғир қуйиб,  
Тарновлардан сувлар оқар.  
Тухумидан чиққан жўжа,  
Олазарак, ҳайрон боқар.

*Турсунбой Адашбаев*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёзинг, ҳолат равишларини белгиланг.





4. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг.

Шовқин – суронни эшитиб, лайлак бир зумда ёрдамга етиб келибди ва дарров рўпарасида турган дарахтдан новдacha синдириб олиб, бир учини олмахонга узатибди. Олмахон новдacha ёрдамида ботқоқликдан зўрға чиқиб олибди.

Дарахт шохида қўниб турган каккуни кўрган лайлак унга қараб:  
– Дўст бошига кулфат тушганда тезда унга ёрдам бериш керак, – дебди.

Ҳолат равишларини ёзинг, қавс ичида сўроқларни кўрсатинг.



5. Бошқотирмани топинг.

Тўрт ёнида тўртта ой,  
Бошимга берар чирой.

д				
---	--	--	--	--

Тилсиз ақл ўргатар.

				б
--	--	--	--	---





## ПАЙТ РАВИШИ

**Биз бугун дарсда:**

- пайт равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиришини;
- сўроқлар ўрнига мос пайт равишини қўйиб, гапларни ўқишни ва ёзишни;
- расм асосида “Табиатни асраймиз” мавзусида кичик ҳикоя тузишни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган равишларга сўроқ беринг. Улар қандай маъно англатяпти?

### ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

Тун бўйи ёққан ёмғир эрталаб тинди. Булут тарқалиб осмон тиниқ мовий тусга кирди. Бутун табиат порлаб турган қуёшга қулиб боқди. **Кечаси** ёмғирда тўйиб сув ичган хушбўй атиргуллар атрофида асаларилар парвона бўла бошладилар.

Мана, арилардан бири энди очилган бинафшага қўнди. Ундан сибириб – сибириб шарбат ичди.

Пайт равиши қатнашган гапларни кўчиринг, равишларнинг тагига чизинг.

Пайт равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва қачон?, қачонгача?, қачондан бери? каби сўроқларга жавоб бўлади: Баҳор **ҳамиша** қувонч олиб келади.



2. Дўстингиз билан матнда ёритилган табиат кўринишини расмда тасвирланг.





3. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Лола боғчага чиқиб,  
Кечга қадар гул терди.  
Этак-этак тўплади  
Ҳар кунгидан мўл терди.

*Ҳамид Олимжон*

Пайт равишини аниқлаб, тагига чизинг.



4. Сўроқлар ўрнига мос пайт равишини қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

(Қачон?) уйимизга Алматидан меҳмонлар келишди. Биз Умар билан (қачонгача?) китоб ўқидик. Тоғам иккимиз (қачон?) Марқакўл қўриқхонасига борган эдик. Укам (қачон?) 5 ёшга тўлади. (Қачон?) опам болалар боғчасида ишлайдилар. Кўчат экиб, боғ яратиш (қачондан?) келаётган урф-одатларимиздан биридир.

**Қўйиш учун сўзлар:** тунов куни, кечгача, бултур, бугун, ҳозир, қадимдан.



5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Ёзда кийинади, қишда ечинади.

Кундузи иззатда,  
Кечаси хизматда.

Менинг номим икки бўғин,  
Ишлайдирман тун-у кун.

Кундуз куни ўчириб,  
Тунда ёқа олмайсан.







6. Расмни кузатинг. Расм асосида “Табиатни асраймиз” мавзусида эссе ёзинг.



7. Бошқотирмани топинг.

Тим қора кичкина хол, тўхтатар йўлда дарҳол.

Н				
---	--	--	--	--





## ЎРИН РАВИШИ

Биз бугун дарсда:

- сўроқлар орқали равишларни аниқлашни;
- ўрин равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиришини;
- нуқталар ўрнига мос ўрин равишини қўйиб ёзишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар орқали равишларни аниқланг.

### МАРТ

Март – баҳорнинг биринчи оyi. Март ойида кунлар исий бошлайди. Далаларда қизғин меҳнат бошланади.

Толиб билан Мурод қушларга уйча ясадилар. Уйчани уйлари **олдидаги** дарахтга қўйишди. Уйчага қушларнинг киришини **узоқдан** кузатишди. Бир ажойиб қушча келиб, уйча **тепасига** қўнди ва сайрай бошлади. Болалар жуда хурсанд бўлишди.

Биз ўқувчиларни қушларнинг меҳрибон дўсти деймиз. Чунки ўқувчилар қушлар учун уячалар ясайдилар, уячаларни қулай жойларга, дарахтларга ўрнатадилар. Қушларнинг эркин яшаб кўпайишига шароит яратадилар. Бу билан ўқувчилар боғ ва далаларни зараркунанда ҳашаротлардан тозалашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Ажратиб кўрсатилган равишларга сўроқ беринг. Улар қандай маъно англатапти.

Ўрин равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, қаерда?, қаердан?, қаерга? сўроқларига жавоб бўлади: Олисдан турналарнинг сайраши эшитилди.

Ўрин равиши қатнашган гапларни кўчиринг, равишларнинг тагига чизинг.





2. Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг.

Ерлар кўм-кўк майса ўт,  
Осмон тиниқ, йўқ булут.  
Дарахтларни кўрдик биз,  
Тагларида юрдик биз.

Қушлар шохда сайрайди,  
Учиб-қўниб яйрайди.  
Шамол эсади ғир-ғир,  
Япроқлари шилдир-шилдир.

*Қуддус Муҳаммадий*

Шеърни ҳуснихат билан ёзинг, ўрин равишини тагига чизинг.



3. Ўқинг. Қуйидаги феълларга мос ўрин равишларини топиб,  
намунадагидек ёзинг.

**Намуна:** олдинда борди, ...

Қуради, югурди, келяпти, эшитилди, оқмоқда, ўтирди, сайрайди.



4. Нуқталар ўрнига мос ўрин равишини қўйиб, гапларни ўқинг  
ва ёзинг.

Саёҳатчилар ... дам олдилар. ... атроф кафтдагидай яққол кўри-  
нарди. ... бир отлиқ кўринди. ... сой суви шовуллаб оқмоқда. ...-...  
бедананинг вақ – вақаси эшитилди.

**Қўйиш учун равишлар:** тепаликда, бу ердан, узоқдан, унда-бун-  
да, пастда.





5. Ўқинг. Сўроқлар орқали ўрин равишларини аниқланг. Матн юзасидан саволлар тузинг.

## ЙЎЛБАРС

Йўлбарслар Осиёда яшайди. Уларнинг овози кўпинча дарё бўйла-ридаги қалин қамишзор, бутазорларда эшитилиб туради. Лекин йўл-барснинг ўзини кўриш осон эмас, чунки терисидаги йўл-йўл ранглар унга чангалзорлар орасида кўзга кўринмай юришига ёрдам беради.

*“Болалар энциклопедияси”дан*



6. Тез айтишни тез-тез айтинг.

... ёнида арчазор,  
Арчазорда арча бор.

Кўчиринг, ўрин равишини белгиланг.





## ДАРАЖА – МИҚДОР РАВИШИ

Биз бугун дарсда:

- даража – миқдор равиши иш-ҳаракатнинг даража-миқдорини, белгининг даражасини, нарса-буюмнинг ноаниқ миқдорини билдиришини;
- шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчириб ёзишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган равишларга сўроқ беринг. Уларнинг қандай маънода келганини айтинг.

### ТЕЖАМЛИ БОЛА

Собир жуда тежамли бола. Ҳар бир нарсани аяб, асраб ишлатади. У ўқувчилардан талаб қилинадиган барча ишларни режа билан ба-жаради.

Масалан, дафтар, китобларни, ёзув қуролларини жуда яхши сақлайди.

Собирнинг бувиси унга “**Кўп бўлса кетар, оз бўлса етар**” мақолининг маъносини тушунтириб, унга амал қилишини талаб қиладилар.

Болалар, сиз ҳам Собирдан ўрнатилган **ғоят** яхши бўлади.

Даража-миқдор равиши қатнашган гапларни кўчириб, равишларни бел-гиланг.

Даража – миқдор равиши иш-ҳаракатнинг даража-миқдори-ни, белгининг даражасини, нарса-буюмнинг ноаниқ миқдорини билдириб, қанча?, қай даражада? сўроқларига жавоб бўлади.

Масалан, Денгиз суви кўп чайқалди. Кўплаб одамлар йиғилди.





2. Собирнинг тежамкорлиги табиатнинг муҳофазасига қандай таъсир қилади деб ўйлайсиз? Фикрингизни далилланг.



3. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Сўроқлар ёрдамида даража-миқдор равишларини аниқланг.

Югуради – елади,  
Баланд тоғдан келади.  
Мўл-кўл бўлса ёз чоғлар,  
Яшнайти дала-боғлар.

Кўчиринг, даража-миқдорининг тагига чизинг.



4. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг.

### БУ ҚИЗИҚ!

Зебралар ўзига хос ғоят ажойиб ташқи кўриниши билан машҳур ҳисобланади. Бир зебрадаги йўл-йўл чизиқлар иккинчи бир зебраникига ўхшамайди. Шунинг учун зебралар бир-бирини танасидаги чизиқчаларга қараб таниб олади. Бу айниқса, жажжи зебрачаларга тўда ичидан ўз онасини топиб олишда жуда қўл келади. Зебралар ўртача 25 йил умр кўрадилар.



Даража-миқдор равиши қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.



5. Шеърни ўқинг, равишларни аниқланг.

Бинафшалар қисман оқ,  
Ойим терар исмалоқ.  
Бирдан булут қоплади,  
Дўл ёғди, шитоблади.

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, даража-миқдор равишининг тагига чизинг.



6. Берилган гапларга мос даража-миқдор равиши топиб ўқинг ва ёзинг.

Бу йил ғаллакорлар ғалладан ..... ҳосил олдилар. Сардор ..... жойни текислади. Саида ..... китоб ўқийди. Ойижоним ..... мазали нон пиширдилар. Юртимизнинг баҳори ..... гўзалдир.





## РАВИШЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- равишлар икки хил усул билан ясалишини;
- сувни исроф қилмасликка ҳамма риоя қилиши кераклигини ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлари ёрдамида равишларни аниқланг.

### СУВ БЕБАҲО БОЙЛИК

Табиатда сувни асраш қонуниятини қадимдан мавжуд. Сув озиқ-овқат ишлаб чиқаришда, соғлиқни сақлашда инсонлар учун ғоят зарур неъматдир.

Сув ер шарининг 70 фоизидан ортиқроқ майдонини эгаллайди. Маълумотларга қараганда ер шарида мавжуд бўлган сувнинг 97 фоизи океан ва денгизларга тўпланган

шўр сув ҳисобланади. 2 фоиз қисми эса муз ҳолатлигича бўлиб, атиги 1 фоиз қисмидан ичимлик мақсадида фойдаланилади.

Жиддий ўйлаб кўринг, шу 1 фоиз сувнинг қанчалик зарурлиги, уни астойдил тежаш кераклиги жуда муҳимдир. Лекин сувни исроф қилмасликка ҳамма ҳам риоя қиляптими?



Ажратиб кўрсатилган равишга сўроқ беринг, унинг ясалишига эътибор беринг.

Равишларни кўчириб ёзинг, тепасига қайси турда келганини кўрсатинг.





Равишлар икки хил усул билан ясалади:

1. Равиш ясовчи қўшимчалар билан: мардларча, хомлигича.
2. Сўзларни қўшиш билан: ҳар дам, бирпас.



2. Болалар, сиз сувни исроф қилмасликка риоя қиляпсизми? Дўстингиз билан шу ҳақда постер тузинг.



3. Ўқинг, равишларнинг ясалишига эътибор беринг.

Дўстона, хомлигича, ҳар дам, у жойда, эскича, мардона, бутунлигича, бир зумда.

Равишларни ясалишига кўра икки устунга ажратиб ёзинг. Улар иштирокида иккита гап тузинг ва ёзинг.



4. Шеърни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган равишларга сўроқ беринг, ясалишини тушунтиринг.

Капалакжон, учасан,  
Зўрға-зўрға липиллаб.  
Тутай десам чап бериб,  
Ўйнашасан қилпиллаб.

*Набижон Қодиров*

Шеърни ҳуснихат билан кўчиринг. Равишларнинг тагига чизинг, равиш ясовчи қўшимчаларни белгиланг.

-ча, -часига, -лигича, -лаб, -она, -лай, -инча, -ан, -ларча каби қўшимчалар равиш ясовчи қўшимчалардир.

Масалан: қисқача, кўплаб.



5. Ўқинг. Берилган сўзларга равиш ясовчи қўшимчалар қўшиб, намунадагидек ёзинг. Намуна: эрта+лаб, ...

Яхши, дўст, бутун, мард, хом, болалар.

Тузган равишларингизни қатнаштириб, 3та гап тузиб ёзинг.



6. Матни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг ва қандай турда эканини айтинг.

Кўп асрлар давомида кишилар яшаган жой атрофида тупроқ қатламлари вужудга келган. Уларда ўтмиш излари, турли нарсалар қолдиқлари, кийим-кечак, идиш-товоқ парчалари, тангалар, тугмачалар ва кўпдан-кўп бошқа ашёлар сақланиб қолган.

*“Болалар энциклопедияси”дан*



7. Шеърни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Ҳали, бугун, эрта деб,  
Вақт алдабди Тўлқинни.  
У ўйинга берилиб,  
Йўқотибди бир кунни,  
Бир кун эмас, минг кунни.

*Қуддус Муҳаммадий*

Шеърни ёддан ёзинг, равишларни тагига чизинг.





## БОҒЛОВЧИ

**Биз бугун дарсда:**

- боғловчилар сўзларни сўзларга ёки гапларни гапларга боғлашини;
- боғловчини аниқлаб, тагига чизишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг гаптаги ўрнига эътибор беринг.

Ўсимликлар ҳавони тозалашини биламиз, шунинг учун кўча бўйларига, ҳовли, соябоғ ва хиёбонларга дарахтлар, буталар ва гуллар экилади. Яшил ўсимлик қанча кўп бўлса, тоза ҳаво шунча кўп бўлади. Атрофни кўкаламзорлаштириш ишларида сиз ўқувчилар ҳам иштирок этинг, **чунки** бундай ишлар сизнинг ҳам вазифангиздир. Мактаб, уй ва ҳовлингизда яшил бурчаклар ташкил этинг. Боғлар ҳамда гулзорлар барпо қилинг. Қушлар учун инлар ясаб, ғамхўрлик қилинг, **лекин** жониворларга сира озор берманг.

Ҳаётимиз манбаи – табиатни асраб-авайлайлик.

Ва, ҳамда, лекин, бироқ, аммо сўзлари боғловчилардир. Боғловчилар сўзларни сўзларга ёки гапларни гапларга боғлайди. Масалан: Мактабимиз боғига турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари эдик.



2. Сиз ҳам матнда айтилган қоидаларга амал қиласизми? Атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш учун қандай ишлар олиб бораётганингиз ҳақида сўзланг.





3. Шеърни ўқинг, боғловчиларни аниқланг, унинг қўлланиши-ни тушунтиринг.

Мушугимиз – ола мушук,  
Қари эмас, бола мушук.  
Ёш-у, аммо жуда чаққон  
Ва ҳаммага бирдай ёққан.

*Ориф Тўхташ*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, боғловчини бел-гиланг.



4. Нуқталар ўрнига мос боғловчилар қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

Деҳқонлар ер ҳайдайдилар ... экин экадилар. Дарсда мен ўқидим,  
... Раҳима ўқимади. Биз китобни севиб ўқиймиз, ... китобга чизмай-  
миз. Ҳаво соф ... беғубор. Боғларда, қир-адирларда ... водийларда  
майсалар кўкарди. Қушлар ... жониворларни ҳимоя қилиш – ҳам-  
мамизнинг вазифамиз.



5. Шеърни ўқинг ва ёддан ёзинг. Боғловчини аниқлаб, тагига чизинг.

Қуёшжон, ҳой қуёш  
Кетмагин бирпас.  
Сенга мен ва қушлар,  
Қўйганмиз ҳавас.

*Сафо Очил*



6. Топишмоқларни ўқинг ва жавобини топинг.

Тоғ ва қирга сочилди,  
Сариқ ҳамда қизил пиёла.



Қизғалдоққа ўхшайди,  
Қўшалоқ баргли ... .

Чечакларнинг ичида  
Бойи экан бу чечак.  
Қор эримай очилган,  
Кўклам гули ... .

Боғловчилар қатнашган топишмоқни жавоби билан кўчиринг.



7. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Шамол шовуллаб шовқин солди,  
Шалпангқулоқ кўрққанидан шаталоқ отиб қолди.





## БОҒЛОВЧИЛАРДА ВЕРГУЛНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ВА БОҒЛОВЧИЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- боғловчиларда вергулнинг ишлатилиши ва боғловчиларнинг ёзилишини;
- Керакли ўринга вергул қўйиб, гапларни ёзишни **ўрганамиз**.



1. Матнни ўқинг. Боғловчиларни аниқланг ва уларнинг қўлланилишига эътибор беринг.

### ПОЛИЗ

Қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг экиладиган майдонга полиз деб аталади.

Полиз экинлари серсув жойда яхши ўсади. Қуёш нури ҳамда ернинг намлиги қовун, тарвуз ва бошқа экинларнинг ширин бўлиб етилишида катта аҳамият касб этади.

Полиз маҳсулотлари инсон саломатлиги учун жуда фойдали, шунинг учун бу маҳсулотлар етиштириладиган ернинг тозаллиги, унумдорлигини асраш лозим.

Боғловчилар уюшиқ бўлакларни бир-бирига боғлаш учун ҳам ишлатилади. Ва, ҳамда боғловчисидан олдин ва кейин ёзувда вергул қўйилмайди. Ёзувда лекин, аммо, бироқ, шунинг учун, чунки боғловчиларидан олдин вергул қўйилади.



2. Энциклопедиядан полиз экинлари, уларнинг аҳамияти ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.





3. Гапларни ўқинг, боғловчиларда тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

Баҳор келиши билан кунлар исий бошлайди, лекин эрталаб ва кечқурун кун салқин бўлади. Осмонда қора булутлар қуюқлашди, аммо ёгингарчилик бўлмади. Мактабимизда шоирлар ҳамда ўқувчиларнинг юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди. Дехқонлар далада карам ва помидор кўчатларини экишмоқда. Бугун мактабимиз гулзорига гуллар экмoқчимиз, шунинг учун мен уч туп атиргул кўчати олиб келдим.

Гапларни кўчириг. Боғловчилар қандай вазифада келганини айтиг.



4. Шеърни ўқинг, мазмунини тушунтириг.

Ҳарфим аниқ, гўзал-хуш,  
Қийналмай мумкин ўқиш.  
Дафтардаги чизиқ сим  
Ва ундаги ҳар сўзим –  
Қалдирғочдек тизилган  
У ёзилган тез – илдам.

*Султон Жўра*

Шеърни кўчириб ёзинг, боғловчининг тагига чизинг.



5. Гапларни ўқинг. Керакли ўринга вергул қўйиб, гапларни ёзинг, боғловчиларнинг тагига чизинг.

Биз шанбаликда кўча ва ариқларни тозаладик. Азимжон китобни ўқиди лекин машқни ёзмади. Мактабимиз атрофига тол, терак ҳамда қайрағоч кўчатларини эдик. Оқилжон ўқувчилар саройига борди бироқ Даврон келмаган эди. Табиат бизнинг қимматли бойлигимиз шунинг учун уни асрашимиз зарур. Канарейка учишни билмайди шунинг учун уни уйда боқадилар.





6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Зув-зув боради, қарайди,  
Чўп ва лой чўқийди, замбил тўқийди.

Жони йўқ, лекин уй пойлар.

Оғзи йўқ, бироқ тиши бор,  
Бошимизда иши бор.

Топишмоқларни жавоби билан ёзинг, боғловчиларнинг тагига чизинг.

7. Саводхонлик вақти

к		с	л		р	о	д
м	у	с	а		ф	о	







## ВА, ҲАМДА БОҒЛОВЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- ва, ҳамда боғловчилари ва уларнинг қўлланишини;
- Интернетдан Қозоғистондаги ўрмонлар ҳақида маълумот тўплашни ўрганамиз.



1. Матни ўқинг, боғловчиларни аниқланг. Ва, ҳамда боғловчиларининг қўлланишига эътибор беринг.

### ЯШИЛ БОЙЛИГИМИЗ

Ўрмонларни яшил бойлик деб аташ мумкин. Ўрмон ва унинг атрофидаги ҳаво эса доимо мусаффо бўлади. Соф ҳаво инсон учун ниҳоятда зарур. Инсон бир суткада 12 минг литр кислород ютади. Яшил япроқлар ана шу кислородни чиқариб беради.

Бир гектар **ўрмон** ҳамда боғ йилига 18 миллион кубометр ҳавони тозалайди, шунинг учун биз ўрмонларни – яшил бойликни асрашимиз керак.



Ёзувда ва, ҳамда боғловчисидан олдин ва кейин вергул қўйилмайди.

Боғловчилар қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.



2. “Қизил Китобдан” Қозоғистондаги ноёб ўсимликлар ҳақида маълумот тўпланг. Боғловчиларни қўллаб, ҳикоя ёзинг.



3. Чизиқчалар ўрнига боғловчилардан мосини қўйиб гапларни ўқинг ва ёзинг.

Саёҳатчилар шифобахш булоқни кўп изладилар, \_\_\_\_\_ топа олмадилар. Ватанимизга билимли, ақлли \_\_\_\_\_ қатъиятли ёшлар керак. Қаттиқ шамол турди, \_\_\_\_\_ ёмғир ёрмади. Опаси Дилдорани чақирди, \_\_\_\_\_ у эшитмади. Сувсиз ҳаёт бўлмайди, \_\_\_\_\_ уни тежаб ишлатиш лозим. Бувим сумалак пиширмоқчилар, \_\_\_\_\_ Наврўз байрами яқинлашмоқда.



4. Ўқинг. Ва, ҳамда боғловчиларининг ёзилишига эътибор беринг.

Копток ва шунга ўхшаш серҳаракат ўйинларни ўйнанг. Қуёш ҳамда ҳаво, сув бизнинг энг содиқ дўстларимиз эканлигини унутманг. Чиниқинг, қуёш ва шамол ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин.

*“Болалар энциклопедияси”дан*



5. Шунинг учун, аммо, лекин боғловчиларини қатнаштириб, 3та гап ёзинг, вергулни тўғри қўйинг.



6. Шеърни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Омон бўлгай,  
Тоғ ва тош,



Дарё, кўл ва булоқлар,  
Тоза ҳаво, яшнаган қизил гул,  
Шабадада шивирлаган қамишлар,  
Омон бўлгай, ўйнаган оқ шуълалар.

*Шаймардан Алдибек ўғли*

Шеърни ҳуснихат билан кўчиринг, боғловчиларнинг тагига чизинг.



7. Расмни кузатинг. Боғловчиларни қатнаштириб, гаплар тузинг.





## ОНА – ЕР

Биз бугун дарсда:

- боғловчилардан мосини қўйиб, гапларни ўқишни ва ёзишни;
- боғловчиларни қатнаштириб, гаплар тузиб ёзишни **ўрганамиз**.



1. Ўқинг, мазмуни асосида суҳбатлашинг. Боғловчиларни аниқлаб, уларни қўлланишини тушунтиринг.

## ОНА – ЕР

Она Ер барча инсонларни ва жон-жониворларни ўз бағрига олиб, ҳаёт бағишлайди ҳамда ўстириб, улғайтиради. Ерни парваришлаш, кутиш ва тоза сақлаш керак, чунки Она Ер чин кўнгилдан одамга борини бергиси келади. Қазилма бойликлар ҳам ердан олинади. Турли мева-чевалар, чиройли гуллар ва дарахтларнинг ҳаммаси ерда етишади.



2. Ерни парваришлаш, кутиш ва тоза сақлаш деганда нимани тушунасиз? Ўз фикрингизни далилланг.



3. Қуйида берилган тугалламаган фикрларни ўз сўзларингиз билан давом эттириб ёзинг. Боғловчиларни аниқлаб, тагига чизинг.

Ер – ҳаммамизнинг онамиз, чунки \_\_\_\_\_ .

Она – Ер деймиз, чунки \_\_\_\_\_ .

Ер – барчамизнинг боқувчимиз, чунки \_\_\_\_\_ .

Она – Ерни асрашимиз керак, чунки \_\_\_\_\_ .





4. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Кутиб боққанга – ер сахий.  
Тупроқда тақдир бор.  
Сув йўқ жойда ҳаёт йўқ.  
Сувнинг ҳам сўроғи бор.

Кўчиринг, мақолларни ёд олинг.



5. Шеърни ўқинг. Қайси сўзлар орасига боғловчи қўйиш мумкин? Боғловчи қўйиб шеърни такроран ўқиб кўринг.

Она, бола, шаҳар, дала, теварак – атроф,  
Ой билан кун, юлдуз, осмон, табиат,  
Майсалари ифорли, кавсар сувли сой – соҳил,  
Бутун олам, омонмисиз жамоат!

Қайси боғловчиларни қўлладингиз? Шу боғловчиларни қатнаштириб, гаплар тузиб ёзинг.



6. Катакчаларга боғловчилардан мосини қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

Қир – адирда бойчечак .. бинафшалар очилмоқда, ..... ўлкамизга гўзал баҳор фасли келди. Биз ўрмонда олмахонларни кўрдик .. уларнинг ҳаракатини томоша қилдик. Боғимизда турли мевали ..... манзарали дарахтлар ўсади. Тонг отди, ..... қуёш ҳали кўринмайди.

Боғловчиларнинг ёзилишига эътибор беринг.





7. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Қип-қизил, лекин анормас,  
Чўғга ўхшар, ёнолмас.  
Мўралайди эгатдан,  
Жой олади саватдан.

Синглимга ўхшар ўзи,  
Аммо юмилмас кўзи.

Боғловчиларнинг қўлланишини айтинг.

8. Саводхонлик вақти.

ч	у	м		у	қ
ч	и	т		а	к





## БУЛБУЛ

Биз бугун дарсда:

- қушларга ғамхўрлик қилишини;
- сўроқлар ёрдамида равишларни аниқлаб, турини айтишни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Феълларни топиб, бўлишли ёки бўлишсизлигини айтинг.

### БУЛБУЛ

Қўшни томондан бир қушнинг ёқимли овози келди. Қобилжон деворга тирмашди, лекин чиқолмади.

– Дада, нега бизнинг боғимизга булбул келмайди? – деди Қобилжон.

– Булбул сендан қўрқади, чунки сен қушларга кесак отиб, майиб қиляпсан, – деди дадаси.

Қобилжон ўйланиб қолди.

– Ростдан ҳам булбул бизнинг боғимизга ҳеч келмайдими – а? Ўша кундан буён Қобилжон қушларга кесак отмаяпти.



*Ҳаким Назирдан*

Боғловчи қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.



2. Болалар, сиз ҳам қушларга кесак отмаяпсизми? Қушларга ғамхўрлик ҳақида дўстингизга мурожат ёзинг.





3. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида равишларни аниқланг, турини айтинг.

### ТОНГДА

Чумчуқ, читтак чирқиллашиб,  
Тонг юзини очганда,  
Чимён тоғининг қир учида  
Қуёш нури ўйнади.  
Юмшоқ шамол ўйнаб – ўйнаб  
Кенг даламга оққанда,  
Бойчечаклар чеҳрасига  
Марвариддан ҳол қўйди.

*Қуддус Муҳаммадий*

Шеърни ҳуснихат билан кўчиринг, равишларнинг тагига чизинг.



4. Ўқинг. Феълларни топиб, қайси замонда эканини айтинг.

Баҳор. Қуёш чарақлаб нурини сочмоқда. Унинг нури шундай ёқимлики, ундан дов-дарахтлар яйрамоқда. Дарахтлар қизгин тусга қиряпти. Майсалар ниш уряпти. Ҳамма ёққа ўт-ўланларнинг ёқимли ҳиди тарқалмоқда. Осмонда якка-якка оппоқ булутлар қувлаш-мачоқ ўйнашмоқда.

*М.Турсуновдан*

Феълларни кўчириб ёзинг, замон қўшимчасининг тагига чизинг.



5. Шеърни ўқинг, сўроқлар ёрдамида, равишларни аниқланг.

Тонгда туриб ҳовлига,  
Ҳар куни сув сепаман.  
Гулларимнинг баргидан  
Ювилади чанг-ғубор.





Гуллар менга, раҳмат, деб  
Майин елда тебранар.

*Пўлат Мўмин*


Кўчиринг, равишларнинг тагига чизинг, тепасига турини ёзинг.



6. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Маконидир далалар,  
Пушталарда болалар.  
Тўни йўл-йўл беқасам,  
Гўшти қизил ва асал.

Қандай боғловчи келганини ва унинг қўлланишини айтинг.  
Боғловчиларни қатнаштириб, гаплар тузиб ёзинг.





## САЛОМ, НАВРЎЗ БАҲОРИМ!

Биз бугун дарсда:

- сўроқлар ёрдамида сифат ва феълларни аниқлашни;
- тиниш белгиларини қўйиб, матнни кўчиришни;
- расм асосида “Наврўз байрами” мавзусида кичик ҳикоя тузиб ёзишни ўрганамиз.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифат ва феълларни аниқланг.

### САЛОМ, НАВРЎЗ БАҲОРИМ!

Салом, кўм-кўк баҳорим,  
Сойлари шўх оқарим.  
Ҳай, ҳай гўзал жамолинг,  
Гуркирайди камолинг.  
Сарпо кийди боғ-далам,  
Қирда ёқут пиёлам.  
Офтоб шуъласи алвон,

Камалак кўкда нарвон.  
Ҳар нарасада минг жило,  
Бошланди кўклам кино.  
Баҳор ўзи намойиш,  
Оламга офтоб ёйиш.  
Ер ҳам ҳуснини безар,  
Ўлкамда шодлик кезар.

*Қуддус Муҳаммадий*

Аввал сифат, сўнгра феълларни аниқланг.



2. Матнни ўқинг. Ундан нималарни билиб олдингиз?

22 март куни қишнинг кенжа ўғли Ҳут ўз ўрнини Баҳорнинг тўнғич ўғли Ҳамалга бўшатади. Ҳамал бошланиши билан деҳқон ерга дон сепади. Шунинг учун халқимиз “Ҳамал кирди – амал кирди” дейди.



22 мартда кун ва тун тенглашади. Халқимиз орасида бу кун – Наврўз деб номланади.

“Гулхан”дан

Кўчиринг. Олмош ва боғловчиларнинг тагига чизинг.



3. Матни гапларга ажратиб ўқинг. Гапларни қандай оҳанг билан ўқидингиз?

Баҳорнинг ҳар бир куни инсонларда хуш кайфият уйғотади борлиқ зумрад яшилликка бурканади дов-дарахтларда куртак ниш уради толлар баргак чиқаради қизлар ундан сочпопук тақадилар мева-ли дарахтлар оқ, пушти рангга киради.

Ҳар бир гапнинг охирига тиниш белгиларини қўйиб, матни кўчиринг.



4. Расмни кузатинг. Расм асосида “Ассалом, Наврўзи олам!” мавзусида газетага мақола ёзинг.





5. Наврўз ҳикматларини ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

1. Йилнинг қандай келиши наврўздан маълум.
2. Наврўздан сўнг қиш бўлмас,  
Мезондан сўнг ёз бўлмас.
3. Яхши кун саҳаридан маълум,  
Яхши йил баҳоридан.
4. Наврўз куни қари – ёш,  
Қучоқлашиб кўришсин.

Ҳикматларни кўчириб ёзинг ва ёдда сақланг.




6. Билимингизни синанг. Топишмоқ қайси тиниш белгиси ҳақида?

Шакли ўхшар ўроққа,  
Доим тутар сўроққа.



# Космосга саёҳат





## ГАП. СОДДА ГАП. БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАП

Биз бугун дарсда:

- гапнинг таркибида бир бош бўлак бўлса, бундай содда гап бир бош бўлаккли гап эканини;
- интернетдан қуёш системасига кирувчи сайёралар ҳақида маълумот тўплашни ўрганамиз.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Мазмуни юзасидан суҳбатлашинг.

### ОНА ЕР

Ракетамда ғизиллаб,  
Парвоз қилдим мен Ойга.  
Инсонлар юз минг йиллаб  
Орзу қилишган жойга.  
Кейин ўтдим Сатурн,  
Марс ҳамда Юпитерга.  
Ўхшатмадим ҳеч бирин  
Бахт берган Она Ерга!

*Анвар Обиджон*



Ажратиб кўрсатилган гапларни такроран ўқинг. Уларнинг бир-биридан фарқини айтинг.

Содда гаплар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1. Бир бош бўлаккли гап.
2. Икки бош бўлаккли гап.

Гапнинг таркибида бир бош бўлак бўлса, бундай содда гап бир бош бўлаккли гап дейилади.

Масалан: Баҳорда учиб келишади.





2. Интернетдан қуёш системасига кирувчи сайёралар ҳақида маълумот ва расмлар тўпланг, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Ўқинг. Гапларнинг тузилишига эътибор беринг, бош бўлақларни аниқланг.

Коинот сирлари ўрганилмоқда. Ракетамиз Ойга қўнди. Ўлчами Ер билан тенг юлдузлар ҳақида ўқидик. Қуёш Ерга энг яқин юлдуз эканини биламиз. Қуёш атрофида 9 йирик сайёра айланиб юради. Ҳозирги кунда коинотни ўрганиш жуда ҳам ривожланган.

Ернинг табиий йўлдоши – Ой ҳам атрофлича ўрганилди.

Бир бош бўлакли гапларни кўчиринг, бош бўлақларнинг тагига чизинг.



4. Нуқталар ўрнига мос сўзлар қўйиб, бир бош бўлакли гаплар тузинг ва ёзинг.

Ойга ... қайтди. Уйда ... ёздим. Қуёш ... чиздик. Тунда ... томоша қилдик. Қуёш ... фойдаланишди.

Қўйиш учун сўзлар: юлдузларни, нуридан, бориб, машқни, расмини.



5. Берилган сўزلардан фойдаланиб, бир бош бўлакли гаплар тузинг ва ёзинг.

Тез, ойнинг, юришди, ёруғида; нуридан, қуёшнинг, жонланди; кўришди, узоқдан, вертолётни, катта.

Бош бўлакнинг тагига чизинг.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Кечқурун томга ғўза ёйсам,  
Эрталабгача битта қолмабди.

Дум-думалоқ баркаш нон,  
Кўк юзида сузади.

Топишмоқларни жавоби билан ёзинг. Қандай гаплар ёздингиз? Бош бўлакларнинг тагига чизинг.



7. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Ойга пойга, пойга ойга.







## ИККИ БОШ БЎЛАКЛИ ГАП

### Бугун дарсда:

- икки бош бўлакли гап эга ва кесимдан тузилишини;
- думли юлдузлар кометалар эканини;
- бир бош бўлакли гапларни икки бош бўлакли гапларга айлантириб ёзишни ўрганаман.



1. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган гапнинг тузилишига эътибор беринг.

### ДУМЛИ ЮЛДУЗЛАР

Самода жуда катта ҳажмдаги юлдузлар пайдо бўлади. Уни илмий тилда комета дейилади.

Масалан, 1811 йилда кўринган кометанинг диаметри ер шарининг диаметридан 100 марта катта бўлган. 1882 йилда кўринган кометанинг думи 1 миллиард километр. Яъни ер орбитасининг диаметридан 3 марта катта бўлган. Комета кундузи қуёшнинг ёнида кўриниб, 40 та тўлин ой ёруғлиги даражасида нур сочган. Бу ҳолатни кузатиш қандай завқли.

Гапнинг таркибида икки хил бош бўлак, яъни эга ва кесим бўлса, бундай гап икки бош бўлакли гап дейилади: Болалар кометалар ҳақидаги видеофильмни томоша қилишди.





2. “Болалар энциклопедияси”дан кометалар ҳақида маълумотни ўқинг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Ўқинг. Гапларнинг турини аниқланг.

Биз самода порлаган юлдузларни завқ билан кузатдик. Қадимги олимлар шарсимон Ер коинотдаги ягона олам эмаслигини аниқлашган. Бойқўнғир станциясидан Ойга ракета учирилди. Космонавтлар осмон сирлари ҳақидаги маълумотларни бизга етказмоқдалар. Коинот сирларини ўрганиш мақсадида сунъий йўлдошлар ҳам учирилмоқда.

Икки бош бўлакли гапларни ёзинг, эга ва кесимнинг тагига тегишлича чизинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Гапларнинг тузилишига эътибор беринг.

### ОРЗУ

Умид-да дейди Наби,  
– Гагарин, Титов каби.  
Космонавт бўлсам дейман,  
Фазога учсам дейман.

Кемада акам, укам,  
Ўртоқларим бўлса ҳам,  
Рулини ўзим бурсам,  
Марсга ҳам юмшоқ қўнсам.

*Э.Шодиев*

Қандай гапларни ўқидингиз? Шеърни хуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, бош бўлақларнинг тагига чизинг.



5. Ўқинг. Бир бош бўлақли гапларни икки бош бўлақли гапларга айлантириб, намунадагидек ёзинг.

Майдончада ўйнадилар. Қаттиқ чайқалди. Эрталабки машқларни бажардим. Мазали таомлар тайёрлайдилар. Кўпгина шеърни ёд олди. Чиройли нақшларни чизди.

**Намуна:** Болалар майдончада ўйнадилар.



6. Чизиқчалар ўрнига мос эга ва кесим қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

\_\_\_\_\_ фазога \_\_\_\_\_ . \_\_\_\_\_ тез \_\_\_\_\_ . \_\_\_\_\_  
баланд овозда \_\_\_\_\_ . \_\_\_\_\_ оламни \_\_\_\_\_ .



7. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Гур-гур этар, учар кетар.  
Юртдан юртга одам элтар.

Топишмоқни жавоби билан ёзинг, қандай гап эканини айтинг.





## ҚЎШМА ГАП

Биз бугун дарсда:

- қўшма гапларнинг ҳосил бўлишини;
- матндан қўшма гапларни аниқлаб, қўчириб ёзишни;
- чизиқчалар ўрнига мос боғловчиларни қўйиб, қўшма гаплар ҳосил қилишни ўрганамиз.



Матнни ўқинг. Гапларнинг тузилишига эътибор беринг.



ЮЛДУЗ  
(Эртак)



Мен юлдузман. Самода порлаган юлдузларнинг бириман. Доимо ерга тикиламан. Унда одамларни кўраман. Одамлар менга жуда-жуда ёқади. Мен шулар учун порлайман.

Мен ўйлаб-ўйлаб, одамлар томон боришга аҳд қилдим. Кекса юлдуз бобомга маслаҳат қилдим. Бобом иложи йўқлигини, сабр қилсам одамларнинг ўзлари биз томон отланаётганини айтдилар, мен севиhib кетдим.

Бир куни қарасам, одамлар ойда юрибди. **Нарироқда улар тушиб келган кема турибди, мен яқинроқ учиб бордим.** Одамлар билан танишдим. Улар мени севиhib билан қаршилашди, мен уларни биз томонга таклиф этдим. Улар яқинда учиб борамиз, дейишди.

Ажратиhib кўрсатилган гапнинг бош бўлақларини аниқланг. Нимани сездингиз?

Икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг мазмун ва оҳангига кўра бирикишидан тузилган гап қўшма гап бўлади: Оппоқ тонг отди ва милтиллаган юлдузлар кўринмай қолди.





Интернетдан юлдузлар тўплами ва уларнинг номлари ҳақида маълумот тўпланг.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Гапларнинг тузилишини тушунтиринг.

Кемаларни бошқариб,  
Кўкка парвоз айласам.  
Тоғни бузиб, тош ёриб,  
Уммонларни уласам.  
Лол қолдириб барчани  
Ажаб уйларни солсам.

*Ф.Ўнгарсинова*

Шеър мазмуни асосида қўшма гаплар тузиб ёзинг.



3. Матнни ўқинг. Қандай гаплар берилганини айтинг. Қўшма гапларни кўчириб ёзинг.

Ҳар бир юрт ўзига хос табиат гўзаллигига эга бўлади. Бизнинг юртимизда дарёлар, кўллар, булоқлар ва кўм-кўк майсазорлар, ўрмонлар кўп. Тоғлардаги қор оппоқ бўлиб кўзга ташланади, бу қорлар эриб сувга айланади. Баҳор фаслида табиат ҳуснига янада ҳусн қўшилади, боғлар гулларга бурканади. Қушларнинг тинимсиз сайраши эшитилади, асаларилар гулларнинг ширасини йиғади. Далаларда ўзгача манзара намоён бўлади, қизил, сариқ, пушти гуллар ҳамма ёқни қоплайди. Дам олиш кунлари биз табиат манзарасини томоша қилишга борамиз ва қандай ўзгаришлар бўлаётганини дафтарларимизга ёзамиз.





4. Чизикчалар ўрнига мос боғловчиларни қўйиб, қўшма гаплар ҳосил қилинг ва ёзинг.

Ракета ерга қайтди, \_\_\_\_\_ сунъий йўлдош космосда қолди. Хулқар мусиқа мактабига борди, \_\_\_\_\_ Тўлқин авиамоделчилар тўғарагига боради. Азиза Ватан ҳақида қўшиқ айтди, \_\_\_\_\_ болалар уни олқишладилар. Концерт тугади, \_\_\_\_\_ томошабинлар ўринларидан туришмади. Асилбек энди шаҳарда ўқийди, \_\_\_\_\_ унинг акаси шу ёқда яшайди. Баҳор келди, \_\_\_\_\_ ариқларда сувлар оқа бошлади.





## ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

Биз бугун дарсда:

- гапдаги бир хил сўроққа жавоб бўлган бўлакларни;
- чизиқчалар ўрнига мос уюшиқ бўлакларни қўйиб ёзишни ўрганамиз.



1. Шеърни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Нимани сездингиз?

### ОЙ НЕЧТА?

Юлдуз, Қундуз сингил ва опа  
Бошладилар катта тортишув.  
Юлдуз деди: – Ой битта фақат.  
Қундуз деди: – Йўқ иккита-ку!  
– Кеч бўлсин-чи, кўрамыз, қани,  
Кимнинг гапи ростга чиқаркан?

*Султон Жўра*

Гапдаги бир хил сўроққа жавоб бўлган бўлаклар уюшиқ бўлаклардир. Уюшиқ бўлаклар санаш оҳанги билан ўқилади ва айтилади: Венера, Марс, Ер, Сатурн йирик сайёралардир.



2. Қизларнинг қайси бири тўғри фикр билдирган деб ўйлайсиз? Қундуз нима учун адашди? Фикрингизни далилланг.



3. Ўқинг. Гапларнинг фарқини айтинг. Уюшиқ бўлаклар қатнашган гапларни ёзинг.

Бобом олма кўчати экдилар. Бобом олма, гилос, нок кўчатлари экдилар.



Шимкент катта шаҳардир.

Мен Лайло билан хиёбонга бордим.

Биз мусиқа тингладик.

Шимкент катта, чиройли, обод шаҳардир.

Мен, Лайло, Ситора, Санам, Донолар билан хиёбонга бордик.

Биз мусиқа, қўшиқ, эртақ тингладик.

Уюшиқ бўлакларга сўроқ беринг.



4. Чизиқчалар ўрнига мос уюшиқ бўлакларни қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

\_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ баҳор гуллари дир.

Боғимизда \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ дарахтлари гуллади.

Бугун \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ дарслари бўлди.

\_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ шаҳарлари Қозоғистонда жойлашган.

Ватанимиз \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ каби қазилма бойликларга бой ўлка.



5. Расмни кузатинг. Расм асосида “Довбюрак космонавтлар” мавзусида кичик ҳикоя тузинг. Уюшиқ бўлаклар қатнашган гапларни ёзинг.







6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Ҳар куни ерга тушади иккита сара парда.  
Икки рангда иккови оқ парда, қора парда.  
Тушганда қора парда оқ парда бекинади.  
Оқи тушса агарда, қораси чекинади.

Дир-дир титрар шалпанг қулоқ,  
Мўйна тўри олақулоқ.  
Сабзи, карам, майса танлар,  
Кўрсичқондек ерни ковлар.

Топишмоқларни жавоби билан ёзинг, уюшиқ бўлакларни аниқланг.





## УЮШИҚ БЎЛАКЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилишини;
- Ҳаво яшаш учун одамларга, ҳайвонларга ва ўсимликларга бирдай зарурлигини ўрганамиз.



1. Маттни ўқинг. Уюшиқ бўлакли гапларни аниқланг. Уюшиқ бўлақларнинг ёзилишига эътибор беринг.

### ҲАВО

Ҳаво бизнинг сайёрамизни ҳар томондан ўраб олган. Одатда, биз уни сезмаймиз. Лекин агар ҳаво тўсатдан йўқ бўлиб қолгудек бўлса, ҳатто бир неча сония ҳам яшай олмаймиз. Бир зумда ердаги сув ва бошқа суюқликлар қайнай бошлайди. Қуёш нури эса барча тирик мавжудотни куйдириб юборади.

Ҳаво бир қанча газларнинг аралашмасидан иборат. Ҳавонинг асосий қисмини азот ҳамда кислород ташкил этади. Ундаги бошқа газлар миқдори эса азот ва кислородга нисбатан юз барабар кам.

Ҳаво нафас олиш учун, яшаш учун одамларга, ҳайвонларга ва ўсимликларга бирдай зарур.

Уюшиқ бўлақлар қатнашган гапларни кўчириб ёзинг. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилишини билиб олинг.

Уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилади. Ва, ҳамда боғловчилари ёрдамида боғланган бўлақлар орасига вергул қўйилмайди.





2. Интернетдан коинотдаги ҳаво қатлами ҳақида маълумотлар тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Шеърни ўқинг. Уюшиқ бўлаклар орасига вергул қўйиб кўчиринг.

Ўзбеку туркман тожик  
Қирғиз қозоқ мезбон бўлур.  
Бир томоша қилган одам  
Лол бўлур ҳайрон бўлур.

*Эркин Воҳидов*



4. Гапларни ўқинг. Уюшиқ бўлакларнинг орасига вергул қўйиб, гапларни кўчиринг. Уюшиқ бўлакларига сўроқ беринг.

Қуёш энергиясидан электр энергияси ҳосил қилиш уй иситиш озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш уларни қуриштириш мақсадларида фойдаланилмоқда. Қуёшнинг ёруғлиги иссиқлиги бўлмаса, Ер юзини қоронғилик қоплар эди. Ер шарида Тинч Атлантика Ҳинд ва Шимолий Муз океанлари бор. Ўқитувчимиз коинотдаги жисмлар сайёралар ҳақида видеофильм намойиш қилдилар. Нефтдан газ бензин керосин каби қимматли ёқилғилар олинади.



5. Ўқинг. Ва, ҳамда боғловчилари қандай вазифада келганини айтинг.

Биз майдончада қизиқарли ҳамда ҳаракатли ўйинлар ўйнадик. Нонуштага ширин, маъзали ва хуштаъм таомлар тортилди. Дўсбўл ҳамда Олег бир партада ўтиради. Ҳовлимиздаги беҳи, анор ва анжир кўчатлари яхши ўсмоқда. Болалар дарсда мисол масалани тез ечишди. Ўлкамизда гўзал ва кўркем баҳор кезмоқда.

Гапларни ҳуснихат билан кўчиринг.





6. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Фазогир Файзулло фазода фандан файласуфона фойдаланди.



7. Дўстингиз билан “Ҳаво ”матни асосида диалог уюштиринг.





## УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ БОҒЛОВЧИЛАР ЁРДАМИДА БОҒЛАНИШИ

Биз бугун дарсда:

- уюшиқ бўлақларнинг боғловчилар ёрдамида боғланишини;
- содда ва қўшма гапларнинг фарқини ўрганамиз.



1. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг, уларга сўроқ беринг.

Копток эмас думалоқ,  
Унда бор шаҳар, қишлоқ.  
Дарё, денгиз, тоғ-довон,  
Қир-у адир ва ўрмон.  
– У нима айт-чи, Юнус!  
– Унинг номи ... .

Уюшиқ бўлақларнинг боғланишида қайси боғловчи қўлланилган?  
Топишмоқни ҳуснихат билан кўчиринг, уюшиқ бўлақларнинг тагига чизинг.

Уюшиқ бўлақлар ўзаро боғловчилар ёрдамида ҳам боғланади.  
Уюшиқ бўлақлар аммо, лекин, бироқ боғловчилари билан боғланганда, шу боғловчилардан олдин вергул қўйилади: Биз сирли, ғаройиб, бироқ қизиқарли коинот сирларини ўрганмоқ-чимиз.



2. Дўстингиз билан “Ажойиб ва ғаройиб коинот” мавзусида расм чизинг.





3. Гапларни ўқинг. Уюшиқ бўлақларнинг қайси боғловчилар ёрдамида боғланганини айтинг.

Тоғнинг ҳавоси тоза, мусаффо, лекин салқин эди. Биз Туркистонга, Алматига бордик, бироқ Астанага бормадик. Олма, анор ва лимон мевалари шифобахш ҳисобланади. Катталарни ҳурмат қилинг, аммо кичикларга ғамхўр бўлинг. Нафиса математика, муסיқа ҳамда инглиз тили фанларини қизиқиб ўрганади. Шанбаликка бешинчи, олтинчи ва еттинчи синф ўқувчилари қатнашдилар.

Гапларни кўчиринг, боғловчиларнинг тагига чизинг.



4. Ўқинг, мазмуни асосида суҳбатлашинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг, уларнинг боғланишини тушунтиринг.

Қадимда одамлар Ерни теп-текис деб тасаввур қилишган ва шунга кўра турли хариталар тузишган. Дунёдаги илк аслига яқин глобусни бобомиз Абу Райҳон Беруний ясаганлар. Аммо Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда Австралия қитъалари дунё харитасидан жудаям кеч жой олган.



Матнни кўчиринг, уюшиқ бўлақларнинг ёзилишига эътибор беринг.



5. Аммо, лекин, бироқ боғловчиларини қатнаштириб 3 та уюшиқ бўлакли гап тузинг ва ёзинг.





6. Матни ўқинг. Матнда нечта гап бор? Матнда қандай гаплар қўлланган?

Баҳор келди, табиат уйқудан уйғонди. Боғларда, қир-адирларда, водийларда майсалар кўкарди. Дарахтларда қушлар чуғурлаша бошлади. Баланд парвоз кабутарлар оёқ остида донлаб юришибди. Баъзи қушлар эса тумшукларида лой, ҳас-чўп олиб, қишда бузилиб кетган эски инларини қайтадан тиклашяпти. Тутзорда бир булбул сайрамоқда.



7. Шеърни ўқинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг.

Жон-жонивор,  
Қимирлаган тирикчилик,  
Ўрмон – тўқай,  
Тўлқинланган денгиз ва океан,  
Саҳрода ўсиб турган бир чивик,  
Омон бўлгай, оқ ойдинлар тўлқинланган.

*Шаймардон Алдибек ўғли*





## УЮШИҚ ЭГА ВА УЮШИҚ КЕСИМ

Биз бугун дарсда:

- уюшиқ эга ва уюшиқ кесимнинг ёзилишини;
- шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиришни;
- шеърни ролларга бўлиб ўқишни ўрганамиз.



1. Шеърни ролларга бўлиб ўқинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг, уларга сўроқ беринг.

### САВОЛ – ЖАВОБ

Ўғил: – Дада, анов ой, қуёш,  
Ҳар куни чиқиб толмасми?  
Ё, бўлмаса нурлари  
Адо бўлиб қолмасми?

Ота: – Бошқалар баҳра олсин,  
Деб сарфлайди бор кучин.  
Узоқ яшар, ўғлим, ким,  
Хизмат қилса халқ учун.

*Мирзакарим Пирматов*



Гапнинг қандай бўлаги уюшиб келган? Эга ва кесим уюшиб келган тўртликни аниқланг ва ёзинг.





Гапнинг бош бўлаклари (эга ва кесим) уюшиб кела олади. Бир кесим билан боғланган, бир хил сўроққа жавоб бўлган бирдан ортиқ эга уюшиқ эга бўлади.

Масалан: Боғда саъва ва булбуллар сайрайди.

Бир эгага боғланган, бир хил сўроққа жавоб бўлган бирдан ортиқ кесим уюшиқ кесим дейилади.

Масалан: Қуёш чарақлайди, порлайди.



2. “Болалар энциклопедияси”дан Ой ва қуёшнинг жонли табиатдаги ўрни ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Гапларни ўқинг. Уюшиқ бўлакларга сўроқ беринг.

Юртимизга эрта баҳорда чуғурчуқлар, жиблажибонлар учиб келишади. Биз қушларга ин ясадик ва дарахтга жойладик. Болалар кўм-кўк ўтлоқда яйрашди, қувнашди. Бодом, ўрик, гилос дарахтлари қийғос гуллади. Ўлкамиз яйловларида қўй-қўзилар, сигир-бузоқлар яйраб ўтлашмоқда. Фарҳод варрак ясади ва учирди.

Гапларни кўчиринг. Уюшиқ эга ва уюшиқ кесимнинг тагига тегишлича чизинг.



4. Нуқталар ўрнига мос эга ва кесимлар қўйиб, гаплар тузинг ва ёзинг.

Қуёш ..., ..., ... . Боғда ..., ..., ... гуллади. Музейга ..., ..., ... борди. Осмонда ..., ..., ... парвоз қиляпти. Болалар ..., ... томоша қилишди.

Уюшиқ эга ва уюшиқ кесимнинг тагига чизинг.



5. Шеърни ўқинг. Сўроқлар орқали уюшиқ бўлақларни аниқланг.

Ўйноқи елларга кўксимни очдим,  
Дадил шалоладек ўйнадим, тошдим.  
Юлдузга фазокор каби туташдим,  
Кун билан оғайни бўлиб сўрашдим.  
Уларга айтдимки мен гоҳи – гоҳи:  
– Авжингиз қалбимнинг мангу ҳамроҳи,  
Сиздаги бу мардлик, қувноқлик қайдан.

*Мақсуд Шайхзода*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, уюшиқ кесимнинг тагига чизинг.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг, уларга сўроқ беринг.

Оппоқ, оппоқ, оппоғим,  
Тивитдан ҳам юмшоғим,  
Ичи тўла оқ ёғим,  
Тўн, кўйлагим, белбоғим,  
Ердан унган оқ тоғим.

Кечаси у юради,  
Кўкдан боқиб туради.  
Ерга нурын сочади,  
Тонг бўлганда қочади.

Топишмоқларни кўчиринг, уюшиқ бўлақларнинг тагига чизинг.





## КЎЧИРМА ГАП

**Биз бугун дарсда:**

- кўчирма гапларнинг ёзилишини;
- матндан кўчирма гапларни аниқлашни ўрганамиз.



1. Ўқинг. Гапларнинг фарқини айтинг.

Ўқитувчи Шухратдан сўради:

“Катта бўлганигда ким бўласан?”

Шухрат жавоб берди:

“Катта бўлганимда фазогир-учувчи бўламан”.

Ўқитувчи Шухратдан катта бўлганида ким бўлишини сўради?

Шухрат катта бўлганида фазогир-учувчи бўлишини айтди?

Ажратиб кўрсатилган гаплар кимга қарашли?

Кўчирма гапларни ёзинг.

Бошқаларнинг ҳеч ўзгаришсиз ишлатилган гапи кўчирма гап дейилади. Кўчирма гап муаллиф гапи билан бирга ишлатилади. Муаллиф гапи кўчирма гап кимнинг гапи эканлигини билдиради.

Муаллиф гапи:      Кўчирма гап:

Талғат айтди:      “Мен коинот ҳақидаги фильмларга қизиқаман”



2. Ўқинг. Кўчирма гапларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Дарсда ўқитувчимиз: “Коинот, ўзга сайёраликлар ҳақида қандай фильмларни кўргансиз?” – деб сўради. Сауле айтди: “Мен марсиан-



лар ҳақидаги фильмни кўрганман”. “Менга “Аватар” фильми жуда ёқади”, – деди Жандос.

Гапларни кўчиринг, ёзилишини ёдда тутинг.

Кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади ва бош ҳарф билан ёзилади.

Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан сўнг икки нуқта (:) қўйилади. Кўчирма гап сўроқ ё ундов гап бўлса, сўроқ ёки ундов белгиси қўштирноқ ичига қўйилади. Кўчирма гап дарак гап бўлса, нуқта қўштирноқдан сўнг қўйилади.

Чизмаси: М: “К?”; М: “К!”; М: “К”.

Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин ёки муаллиф гапидан кейин келиши мумкин. Муаллиф гапи кўчирма гапнинг ўртасида ҳам келади: “К, - м, - к”. Кўчирма гап қўштирноққа олиб ёзилади.



3. Чизмаларга мос кўчирма гаплар тузинг ва ёзинг.

1. М: “.....”.

3. “.....”, - м.

2. М: “.....?”.

4. “.....!” – М.

Кўчирма гапни К, муаллиф гапини М билан кўрсатинг.



4. Маттни ўқинг, кўчирма гапларни аниқланг.

Чол дастурхон ўртасига хумчани қўйиб, бор кучи билан: “Қайна, хумча!” – деб бақирибди. Хумчадан тилла қайнаб чиқмабди. Чолнинг жаҳли чиқиб: “Лайлаквой қурғур, мени алдаб, бошқа хумча берибди, энди бошқа совға сўрайман”, – дебди.



Чол эрта билан йўлга чиқибди. Йилқичилар олдига бориб: “Лайлаквой мени алдабди, энди нима сўрай?” – дебди. Йилқичи ўйлаб туриб: “Очил дастурхонни сўранг, уни ёзиб “Очил, дастурхон!” деса-нгиз, ҳар хил ноз-неъматлар тайёр бўлади”, – дебди.

*“Ўзбек халқ эртаклари”дан*

Кўчирма гапларнинг чизмасини чизинг.



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Сут, қаймоққа тўймайман,  
Сичқонларни суймайман.  
Олапар дўстим билан  
Қувлашмачоқ ўйнайман.

Бу гапларни қайси жониворга тегишли деб ўйлайсиз? Унинг айтганла-ри кўчирма гап бўла оладими? Топишмоқ матнидан иккита кўчирма гап тузиб ёзинг.



6. Дўстингиз билан коинот ёки ўзга сайёраликлар ҳақида кўр-ган фильмингиз асосида расм чизинг.





## КЎЧИРМА ГАПЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Биз бугун дарсда:

- кўчирма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилишини;
- чизмалардан фойдаланиб, кўчирма гаплар тузишни ўрганамиз.



1. Ўқинг. Гаплардаги тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

4-синф ўқувчилари дунётаниш дарсида коинот сирлари ҳақида қизиқиб суҳбат ўтказдилар. Асқар ўқитувчидан сўради: “Устоз, Ерга ўхшаш сайёралар борми?”. Ўқитувчи унга: “Ҳа, Меркурий, Венера ва Марс ички тузилиши, қобиғи, қаттиқлиги билан Ерга ўхшаш сайёралардир”, – деди. Акмал қизиқиб: “Бу сайёраларда ҳам тўрт фасл бўладими?” – деб сўради. Болалар диққат билан ўқитувчининг гапларини тингладилар. У: “Ушбу сайёралар Қуёшга яқинроқ жойлашгани сабабли музламаган, шунинг учун Меркурий ва Марсда ҳамма йил фасллари мавжуд”, – деб тушунтирди. “Қандай ажойиб!” – дейишди ўқувчилар. Дарс қизиқарли ўтди. Ўқувчилар сайёралар ҳақида кўпгина маълумотларни билиб олдилар.



Кўчирма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилишини билиб олинг.



Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, кўчирма гап бош ҳарф билан бошланади ва қўштирноқ ичига олинади; кўчирма гап дарак гап бўлса, қўштирноқдан сўнг вергул ва чизиқча қўйилади. (“К”, – М); кўчирма гап сўроқ ёки ундов гап бўлса, сўроқ белгиси ёки ундов белгиси қўштирноқ ичига қўйилади, қўштирноқдан сўнг чизиқча қўйилади (“К?” – М. “К! – М”).



2. Интернетдан Меркурий ва Венера сайёралари ҳақида маълумотлар тўпланг ва дўстларингиз билан тақдимот тайёрланг.



3. Ўқинг. Кўчирма гапларда тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтиринг, чизмасини чизинг.

**Намуна:** М: “К”.

Кампир қизнинг йиғлаганини кўриб, уни овутибди: “Хафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман”. Қиз ҳам унга шундай деб жавоб берибди: “Раҳмат! Мен сизни ўз онамдек кўраман, буюрган ишингизни жоним билан қиламан”. Шунда сеҳргар кампир қизга китоб ва қўғирчоқлар бериб яна эркалабди: “Ошпоқ қизим, ширин қизим, дўмбоғим, мунчоғим!” Қизнинг йиғлаганини эшитган кампир ундан сўрабди: “Нега йиғлайсан, жон қизим?” Қиз жавоб берибди:

“Кўзимга уйимиз кўринди, отамни соғиндим”. Эрта билан кампир қизга дебди: “Нарсаларингни йиғиштир, қизим!” Кампир қизга бир калит бериб тайинлабди: “Сандиқни уйга боргандан кейин



оч!” Чол йиғидан тўхтаб қизидан кечирим сўрабди: “Оппоғим, мени кечир”.

Кўчирма гаплар қайси эртақдан олинганини айтинг.



4. Чизмалардан фойдаланиб, кўчирма гаплар тузинг ва ёзинг.

**Намуна:** М: “К”. Бувим айтдилар: “Гулларнинг тагини юмшатиш керак”.

“К”, – М. “К?” – М. “К!” – М. М: “К”.



5. Ўқинг. Кўчирма гапларга мос тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг.

Бобом айтдилар Дўстлик – катта куч, уни қадрлаш керак. Биз билан циркка борасанми деди Дамир ўртоғига. Солиха қувноқ овоз билан деди Онажон, мен яна беш баҳо олдим! Баракалла ақлли қизим! Деди Зебо опа хурсанд бўлиб. Синф раҳбаримиз бизга айтди Дам олиш куни музейга борамиз.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

1. Бошида парраги бор,  
Жуда баландда учар.
2. Сувда юрар каттамас,  
Ҳеч ким изин тополмас.







## ДИАЛОГ

**Биз бугун дарсда:**

- диалог тузишни ва ёзишни;
- шеърни ролларга бўлиб ўқишни ўрганамиз.



### 1. Ўқинг. Суҳбатда неча киши иштирок этапти?

– Биласанми, дўстим, мен яқинда “Болалар олами” газетасида Марс сайёраси ҳақида қизиқ маълумотлар ўқидим, – деди Зиёдҷон дўсти Мансурга.

– Қандай маълумотлар ёзилибди? – деди Мансур қизиқиб.

– Марс Ернинг “кичик укаси” деб номланар экан, чунки у Қуёш тизимидаги бошқа сайёраларга нисбатан Ерга жуда ўхшар экан.

– Вой жуда қизиқ-ку!

– Яна, унинг ўз ўқи атрофидаги тезлиги, худди Ернинг тезлигидай бўлиб, Марсда куннинг узоқлиги ҳам, худди ердагидай экан.

– Майдони ҳам Ерникига ўхшар эканми? – деди Мансур ажабланиб.

– Ҳа, майдони бизнинг сайёраимизга ўхшаб, тоғлар, текисликлар, музликлардан ташкил топган экан.

– Дўстим, газетангни бериб турсанг, мен ҳам ўқир эдим. Жуда қизиқ маълумотлар экан.

– Албатта, бераман, – деди Зиёдҷон.

**Икки ёки ундан ортиқ кишининг суҳбати диалог дейилади.**



2. Юқорида берилган диалог асосида сиз ҳам ўз дўстингиз билан коинот ҳақида билган маълумотларингиз тўғрисида суҳбатлашинг.





3. Шеърни ролларга бўлиб ўқинг. Диалогда кимлар иштирок этган?

Қачон юради?

Дилором дадасидан,

Секингина сўради:

– Сиз оберган қўғирчоқ,

Айтинг, қачон юради?

*Ориф Тўхташ*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёзинг.

Диалогда ҳар бир шахсинг гапи хат бошидан чизиқча қўйиб ёзилади. Агар диалогда муаллиф гапи иштирок этса, кўчирма гапда ишлатиладиган тиниш белгилар қўйилади, аммо қўштирноқ ишлатилмайди.



4. Масални ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Диалогда тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

## ҚУЁШ ВА ЮЛДУЗЛАР

*(масал)*

- Кундузи нега кўринмайсизлар? – деб сўрашди юлдузлардан.
- Ўзимиздан нурлироқ Қуёш олдида одоб сақлаймиз-да, – деб жавоб қилишди юлдузлар камтарлик билан.

Диалогни ёзинг.





5. Шеърни ўқинг. Диалогда қанча шахс иштирок этган? Тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.

### БОЙЧЕЧАК

– Ҳой чечак, бойчечак,  
Яшнаб кетди қир таги.,  
Қуёшмисан қирдаги?  
– Биз офтобнинг парчаси,  
Очиб ернинг дарчасин,  
Шу тупроққа бойландик,  
Бойчечакка айландик.  
– Баҳордан элчи чечак,  
Раҳмат, сенга бойчечак.



*Турсунбой Адашбаев*

Диалогни кўчиринг, тиниш белгиларининг ишлатилишини ёдда тутинг.

6. Расмни кузатинг. Болалар нима ҳақида суҳбатлашяпти?  
Фикларингизни далиллаб беринг.





## УНДАЛМА

Биз бугун дарсда:

- чизиқчалар ўрнига мос ундалмаларни қўйиб, гапларни ёзишни;
- ундалмаларни аниқлашни **ўрганамиз**.



1. Шеърини парчани ўқинг. Диалогда ажратиб кўрсатилган сўзлар қандай бўлак вазифасида келганини айтинг.

– Ойи, қандай чиройли  
Хурриятнинг лоласи.  
Чиқиб терсак майлими?  
Уришмасми онаси?  
– Билмайман, жоним қизим,  
Онасидан сўранглар.  
Рухсат берса, чиқинг-у,  
Кўзингизга қаранглар!

*Зулфия*

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни ёки нарсани билдирган сўз ундалма дейилади. Ундалма кўпинча гапнинг бошида келади. Оғзаки нутқда ундалма чақириш, ундаш оҳанги билан айтилади:

Болалар, ота-онангизни доимо ҳурмат қилинг.



2. Ўқинг. Ундалмаларни аниқланг.

Ўқитувчи:

– Болалар, Венера Ерга қарама-қарши тарафга айланар экан. Агар биз Венерадан туриб кузатадиган бўлсак, Қуёшнинг Ғарбдан чиқиб, Шарққа ботишини кўрган бўлар эдик.



Ўқувчи:

– Устоз бу ҳақда қаердан ўқиш мумкин?

Ўқитувчи:

– Зафаржон, бу ҳақда “Коинот – тилсимот” журналида ўқишинг мумкин.

Ўқувчи:

– Раҳмат, устоз.

Ундалма гапларни кўчириб ёзинг.



3. Чизиқчалар ўрнига мос ундалмаларни қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

\_\_\_\_\_, биз сизга доим ёрдам берамиз. Сенинг келишингни кутяпман, \_\_\_\_\_.

\_\_\_\_\_, китобни қунт билан ўқинг. Бувингдан хабар олдингми, \_\_\_\_\_? \_\_\_\_\_, мана бу жойга ўтиринг. Раҳмат, \_\_\_\_\_, ҳурматинг учун.

Қўйиш учун сўзлар: ўғлим, отахон, дўстим, онажон, қизим, болалар.



4. Ассалому алайкум, раҳмат, миннатдорман, марҳамат сўзларидан фойдаланиб, ундалмали гаплар тузинг.



5. Ўқинг ва ҳар бир гапнинг эгасини топинг. Дарак гапларни намунадагидек ундалмали гапларга айлантириб ёзинг.

**Намуна:** Севинч ўз хонасини тоза сақлайди. Севинч, сен ўз хонангни тоза сақла!

Болалар дарсда одоб сақлайдилар. Қуёшжон илиқ нурларини таратди. Юсуф уйқудан эрта турди. Ўқувчилар уй вазифаларини ўз вақтида бажарадилар. Равшан дўстига уй ишларида ёрдамлашди. Опажоним биз билан кинога борадилар.



6. Шеърни ифодали ўқинг, ундалмани аниқланг.

### ҚУЛУПНАЙ

Ҳар саҳар Қуёшдан ҳам  
Эрта турар қулупнай.  
Дўстларим, уйғонинг деб  
Чала бошлар кулиб най.

Юзин ювиб шабнамда  
Чирой очди ўзгариб.  
Қуёшдан уялдими,  
Кетди аста қизариб.



*Набижон Қодиров*



7. Билимингизни синанг. Ундалмалар асосан қайси сўз туркумидаги сўзлар билан ифодаланади?

- А) сифат
- Б) сон
- В) от
- Г) феъл





## УНДАЛМАЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

### Биз бугун дарсда:

- ундалма гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келганда ёзилишини;
- космонавтлар ҳақида постер тайёрлашни;
- керакли тиниш белгиларини қўйиб, ундалмали гапларни ёзишни **ўрга-**  
**намиз.**



1. Матнни ўқинг. Ундалмаларни аниқланг ва уларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Салом, болалар! Биз Меркурийданмиз. Сизларга бу сайёра ҳақида маълумот юборяпмиз, тингланг. Қадрли болажонлар, Меркурий Қуёшга жуда яқин жойлашган. У катта ҳажмга эга бўлганлиги сабабли, ўзига жуда кўп осмон жисмларини тортади. Осмон жисмлари, болалар, катта куч билан Меркурий сатҳига урилади. Натижада Меркурий сатҳида кратерлар пайдо бўлади. Кратерлар, болажонлар, бирор жойга тушадиган катта ҳажмдаги буюмнинг ўрнида пайдо бўладиган чуқурчалардир.

Азиз, ўғил-қизларим! Бизга ажратилган вақт охирлаб қолди. Биз текширишни яна давом эттириб, сизларга янги, қизиқарли маълумотлар юборамиз. Хайр, азиз болажонлар!

Ундалма гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин. Гапнинг бошида келган ундалмадан кейин ёзувда вергул қўйилади. Агар гап бошида келган ундалма кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ёзувда ундан кейин ундов белгиси қўйилади.

Ундалма гапнинг ўртасида келса, ёзувда ҳар икки томондан вергул билан ажратилади. Ундалма гапнинг охирида келса, ёзувда ундалмадан олдин вергул қўйилади.





2. Ўқинг. Ундалмаларни аниқланг ва улардаги тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.

Раҳмат, бобожон, насиҳатингизга амал қиламан. Холажон, Севара билан ўйнасам майлими? Ассалому алайкум, қадрдон бувижоним! Биз сени орзиқиб кутдик, Наврўзим! Шаҳардан қачон қайтасиз, дадажон? Марҳамат, опа, буюртмангиз тайёр бўлди.

Гапларни кўчиринг, ундалмаларнинг тагига чизинг.



3. Дўстларингиз билан бирга космонавтлар ҳақида постер тайёрланг.



4. Матнни ўқинг. Ундалмаларни аниқланг.

## ДАНГАСАЛИК

Мусича дарахт шохида мудраб ўтирарди. Иттифоқо, ерда куйиб-пишиб меҳнат қилаётган чумолига кўзи тушди. Чумолининг меҳнатини кузатиб тургач, у билан ҳазиллашгиси келиб, гап қотди:

– Ҳой чумоли, намунча куйиб-пишмасанг? Менга ўхшаб роҳатда яшасанг бўлмайдимми?

Бунга жавобан:





– Сенга ўхшабми? – кулди чумоли. Ахир, ғирт дангаса, бекорчи-сан-ку, мусича. Билмайсанми, бекорчидан ҳамма безор!

– Сен ҳақсан, чумоливай, – деди мусича. Менинг меҳнатга ҳеч тоқатим йўқ, меҳнат қилмасам ҳам, куним бинойидек ўтяпти...

*Баҳодиржон Шокиров*

Ундалмали гапларни кўчиринг, тиниш белгиларидан тўғри фойдаланинг. Эртакни ўзингиз давом эттиринг.



5. Ватан, қадрдон, онажон, кечирасиз сўзларини қатнаштириб ундалмали гаплар тузинг ва ёзинг.



6. Шеърни ўқинг, ундалмаларни аниқланг.

Мухторхон олти ёшлик  
Синглисидан сўради:  
Мунисхон ростингни айт  
Ўйлашни биласанми.  
Мунисхон акасига  
Ажабланиб қаради:  
Ака-а ўзинг айта қол  
Ўйлаш деган нимадир.

*Ғафур Ғулом*

Керакли тиниш белгиларини қўйиб, ундалмали гапларни ёзинг.





## ОЙ – ЕРНИНГ ТАБИИЙ ЙЎЛДОШИ

Биз бугун дарсда:

- Ернинг табиий йўлдоши – Ой ҳақида;
- гапдаги уюшиқ бўлакларни аниқлашни **ўрганамиз**.




1. Матнни ўқинг. Матндан содда ва қўшма гапларни аниқланг.

Ой – Ернинг табиий йўлдоши. Ойгача бўлган масофа 380000 километрга яқин. Ой Ерга таъсир ўтказади. Ойнинг тортиш кучи оқибатига денгиз сувининг кўтарилиши ва пасайиши Юзага келади. Деҳқонлар Ойнинг ҳолатига қараб, экин экиш вақтини белгилаганлар. Қадим замонларда Ойнинг чиқиши ва ботишига қараб, йилни 12 қисмга бўлганлар. Йилнинг 12 ойдан иборатлиги шундан келиб чиққан.

Ойнинг бизга кўринадиган шакли доим ўзгариб туради, шунинг учун биз Ой ҳолатига қараб, тўлин ой, биринчи чорак, янги ой, учинчи чорак деймиз.



Матндан иккита содда гап ва битта қўшма гапни танлаб ёзинг, уларнинг бош бўлақларини аниқлаб, тагига чизинг.



Ойдаги тадқиқотлар ҳақида маълумотлар тўпланг ва дўстларингиз билан тақдимот тайёрланг.






2. Матни ўқинг. Гапдаги бир хил сўроқларга жавоб бўлган сўзларни аниқланг.

### МЕТЕОРЛАР ВА МЕТЕОРИДЛАР НИМА?

Тунги осмондаги космик бўлаклар – тошлар, темир, комета чанглари қолдирган узун ёруғ излар-метеорлар дейилади. Улар Ер атмосферасига тушиб, ишқаланиши туфайли қизийди ва ёниб кетади. Баъзи бўлаклари эса Ерга тушади. Улар-метеоритлар деб аталади.



Матни кўчиринг. Уюшиқ бўлакларнинг тагига тегишлича чизинг.



3. Шеърни ўқинг, уюшиқ бўлакларни аниқланг. Гапнинг қандай бўлаги уюшганини айтинг.

### ШАРШАРА

Бир қара,  
Бир қара,  
Не гўзал манзара!  
Бошларга тош уриб  
Куйлайди шаршара.  
Куйлайди шаршара,  
Ўйнайди шаршара  
Тоғни ҳеч тинчига  
Қўймайди шаршара.

*Дилшод Ражаб*



Шеърни ҳуснихат қоидалариги риоя қилиб ёзинг, уюшиқ кесимларнинг тагига чизинг.



#### 4. Ўқинг.

Дамир бошини қимирлатди, лекин жавоб бермади. Ёмғир тинди, аммо шамол ҳали эсмоқда. Ой ёритади, аммо иситмайди. Қуёш чиқди ва борлиқ нурга тўлди. Иссиқхонада карам, помидор ва бақлажон кўчатлари бирдай ўсмоқда. Муслима ҳали жуда кичкина, лекин у кўп нарсани тушунади. Самир уни кўрди, аммо танимади.

Қўшма гапларни кўчиринг, эга ва кесимнинг тагига чизинг.



#### 5. Нуқталар ўрнига ҳарфлар қўйиб сўзларни ўқинг. шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

м	е	т	*	о	р
ҳ	о	*	а	т	
т	о	р	*	и	ш
к	*	ч	а	т	





## МАРСОХОД ЯСАГАН БОЛАКАЙ

**Биз бугун дарсда:**

- матндан кўчирма гап ва диалогни аниқлашни;
- расм асосида дўстингизга эртак айтиб беришни ўрганамиз.



1. Матнни ўқинг. Матндан кўчирма гап ва диалогни аниқланг.

Сардор “Ёш ихтирочилар” танловига қатнашишни орзу қиларди. Аммо дадаси Алишер ака унга: “Ўғлим, сен ҳали кичкинасан. Устига – устак, бирор нарса ҳам ихтиро қилмагансан”, – дер экан.

Бир куни дадаси ўғлим гапимдан хафа бўлиб қолмасин, дея унга иккита ўйинчоқ машина совға қилибди. Алишер яп-янги машиналарни бузиб, уларни турли қисмларга ажратиб ташлабди. Буни кўрган Алишер ака ўғлидан ранжиганича бир сўз демай, ишига жўнаб кетибди. Кеч кириб, дадаси ишдан қайтаётганида Сардорнинг қўлида ғаройиб бир робот машина турарди.

– Ўғлим, бу нима?

– Дадажон, Марс сайёрасини ўрганадиган роботлар ҳақида айтиб берганингизни эслайсизми?

– Ҳа, эсимда.

– Бу ўшандай роботларнинг энг замонавийси. Уни мен ихтиро қилдим! Фақат, сиз совға қилган машиналарни бузишга тўғри келди-да...

Хурсанд бўлиб кетган Алишер ака эртасигаёқ ўғлини “Ёш ихтирочилар” танловига олиб боради.

Ундалмали гапларни кўчиринг.



2. Сиз ҳам Сардорга ўхшаб робот-машина ясашга қизиқасизми? Дўстларингиз билан робот-машина ясаб кўринг.





3. Таклифномани ўқинг. Таклифнома кимга қарата ёзилганини, ундалмани аниқланг.

## ТАКЛИФНОМА

Ҳурматли Иззат Саидович!

Сизни мактабимиз “Ёш ихтирочилар” тўғараги аъзоларининг “Космонавтика куни”га бағишланган кўрғазмасига таклиф этамиз. Кўрғазма 10 апрель соат 12-00 да мактаб залида ўтади.

*Ҳурмат билан ўқувчилар жамоаси*

Сиз ҳам ота-онангизга бирор муносабат билан ўтказиладиган тадбирда қатнашиши учун таклифнома ёзинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг. Ундалмани аниқланг.

## ЎЛКА

Боғларингни сайр этганимда,  
Сен бор эдинг қалбда, Ватаним.  
Боғ ҳуснига шеър битганимда,  
Уни дастлаб сенга атадим.

Минглаб тилда мадҳингни сўзлар,  
Бунда ўсган ҳар битта дарахт.  
Нур эмади миллионлаб кўзлар,  
Кўкдан сенинг ҳуснингга қараб.

Жилмаяди ўзида йўқ шод,  
Янги ой ҳам кетмай қошингдан.  
Этак-этак олиб коинот,  
Юлдузларни сочар бошингдан.

*Эркин Воҳидов*



Ундалма қатнашган тўртликни кўчиринг, ундалмани белгиланг.  
Шеърнинг мазмунини ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг.




5. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Лолазорда лолалар очилди,  
Гуллолалар лолазорда очилди.



6. Расм асосида дўстингизга эртак айтиб беринг.



# *Келажакка саёҳат*







## ЛЕКСИКА. АНТОНИМ ВА СИНОНИМ СЎЗЛАР

Биз бугун дарсда:

- антоним ва синоним сўзларнинг ёзилишини;
- берилган сўзларга мос синоним ва антоним сўзлар топишни ўрганамиз.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга қарама-қарши маъноли сўзлар топинг ва ёнма-ён ёзинг.

Тонг кетидан тонг отар,  
**Нурафшон** кун муборак.  
Йиллар ўтар, онг ошар,  
Эзгу замондан дарак.  
**Шахдам** қадамлар ташланг,  
Бўлингиз оташ юрак.  
Минг томирли элатмиз,  
**Буюк** Турон муштарак.

*Йўлдош Муқим ўғли Оташ*

Қарама-қарши маъноли сўзлар антоним сўзлар дейилади.  
Антоним сўзи юнонча анти (зид, қарама-қарши) ва онима (ном) сўзларидан тузилган.  
Масалан: узоқ-яқин, оқ-қора.



2. Ҳаёлан келажақдаги шаҳарга “саёҳат” қилинг. Кўз олдингизга қандай кўринишлар келди? “Келажақ шаҳри” мавзусида расм чизинг.





3. Мақолларни кўчиринг, антоним сўзларнинг тагига чизинг.

Жаҳл-душман, ақл-дўст. Яхшилик нур келтирар, ёмонлик зулмат. Тўғри одам эгри сўздан ор қилар. Ёш келса ишга, қари келса ошга. Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир. Рост сўзни айт, ёлғон сўздан қайт.



4. Мақолларни ўқинг, антоним сўзларни аниқланг. Уларни ўзи боғланган сўз билан бирга намунадагидек кўчиринг.

**Намуна:** Эски йил – янги йил.

Эски йилнинг ҳисоби – янги йилнинг китоби. Эрта эккан хирмон қилур, кеч эккан армон қилур. Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши. Тўғри тил тош ёрар, эгри тил бош ёрар.



5. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Улар қандай маънода келганини айтинг.

Дилнавоз бошловчиликка қизиқади. У келажакда коинотдан сайёрамизга **тўғридан-тўғри**, **тўсиқларсиз** кўрсатувлар тайёрлашни **ўйлайди**, **орзу қилади**. Шунда балки ўзга сайёраликларнинг яшаш тарзи ҳақида **англашимиз**, **тушунишимиз** осон бўлармиди...

Синоним сўзи юнонча (грекча) синонимос (бир номли) сўздан олинган.

Синоним сўзлар нутқнинг таъсирли бўлишига ёрдам беради.

Шакли ҳар хил бўлса ҳам, маъноси бир хил бўлган сўзлар синоним сўзлар дейилади.





6. Ўқинг, синоним сўзларни аниқланг, уларга сўроқ беринг.

Баҳорнинг илиқ, иссиқ кунлари келган. Ватанимиз сарҳадларини қўрқмас, ботир, жасур аскарлар қўриқлайдилар. Поезд узоқ, олис йўлдан келмоқда. Болалар она юрт, она диёр келажаги ҳақида расм чиздилар. Капалаклар кўркам, чиройли гулларга қўндилар. Она табиатнинг гўзаллигини эҳтиётланг, асранг, авайланг!

Кўчиринг, синоним сўзларнинг тагига чизинг.



7. Аҳил, улуғ, осмон, ёрдамлаш сўзларига синоним сўзлар топинг.



8. Шеърни ўқинг. ажратиб кўрсатилган сўзларга синоним сўзлар топиб айтинг.

– Мен бугун эрта турдим,  
Чиқмаган эди қуёш.  
Ўйлаяпман, мендан ҳам –  
Ҳали экан-да у ёш!

*Ориф Йўлдош*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёзинг.





## ОМОНИМ СЎЗЛАР. КЎП МАЪНОЛИ СЎЗЛАР

### Биз бугун дарсда:

- талаффузи ва ёзилиши бир хил, лекин маъноси турли хил бўлган сўзларнинг ёзилишини;
- кўп ва бир маъноли сўзларнинг ёзилишини ўрганамиз.



1. Маттни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

Фахриёр келажакда катта тадбиркор бўлишни орзу қиларди. У дарс тайёрлаб ўтириб, бирдан хаёл суриб кетди. Хаёлида худди шундай бўлибди. Фахриёр катта корхонага бошлиқ эмиш, бир қанча синфдош ўртоқлари унинг қўл остида ишлашар экан. Ҳаммалари унга ҳурмат билан салом беришар, у ҳам кулиб саломлашар экан. Унинг корхонасида энг янги турдаги пультли электрон асбоблар ишланар экан. Бу асбоблар одамларнинг кундалик ҳаётида жуда аҳамиятли бўлиб, барча уй ишларини бажаришга мосланган экан. Шаҳарда уни таниган одамлар унга ҳурмат билан бош эгишармиш...

Шу пайт хонага синглиси **Ширин** кириб, унинг хаёллари бўлиниб кетди. Фахриёр **ширин** энтикиб, дарс тайёрлашда давом этди.

Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини тушунтиринг. Шу сўзлар қандай ёзилган? Улар қандай талаффуз қилинади? Бу сўзлар қайси сўз туркумига киради? Айтилиши ва ёзилиши бир хил бўлган сўзлар қатнашган гапларни кўчиринг. Матнга сарлавҳа топинг.

Талаффузи ва ёзилиши бир хил, лекин маъноси турли хил бўлган сўзлар омоним сўзлар дейилади.

Нутқимизда бундай сўзлар ҳам тез-тез ишлатилиб турилади.

Масалан: Хатни чиройли ёз. Ўлкамизда гўзал ёз.





2. Сиз ҳам Фахриёрга ўхшаб келажакка “хаёлан” саёҳат қиласизми? Бу ҳақда дўстингиз билан суҳбатлашинг.



3. Гапларни ўқинг, омоним сўзларни аниқланг. Уларнинг маъносини тушунтиринг.

Пойгада Саман от тез чопди. Коптокни баландроқ от. Баҳром боғда ўт ўрди. Малика опам тандирга ўт ёқди. Боғимизга олма кўчати экдик. Бировнинг нарсасини сўрамасдан олма. Чўпон бобо катта тут соясида дам олди. Ўз хонангни тоза тут.

Кўчиринг, омоним сўзларнинг тагига чизинг.



4. Гапларни ўқинг.

Кўзингизни эҳтиёт қилинг.

Узукнинг кўзи қимматбаҳо тошдан эди.

Деразанинг ойнасиз кўзига ойна қўйдирдик.

Эски булоқнинг кўзи очилди.

Бу дарахтнинг кўзи кўп экан.

Ҳар бир гаптаги кўз сўзининг маъносини айтинг. Уларни бир-биридан фарқини фаҳмладингизми?

Кўчиринг. Кўп маъноли сўзнинг тагига чизинг.

Айрим сўзлар кўп маънони, баъзи сўзлар эса бир маънони билдиради. Шунга кўра сўзлар кўп маъноли ва бир маъноли сўзларга бўлинади.

Бир неча маънони билдирган сўзлар кўп маъноли сўзлар дейилади.



5. Тилла, бош сўзлари қанча ва қандай маъно англатиши мумкин? Мисоллар айтинг ва ёзинг.





6. Гапларни ўқинг. Омоним ва кўп маъноли сўзларни аниқланг.

Темир йўл қурилиши жадал давом этмоқда. Бугун мен ажойиб туш кўрдим. Темир қанот палапонлар чирқиллашди. Шаҳарга эр-талаб туш. Носир дам олиш куни яйловда қўй боқди. Кумуш қиш ўз ўрнини зумрад баҳорга берди. Нарсаларингни тартиб билан қўй. Зумрад кумуш қошиқларини ювди.

Гапларни кўчиринг, кўп маъноли сўзларнинг тагига чизинг.




7. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

### КЎКЛАМ

Беғубор олам,  
Бунчалар кўркам!  
Мусаффо, тиниқ  
Осмон жуда ҳам.  
Нурга кўмилиб,  
Яшнайти ўлкам.  
Чунки элимда,  
Кезмоқда кўклам!

*Зокиржон Мўминжонов*





## НУТҚ. ТИЛ НУТҚ БЎЛАГИДИР

### Бугун дарсда:

- нутқ гаплардан тузилишини;
- мақолларни ўқиб мазмунини тушунтиришни **ўрганаман**.



### 1. Матнни диққат билан ўқиб хулоса чиқаринг.

Кишининг нутқи аниқ, равон, тушунарли ва ёқимли бўлиши лозим. Бунинг учун нутқ сўзлашдан аввал нима демоқчи эканини ўйлаб, кейин сўзлаш лозим. Ўйланмай айтилган сўз хатоликлар келтириши, кимнидир хафа қилиши, кўнглига озор бериши мумкин.

Нутқ қанчалик тўғри, ёқимли бўлса, у тингловчига шунчалик кучли таъсир этади. Нутқ давомида пухта ўйланган ва лозим гапларни айтиш фойдалироқдир. Доимо ҳурмат билан, бошқаларни сизлаб, ўйлаб гапириш инсонга фақат яхшиликлар келтиради.

Гўзаллик юзда эмас, эй биродар,  
Сўзи ширин кимса ҳар кимга ёқар.  
Сўзингиз оз бўлсин, маънодор бўлсин,  
Эшитганлар қулоғи нурга тўлсин.

Шеърий мисраларни кўчиринг. Омоним ва кўп маъноли сўзларни аниқлаб, тагига чизинг.

Нутқ кишиларга шахс ёки нарса ҳақида хабар бериш ёки сўраш учун керак. Нутқ гаплардан тузилади.





## 2. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Тилингни сақла, бошинг **саломат** бўлади.

Сўз найзадан ўткир.

Сўз оёқдан **илгари** боради.

Ариқни **сув** безар,

Одамни – сўз.

Мақолларни кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга синоним сўзлар топиб айтинг.



## 3. Матнни ўқинг. Тил ҳақида нима дейилганини билиб олинг.

Тил кишилар орасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Кишиларнинг борлиқ, ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги фикр ва туйғулари тил воситаларида гап орқали шакллантириш ва ифодалаш, тингловчи учун эса баён қилинган фикрни англаш воситасидир.

Ҳар бир гап бирор фикрни ифодалайди. Сўзловчининг мақсадига кўра гаплар турлича бўлади. Баъзи гаплар хабар билдиради, баъзилари тингловчини ўз фикрини айтишга даъват этиш, сўраш каби мақсадларни ифодалайди, баъзи гаплар эса буюриш, маслаҳат, илтимосни билдиради.

Тилнинг ифода шакли нутқдир.

Тил – энг муҳим алоқа воситаси сифатида ўсади, тараққий қилади.

Тил – тарихий ҳодиса, жамият маҳсули.



## 4. Донишмандларнинг тил тўғрисидаги насихатларини ўқинг, хулоса чиқаринг.

Севимли болаларим, сира ҳам қўпол сўзли, аччиқ тилли бўлманг, тилингизни қўпол, аччиқ сўзлашдан тийинг. Очиқ юзли, ширин





сўзли бўлинг. Тилингизни доимо яхши сўзлашга кўниктиринг. Ҳеч кимнинг кўнглини ёмон сўзлар айтиб бузманг. Боболаримиз: “Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи”, – деб бекорга айтмаганлар. Очиқ юзли, ширин сўзли бўлсангиз, ҳар ким сизларни севади.

– Бу болалар – қандай яхши, одобли, тарбияли болалар. Буларни шундай гўзал тарбия қилган ота-она ва муаллимларига раҳмат! – деб, ҳамма сизларни олқишлайди. Шундай эмасми, азизларим!



5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Ажиб икки қулоғи бор,  
Бири тинглаб, бири сўзлар.

Кундалик тарих ўзи,  
Ҳар ерда унинг сўзи.

Топишмоқларни ёзинг, ажратилган сўзларга синоним сўзлар топиб айтинг.



6. Нуқталар ўрнига мос сўзларни қўйиб, мақолларни ўқинг ва ёзинг.

Ҳунар олди - ... .

Ипнинг узун, сўзнинг ... яхши.

Фил кучли,  
Фил кучли эмас, ... кучли.

Яхши ... жон озиғи,  
Ёмон сўз бош қозиғи.





## АДАБИЙ ТИЛ УСЛУБИ. СЌЗЛАШУВ УСЛУБИ

### Бугун дарсда:

- адабий тил услуги ва сўзлашув услубини;
- ўқилган асар юзасидан фикр билдиришни **ўрганаман**.



1. Матнни диққат билан ўқинг. Тил услублари ҳақидаги фикрларни билиб олинг.

Маълумки, олимлар ва ёзувчилар ўз илмий ёки бадиий асарларида адабий тил воситаларидан турлича фойдаланадилар, чунончи, илмий асарда илмий сўзлар, бадиий асарда эса тасвирий-таъсирий воситалар кўпроқ қўлланади. Демак, адабий тилда бир-биридан фарқ қиладиган услублар бўлади.

Адабий тил услублари қуйидаги кўринишга эга: сўзлашув услуби, илмий услуб, бадиий услуб.

Ҳамма учун умумий бўлган нутқ сўзлашув услубидир. Бу услубда гапдаги сўзлар тартиби эркин бўлади.

Сўзлашув услубидаги нутқ кўпроқ диалог шаклида ёзилади.



2. Ўқинг. Сўзлашув услубига эътибор беринг.

Музаффар билан Акбаржон қалин дўст. Улар келажак режалари ҳақида кўп суҳбатлашадилар. Бугун ҳам улар қизиқ суҳбат қурдилар:

– Биласанми, Музаффар, мен келажакда уяли телефон ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган “Мўъжиза” хусусий корхонасини очмоқчиман.

– Жуда зўр ўйлабсан-ку, Акбаржон.

– Ҳа, ўшанда одамлар қимматбаҳо “iPhone” ва “Samsung” телефонларини сотиб олмай, ўзимизнинг “Мўъжиза” дан фойдаланишарди.



- “Мўъжиза” нинг бу телефонлардан қандай фарқи бўлади?
- Улар, аввало инсон саломатлигига зарар келтирмайдиган, бежирим, ишлатишга ва олиб юришга қулай ҳамда анча арзон нархда бўларди.
- Дўстим, келажак режаларинг амалга ошсин.
- Раҳмат.



3. Сиз ҳам дўстингиз билан келажакдаги режаларингиз ҳақида суҳбатлашинг. Сўзлашув услубингизни тушунтиринг. Сўзлашаётганда сиз қандай сўзларни кўпроқ ишлатасиз?



4. Замонавий эртақдан берилган парчани ўқинг. Диалогларни алоҳида ўқинг. Кимлар суҳбатлашяпти?

## КОИНОТДА БИР КУН

Шу куни Иброхим пакана “одам”га ёрдам беришга қарор қилди. Улар бир-бири билан танишиб ҳам олишди. Ўзга сайёраликнинг исми Тинг-Ву бўлиб, ёши 185 да экан. Ўзининг айтишича ҳали навқирон ёшда эмиш...

Иброхим чизмаларни Тинг-Вуга берди. Икковлон уни яхшилаб ўрганиб чиқишди.



– Хўш, бу жойга мендаги генераторни ўрнатамиз, – гап бошлади Тинг-Ву. Кейин эса чизмага тикилиб туриб:

– Қойил, ақл бовар қилмайди! Мен ҳатто Америкадаги фазони ўрганиш агентлигидан ҳам бундай қимматли лойиҳани топа олмагандим.

Тинг-Ву ҳаяжонини яшира олмади. Иброҳим эса уни жилмайганча кузатарди. Ҳақиқатдан ҳам бу бола ноёб иқтидор эгаси эди.

– Шошма-шошма, - бирдан ҳайрон бўлиб қолди Тинг-Ву. – Кема гравитация оқимига тушиб олганида, чирпирак бўлиб айланиб кетиши ҳам мумкин-ку! Бу эса учувчи учун хавфли. Нега лойиҳангда шу муаммони ҳал қилмагансан?

– Ҳа-я, биласизми, бу жудаям мураккаб бошқотирма экан. Яхшиси, уни ўзингиз ҳал қила қолинг, – дея жавоб берди Иброҳим қувлик билан.

Тинг-Ву бироз иккиланишдан кейин:

– Ўзинг ўйлаб кўр, бу муаммо ечимини билганимда сендан чизмаларингни сўраб ўтирармидим?... – деди бошини қашиб.

– Ахир ўзингиз ерликларнинг билими жуда кам дегандингиз-ку?

– Тўғрику-я, лекин бундай деганимда ҳали сенинг билимларинг ҳақида билмас эдим-да...

*Саъдулло Қуронов*

Диалог шаклидаги гаплардан айримларини кўчириб ёзинг.



5. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Доно сўзлар,  
Дона-дона,  
Доно сўзида  
Кўп маржона.

Тез айтишни кўчиринг.





## ИЛМИЙ УСЛУБ. БАДИИЙ УСЛУБ

### Бугун дарсда:

- илмий услуб ва бадиий услуб ҳақида;
- матнни ўқиб ифодаланиш услубини аниқлашни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг, унинг ифодаланиши услубига эътибор беринг. Илмга оид сўзларни аниқланг.

### XX АСР МЕТАЛИ

Алюминий 1825 йилда даниялик физик Ханс Эрстед томонидан кашф қилинган. XIX асрда у олтиндан ҳам қиммат ҳисобланган. Ҳатто бу металлдан қироличалар учун тақинчоқлар ясалган.

Аслида алюминий энг кўп тарқалган моддалардан бири. Бу борада ундан кислород ва углерод ўтиб кета олади, холос. Ердаги алюминий сайёра устки қобиғи умумий оғирлигининг 8 фоизини ташкил қилар экан. Бу модда мева, сув ва шу каби бошқа табиий истеъмол маҳсулотлари таркибида ҳам учрайди.

Алюминийни олимлар “XX аср метали” деб аташади. Сабаби бу металл дунё тараққиётида муҳим ўрин тутаяди. Фазода ҳам, ерда ҳам, сувда ҳам ундан фойдаланилади. Уйимиздаги деярли барча техник асбобларда алюминийдан ишланган қисмлар бор. Бу металл жуда ҳам яхши ёнгани учун алюминий кукунидан ракета ёнилғиси сифатида фойдаланилади. Масалан, “Сатурн” ракетасининг парвози учун 36 тонна алюминий кукуни керак бўлган экан.

*Саъдулло Қуронов*

Фан ва техникага доир илмий асарлар, дарсликлар илмий услубда ёзилади. Илмий услубда сўзлар ўз маъносида қўлланади.





2. Фан ва техникага оид сўзларни топинг ва гуруҳларга ажратиб ёзинг.

1. Табиатга оид сўзлар:
2. Ўзбек тилига оид сўзлар:
3. Коинотга оид сўзлар:
4. Математикага оид сўзлар:



3. Ўқинг. Ушбу сўзларнинг бадий услубда қандай аталишини билиб олинг.

Ўқитувчи – устоз, ўқувчи – шогирд, газ – зангори олов, кўмир – қора олтин, телевизор – ойнаи жаҳон, пахта – оқ олтин, учувчи – само лочини, чегарачи – тинчлик посбони.

Сўзларни бадий услубда қўллаб, 3та гап тузиб ёзинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг. Қандай услубда ёзилганини аниқланг, далиллаб беринг.

Оппоқ ўрик гулларим билан,  
Илиқ қуёш нурларим билан,  
Қўшиқ айтиб шўх ирмоқларим,  
Елдай ўйнаб кўк япроқларим.  
Меҳмон бўлиб келдим, болалар,  
Олиб келдим гулу лолалар!  
Мен баҳорман, қувноқ баҳорман,  
Сизга севинч билан боқарман!

*Жуманиёз Жаббаров*

Шеърдан сифатларни аниқланг.

Бадий услубда ёзувчи тилда мавжуд бўлган барча воситалардан фойдаланади. Бу услубда ёзилган бадий асарларда ёзувчи ўхшатиш, кўчма маънодаги сўзлардан фойдаланади.






5. Матни ўқинг. Унинг ифодаланиши услубини аниқланг.

## ДЕЛЬФИНЛАР

Дельфинлар – денгиз ҳайвони. Улар денгиз ва океанларда яшайдилар. Дельфинлар кўринишдан балиққа ўхшайди. Улар Каспий ва Орол денгизидан бошқа барча денгиз ва океанларда учрайди. Дельфинлар гала-гала бўлиб юрадилар. Улар одамга тез ўрганадилар. Денгиз ёки океанда ҳалокат рўй берганда, улар кишиларга кўмаклашадилар.

Дельфинлар сезгир ҳайвонлардир. Уларнинг эшитиш органлари жуда яхши тараққий этган. Улар довул бўлишини олдиндан биладилар. Дельфинлар якка-якка ёки гала-гала бўлиб сакрашаверса, денгизда ёки океанда довул бўлар экан. Ҳозирда кишиларимиз дельфинларни ҳам қўлга ўргатмоқдалар.



Кесим вазифасида келган феълларни эга билан бирга кўчиринг.





## МАТН

### Бугун дарсда:

- матн мавзусига мос сарлавҳа танлашни;
- шеър асосида матн тузишни ўрганаман.



1. Матнни ўқинг. Унинг қандай мазмунда ёзилганини тушунтиринг. Матнга сарлавҳа топинг.

Сирожиддин мусиқага жуда қизиқади. Шу сабабли шаҳардаги мусиқа мактабининг скрипка йўналиши бўйича шуғулланади. Сирожиддин ҳали ёш, лекин у келажакда энг эътиборли мусиқа фестивалларида иштирок этиб, ғолиб бўлишни орзу қилади. У Ватанимиз номини юксакларга кўтарадиган таниқли скрипкачи бўлишни хоҳлайди. Ўзининг машҳур скрипкачи бўлганини, Президентимиз унинг қўлини сиқиб табриклаганини ота-онаси ҳам кўришини орзу қилади. Бунинг учун Сирожиддин аъло баҳоларга ўқиб, қунт билан мусиқа сирларини ўрганмоқда.

Матндан биттадан содда гап ва қўшма гапни аниқланг ва ёзинг.

Мазмунан ўзаро боғланган икки ёки бир неча гап матн дейилади. Матнга сарлавҳа қўйиш мумкин.



2. Матнни ўқинг. Унинг ифодаланиш услубини айтинг.

## КАМАЛАК НИМА?

Ёмғирдан кейин осмонда кўринадиган рангли ёйни камалак деймиз. У ҳам ҳаво таркибидаги ёмғир томчилари орасидан қуёш нури-





нинг ўтиши натижасида пайдо бўлади. Бу жараёнда қуёш нури етти хил рангда товланади: қизил, олов ранг, сариқ, яшил, ҳаво ранг, кўк ва бинафша ранг. Ушбулар камалакнинг асосий ранглари дир.

Матнда нечта гап борлигини айтинг. Гапларни кўчиринг.



3. Ўқинг. Шеър мазмунига мос матн тузинг.

### ҚУВОНЧ – ДАРЁ

Шўх, ўйноқи шаббода,  
Чопиб мендан ўзади.  
Кўкарган ўт-ўланнинг  
Қулоғидан чўзади.  
Шодон кезиб далалар,  
Кўркига кўрк қўшади.  
Мусаффо ушбу тонгда,  
Қувонч - дарё тошади.

*Зокиржон Мўминжонов*



4. Шеърни диққат билан ифодали ўқинг. Ойхоннинг ҳаракатларини тасвирлаб, матн тузинг ва ёзинг.

### ОЙХОН ВА РАЙХОН

Ҳар хил кўчатни Ойхон  
Жўякка экиб қўйди.  
Жамбил, сада, ошрайхон  
Барг ёзсин, – деб сув қўйди.  
Янги, пўлат кетмонча,  
Тушмади ҳеч қўлидан.  
Кўчат тагларин анча  
Юмшатди ўнг, сўлидан.  
Яшнаб тез кун ичида  
Новдалари ёзди қад.

Ойхон ўз гулзорини  
Парвариш этди ҳар вақт.  
Ойхоннинг сочи каби  
Қуюқ ўсди райхонлар.  
Қулф урган ариқ каби  
Кўркама супа, айвонлар.  
Тушлик қилдик биз роса,  
Келтирилди мошхўрда.  
Ойхон ичса бир коса  
Таъми жуда хушхўр-да!



Шунда бизнинг Ойхоннинг  
Қувончдан қулди юзи.  
Чунки хушбўй райхонни  
Эккан эди-да, ўзи!

Боболар насиҳатин  
Эслаб севинчга ботди.  
Ҳалол меҳнат роҳатин  
Ойхон ҳам шу кун тотди.

*Илёс Муслим*



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Дошқозонда қайнар ош,  
Ичида шақирлар тош.  
Қари, ёш айтиб тилак,  
Пиширарлар .....

Топишмоқни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчинг.





## ИНШО. ИНШО ТУРЛАРИ

**Бугун дарсда:**

- иншо ёзиш қоидаларини;
- матн асосида иншо ёзишни ўрганаман.



1. Расмни кузатинг. Расм асосида “Келажак мактаби” мавзусида ҳикоя тузинг.



“Иншо” сўзи луғатларда пайдо қилиш, ёзмоқ, ижод маъноларини билдиради. Иншо ёзиш, нутқ, билим, қобилиятни ўстиришга катта ёрдам беради. Иншо ёзишдан олдин режа тузилади.



2. Ўқинг. Иншо ёзиш учун эсдаликда ёдингизда сақланг ва уларга амал қилинг.

1. Иншо мавзуини пухта ўйланг. Нималар ҳақида ёзишни аниқлаб олинг. Мавзуга доир сўзлар танланг.



2. Иншонинг асосий мазмунини, шу мазмунни ёритиш учун нималар ҳақида ва қандай ёзишингизни ўйлаб олинг.

3. Ёзган иншоингизни ўқиб чиқинг: унда мавзу ва асосий мазмун ёритилганми? Ёзиш зарур бўлмаган (ортиқча бўлган) сўз ва гапларнинг устидан чизинг; иншонинг мавзуи ва асосий мазмуни етарли очилмаган ўринларни тўлдириг.

4. Иншонинг тилига алоҳида эътибор беринг. Фикр яхши ифода-ланганми? Зарур ўринларга тузатиш киритинг.

5. Ёзган иншоингизни оққа кўчириг.



3. Гапларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Ўқувчи иншо ёзиш учун пухта билимга эга бўлиши, эшитган, ўқиган маълумотларини тартибга сола билиши лозим. Бунинг учун эртақ, ҳикояларнинг мазмунини тушуниб ўқиши, воқеалар тартибини яхши билиши керак. Иншолар уч турга бўлинади:

1. Адабий мавзудаги иншолар (эртақ, ҳикоя, дoston, афсона).

2. Ўқувчилар ҳаёти билан боғлиқ иншолар (мактабдаги ҳаётий воқеалар, ўқувчиларнинг билим олиши ва дам олиши ҳақида).

3. Тасвирий санъат асарлари асосидаги иншолар (жойлар тасвири, турли мавзудаги расмлар).



4. Матнни ўқинг. Матннинг асосий мазмунига эътибор беринг.

## ОНА КАКЛИК

Саратон. Қуёш ерларни ёндиргудек бўлиб қиздирарди. Ҳатто нафас олиш ҳам қийинлашди. Бундай пайтларда одамлар, жониворлар, паррандалар ҳаллослаб, кечки салқин тушишини кутиб ётади.

Бир куни овчи дарё соҳилидан узоқда, қумликлар устидан ўтиб борарди.

Унинг “Зийрак” деган лунжлари осилиб тушган, пайпоқдор овчи ити бор эди. У тилини осилтириб, олдинда югуриб борар эди. Овчи уни ёшлигидан боқиб, овга ўргатган эди.



Бирдан овчининг кўзи бута соясида ётган какликка тушди. У тўхтаб милтиғини қўлига олди. Каклик бўлса бута остидаги кичик сояда бағрини ерга бериб ётарди. У овчи яқинлашса ҳам, жойидан қўзғалмади. Овчи унинг тепасига борди. Какликнинг қанотлари остидан иккита жўжасининг боши кўринди. Улар иссиқдан ҳансираб, тинмай томоғининг тагини лиқиллатарди.

Шу пайт овчи югуриб келаётган “Зийрак”нинг бўйнидаги тасмасидан ушлаб қолди. Она каклик томон боришига йўл қўймади. Какликни кўриб қолган ит зўр бериб у томонга қараб талпина бошлади. Она каклик бўлса, жўжаларини жазирама иссиқдан асраб, бута остида ҳамон бепарво ётарди.

Биз ёввойи бир қушнинг ўз боласига шу қадар меҳрибон эканлигини кўриб, таажжубландик.

Матн асосида ўзингиз мустақил иншо ёзинг.



5. Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

## ОНА ТИЛИМ

Она тилим – мадҳиям,  
Она тилим – бош қуролим.  
Она тилим бўлмаса,  
Бўлмас эди шеър-куйим.  
Она тилим – эллигим,  
Она тилим – эрлигим.  
Она тилим бўлмаса,  
Бутунланмас кемтигим.

*Қодир Мирза Али*

Она тили ҳақида билган шеърингизни ёддан айтинг.





## ИНШО РЕЖАСИ. ҚИСҚА ВА ТЎЛИҚ ИНШО ЁЗИШ

Бугун дарсда:

- иншо ёзиш учун режа тузишни;
- тўлиқ ва қисқа иншо ёзишни ўрганаман.



1. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг. Мазмунини эслаб қолинг.

### КАРИМЖОННИНГ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ



Баҳор кунлари эди. Кунлар исий бошлаган. Қаримжоннинг айвонига қалдирғоч учиб келди. Унинг тумшугида чигиртка бор эди. Қалдирғочнинг болалари бараварига овқатга интилди. Уянинг оғзига тиқилиб қолишди. Бирдан уя кўчиб кетиб, ерга тушди. Қаримжон қўрқиб кетди.

Шу пайт Қаримжоннинг акаси келиб қолди. У акаси билан эски челақка похол солди. Устига она қалдирғоч ясаган юмшоқ уяни тўшади. Уяга қалдирғоч болаларини авайлаб солди. Сўнгра челақни бўғотга илиб қўйди.

Тез кунда она қалдирғоч болаларини учирма қилиб олиб кетди. Лекин улар тез-тез келиб турадиган бўлди. Ҳар келганда ёқимли сайрашарди. Қаримжонга миннатдорчилик билдиришарди.

Матн юзасидан иншо ёзиш учун берилган режа билан танишинг.



Режа:

1. Каримжон қўрқиб кетди.
2. Каримжоннинг акаси келиб қолди.
3. Она қалдирғоч болаларини учирма қилди.

Режа – иншонинг тузилиши, қисмларга бўлиниши ва шу қисмларни изчиллик билан баён этиш демақдир.



2. Режа асосида матн мазмунини сўзлаб беринг.

Иншони тўлиқ ёки қисқа ёзиш мумкин.  
Мавзу тўлиқ ёритилган бўлса, фикр кенг ифодаланса, тўлиқ иншо ҳисобланади.

Мавзу қисқа, воқеалар, тимсоллар ҳаракати тўлиқ ёритилмаса, қисқача иншо ҳисобланади.



3. Матнни ўқинг. Воқеалар тартибини эслаб қолинг.

## ҚЎЛИ ГУЛ

Бир куни эрталаб, синглим Умида ойна олдидан тароқ олаётган эди. Бирдан токчадан алланарса тушиб кетгандек бўлди. Бориб қарасам, токчадаги соат полда юмалаб ётибди. Уни дарров қўлимга олдим. Қулоғимга тутиб кўрдим. Соатдан ҳеч қандай товуш эшитилмади.

Мен жуда хафа бўлдим. Чунки у ҳар куни жиринглаб мени уйғотар эди. Мактабга ўз вақтида етиб борар эдим. Шу пайт нариги уйда дарс тайёрлаб ўтирган акам чиқиб қолдилар. Мен бўлган воқеани акамга айтдим.



Акам соатни олиб, у ёқ бу ёғини қарадилар. Унинг орқа томонини очдилар. Уйдаги қутидан лупани олиб, қовоқларига қистириб, соатнинг ичини кузатдилар. Сўнг соатни тuzатишга киришдилар. Дам ўтмай соатни қўлимга бердилар. Қарасам, чиқиллаб юриб турибди.

Матнга режа тузинг ва тўлиқ иншо ёзинг.



4. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

1. Қулоқлари боғланган,  
Қаноти йўқ қуш учар.
2. Қўл, оёқсиз манзил кўзлар,  
Дўст қалбини дўстга сўзлар.



5. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Мамадали, Асадали, Асқарали,  
Боқишади асалари,  
Тўплагани асал бари.







## НУТҚ МАДАНИЯТИ

Бугун дарсда:

- нутқ маданиятига риоя қилишни;
- матн юзасидан билдирган фикрларни далиллаб беришни ўрганаман.



1. Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг, хулоса чиқаринг.

1. Оз гапир – саз гапир.
2. Дорининг аччиғи яхши,  
Сўзнинг – ширини.
3. Бир таваккал бузади,  
Минг қайғунинг қафасин.  
Бир ширин сўз битказар,  
Минг кўнгилнинг ярасин.
4. Рост сўзингни яширма,  
Ростга завол йўқ.
5. Айтар сўзни айт,  
Айтмас сўздан қайт.

Мақолларни кўчириб ёзинг.

Инсон бошқалар билан нутқ ёрдамида алоқада бўлади. Нутқ аниқ ва ёқимли бўлса, у тингловчига шунчалик аниқ ва ёқимли етиб боради.





2. Матни ўқинг. Мазмунини билиб олинг.

Сўзлашаётганингизда муомала ва нутқ маданиятига риоя қилинг. Ўзингиздан катталар сўзлаётганда, гапларини диққат билан тингланг, кичикларга хушмуомала бўлинг.

Овозингизни баланд қилиб гапиришга ўрганманг. Ота-онангиз, устозларингиз, синфдошларингиз берган саволларга аниқ ва ёқимли жавоб қайтаринг.

Нутқ маданияти деганда сўзловчининг тўғри, мазмунли, ёқимли сўзлаши тушунилади.

Нутқ маданияти сўзловчининг шахсий маданий савиясига ҳам боғлиқ.



3. Эртакни ўқинг. Мазмунига эътибор беринг.

### **КАМТАР ҚУЁН** (Мексика эртаги)

Бир куни меҳрибон ва камтар қуён қўшни полиздаги карамга тўйиб олиб, уйига қайтаётганида бир тулкини кўриб қолади. Қуённинг юраги шиф этиб кетди. Қочиш керак. Ўйланиб ўтирмасдан бир унгурга кириб кетади. Қуён жуда камтар ва тарбияли эди. Унгурга рухсатсиз кирганига ўнғайсизланиб, саломлашиши кераклигини тушунади.

– Салом, меҳрибон унгур. Сенинг кенглигинг ва осойишталигинг жонга роҳат берар экан. Менга киришга рухсат этсанг, – дейди.

Унгур тубида бир илон яшар экан. У қуённинг овозини эшитиб, уни чақиради. Илоннинг товушидан уни егиси келиб турганини сезган қуён:



– Сизни безовта қилганим учун узр, мени она қуён кутиб ўтирибди. Соғ бўлинг, – деб қочиб кетади.

– Шу сўзларнинг сеҳри бор-да! Қуён менга яхши сўзламаганида мен уни ушлаб олиб, еб қўяр эдим, – деб ўкинди илон.

Қуённи ўлимдан қандай фазилатлари қутқарди? “Яхши гапга илон инидан чиқар” ибораси эртак мазмунига мос деб ўйлайсизми? Фикрингизни далиллаб беринг.



4. Ассалому алайкум, раҳмат, соғ бўлинг, марҳамат, хўп бўлади, лаббай, узр каби сўзларни қатнаштириб, гаплар тузинг ва ёзинг.



5. Шеърни ифодали ўқинг. Боланинг орзуларини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.

### БОЛА ОРЗУСИ

Буюк Абайдек кенг юрак,  
Шоир бўлгим келади.  
Бауржандек шер юрак,  
Ботир бўлгим келади.  
Бор билимни ўрганган,  
Олим бўлгим келади.

Етмиш ҳунар ўрганган,  
Истеъдодли бўлгим келади.  
Мана, шундай ажойиб,  
Бордир менинг орзуим.  
Элга бўлган ҳурматни,  
Келажакка боғладим.

*А.Едилова*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг.



6. Нутқ маданиятига риоя қилган ҳолда дўстингиз билан келажак орзуларингиз ҳақида диалог тузинг.





## ЎЗБЕК ТИЛИ ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТУРКУМИГА КИРАДИ

### Бугун дарсда:

- ўзбек тили туркий тиллар туркумига киришини;
- сўзларни алфавит тартибида ёзишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг ва хулоса чиқаринг.

### ОНА ТИЛИМ

Бизнинг она тилимиз – ўзбек тилидир. Ўзбек тили жуда бой тил. Дунёга донг таратган боболаримиз шу тилда ижод қилганлар. Тилимиз миллатимизнинг тенгсиз бойлигидир.

Дунёдаги барча халқларнинг ўз она тиллари бор. Албатта, кўп тил билиш жуда яхши ва керакли. Аммо инсон ўз она тилини яхши билмоғи, қадрламоғи, уни асраб-авайлашмоғи лозим.

Тилни қадрлаш уни мукамал ўрганмоқдан бошланади. Она тилимиз – ўзбек тилини чуқур ўрганнинг, сўзлашинг, ижод қилинг, севинг ва ардоқланг!

Ўзбек тили Олтой тиллари оиласининг туркий туркумига киради. Дунёда туркий тиллар кўп: ўзбек тили, қозоқ тили, турк тили, озор тили, қирғиз тил, туркман тили, уйғур тили, бошқирд тили, қорақалпоқ тили...



2. Сўзларни ўқинг, алфавит тартибида ёзинг.

Она, Ватан, бола, табиат, мактаб, билим, тинчлик, келажак, дўстлик, бахт.

Шу сўзларни қозоқ тилида тўғри айтинг, ўхшашлигини тушунтиринг.





### 3. Матни ўқинг ва ёзинг.

Менинг қозоқ, турк, уйғур, қирғиз, рус дўстларим бор. Улар билан мен ҳар куни бирга ўйнайман. Байрам кунлари, дам олиш кунлари истироҳат боғига, дарё бўйига дам олишга биргаликда борамиз. Уйларимиз ҳам бир-бирига яқин бўлгани учун дўстларим билан суҳбатлашиб тураман. Биз ҳар биримизнинг тилимизда бемалол сўзлаша оламиз. Кўп тилларни ўрганиб бориш биз учун жуда фойдали.



### 4. Шеърни ифодали ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

#### **ЖОН ДЎСТИМ**

Дўстлик номини севамиз, ардоқлаймиз,  
Дўст бўлса толмайди қўш қанотимиз.  
Қўшилиб юракдаги сирларимиз,  
Буюк орзулар сари йўл оламиз.

Ҳаёт мазмуни – дўстлик,  
Кўнгилнинг кўзи – дўстлик.  
Юракни мангуга боғлаб,  
Сирни – сирга улашдик.

*Б.Батирбекова*

Шеърни кўчириб ёзинг.



### 5. Матнни ўқинг.

Фантастик асарлар ва фильмларда одамга ёрдам берадиган роботлар учрайди. Ўзимиз ҳам баъзи пайтларда бундай темир ёрдамчиларга эҳтиёж сезамиз. Боситхон ҳам бундай роботларга жуда қизиқади. У робототехника тўгарагига қатнайди. У ерда ўртоқлари билан тури роботлар ясашни ўрганмоқда. Ҳозир у бадантарбия қила оладиган робот ясади. Боситхон келажакда дунёдаги барча тил ва шеваларни биладиган ҳамда бу тиллар билан бемалол сўзлаша оладиган робот ихтиро қилишни орзу қилади. “Бундай роботлардан таълим, сайёҳлик ва таржимонлик каби кўплаб соҳаларда фойдаланиш мумкин бўларди. Қизиқувчилар ҳам шунақа роботдан битта сотиб олишса бас – барча хорижий тилларни ўргатувчи шахсий репетитор тайёр!” – дейди Боситхон.

Кўчирма гапларни такроран ўқинг ва ёзинг.





## ЎҚУВ ЙИЛИ ОХИРИДАГИ ТАКРОРЛАШ

### Бугун дарсда:

- гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаklarини аниқлаб, тагига чизишни;
- расм асосида эртақ тузишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Матнга сарлавҳа топинг.

Ҳар бир инсоннинг ўз орзуси бўлади. Орзу тугамайди, бир орзунга эришсанг, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва яна бир қанча орзунга етишга ҳаракат қиласан. Чунки бу ҳаёт! Ҳаёт эса орзусиз бўлмайди. Орзулар амалга ошиши учун жуда кўп вақт сарф этиш керак. Орзунинг ушалиши яхши ниятни, сабрликни, вақтни, чидамликни, кучлиликни, меҳрибонликни, меҳнатсеварликни, билимни, ақлни талаб этади.

Матнни қандай гаплардан тузилганини айтинг.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Қандай услубда ёзилганини айтинг.

### БАҲОР



Билолмадим илк баҳор,  
Қайси ердан бошланди.  
Бирдан зумрад поёндоз,  
Далаларга ташланди.  
Ҳеч сездирмай ишлади  
Унинг чаққон қўллари.  
Бир кечада гиламга,  
Чатиб чиқди гулларни.



Қалин, совуқ, музларни,  
Эритолди ийдириб,  
Сўнгра ҳар бир дарахтга  
Чикди чопон кийдириб.

*Кавсар Турдиева*



3. Матнни ўқинг. Унга сарлавҳа қўйиб кўчиринг. Матн мақсадига кўра қандай гаплардан тузилганини айтинг.

Ҳашар Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Ҳашар йўли билан уйлар қурилган. Кўчалар тозаланган. Кўчатлар ўтқазилган. Ариқлар қазилган. Йўллар, кўприклар, шифохоналар қурилган.

*Махмуд Сатторов*

Гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини аниқлаб, тагига чизинг. Эга ва кесим қайси сўз туркумига киришини устига ёзинг.



4. Нуқталар ўрнига зарур унли ҳарф қўйиб, сўзларни ёзинг. Уларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқини изоҳланг.

Сам...лёт, автом...биль, муғ...мбир, нўх...т, т...рози, м...тор, уйқ..., тумш...қ, буйр...қ, ҳуқ...қ.



5. Матнни ўқинг. Сифатларни топиб, маъно турини, гапдаги вазифасини айтинг.

Болалар ўтлоққа чиқишди. Ўтлоқ ям-яшил ўтлар, оқ, сариқ, қизил гулларга бой жой эди. Чўққидан оқиб тушган тип-тиниқ сувлар қум-тошлар орасида ариқчалар ҳосил қилган. Бу ариқчалар бўйида ўткир ҳидли қорамтир ялпизлар, сершоҳ жамбиллар ўсиб ётарди. Ўтлоқнинг соф ва хушбўй ҳавоси кишига ором бағишлайди.

*Ҳаким Назир*

Сифатларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг. Сифатлар отларга нима ёрдамида боғланган?







6. Расмни кузатинг. Расм асосида эртақ тузинг. Матн услубини айтинг.





## БЎЛАЖАК АСТРОНОМ

### Бугун дарсда:

- сўроқлар ёрдамида от, сифат ва сонларни аниқлашни;
- гапларнинг мақсадига кўра турарини айтишни ўрганаман.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида от, сифат ва сонларни аниқланг.



Одилжоннинг энг сеvimли машғулоти – осмондаги юлдузларни санаш. Ҳар сафар юлдузларни санаганда 50 тадан кейин адашиб кетади. Дадасининг айтишича, юлдузларни юз йил тинимсиз санаса ҳам, тугата олмас экан.

Одилжон келажакда коинотни ўрганадиган астроном бўлмоқчи. Бу жуда ҳам қизиқарли касб. Ҳар куни улкан телескоплар ёрдамида юлдузлар ва сайёраларни кузатиш, миллионлаб километр узоқликдаги сирли

оламлар билан танишишни орзу қилади.

Одилжон астроном бўлиш учун барча фанларни пухта ўрганиб, аъло баҳоларга ўқиш лозимлигини билади ва бунга астойдил ҳаркат қиляпти.

Матндан аввал отларни, сўнг сифатларни ёзинг.






2. Ўқинг. Гапларнинг мақсадига кўра турларини айтинг.

Қирқоёқнинг айрим турларида 270 жуфт оёқлари ҳам учрайди. Сиз чивиннинг тиши нечталигини биласизми? Унинг роппа-роса 22 та тиши бор. Археолог олимларнинг тахминича ғилдирак бундан 7 минг йил олдин ихтиро қилинган экан.

Кўчиринг. Рақамларни ҳарфий ифода билан ёзинг.



3. Нуқталар ўрнига зарур унли ҳарфни қўйиб кўчиринг.

Кўпр...к, тўл...қ, бўл...м, бўй...н, тўс...қ, бўл...қ, авг...ст, аҳ...л, ул...ғ, ад...р, чўз...қ.

Бир сатрдан иккинчи сатрга бўғинлаб кўчирилмайдиган сўзларнинг тагига чизинг.



4. Қўшма гапларга зарур тиниш белгиси ва нуқталар ўрнига мос боғловчи қўйиб ўқинг ва ёзинг.

Боғнинг эшиги очиқ ... уйнинг эшиклари беркитилган. Мўмин ўрнига ётди ... уйқуси келмади. Мажлисга ҳамма келди ... Зулфия негадир келмади.



5. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида келишик олмошларини аниқланг. Улар қайси келишикларда қўлланганини айтинг.

Ҳамма нарса мени қаршилар.  
Ҳар бир куртак менга куйлар роз.

Мен юрганда, боғларга тўлар,  
Фақат бахтни мақтаган овоз.

*Ҳамид Олимжон*

Кўчиринг, кишилиқ олмошларининг тагига чизинг, қўшимчаларни тегишлича белгиланг.



6. Ўқинг. Ҳар бир устунда берилган сўзларнинг ўқилиши ва ёзилишини тушунтиринг. Сўзлар қайси келишиқда қўлланиганини айтинг.

Капалакка	уйда	ука
Қайрағочга	Лайлода	дафтар
Эшиқка	чизғичда	гул
Дилшодга	ўқувчида	хона
Кишига	мактабда	ойнома
Театрга	боғда	китоб
Қаламга	расмда	майдон

Қайси келишиқлар қўлланилмаган? Сўзларни шу келишиқларда қўллаб ўқинг.





## ОРЗУ – ОДАМГА ҚАНОТ

### Бугун дарсда:

- кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларнинг ёзилишини;
- эртақ мазмунига мос расм чизишни ўрганаман.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Мазмуни асосида суҳбатлашинг.

Қанийди бошлиқ бўлсам,  
Элимга нур таратган.  
Қанийди врач бўлсам,  
Халқимни сақласам омон.  
Қани энди банкир бўлсам,  
Мўлчилик бўлар эди.  
Агар меъмор бўлсам,  
Яшнарди менинг шахрим.



Шеърни кўчиринг. Феълларни аниқлаб, тагига чизинг.



2. Сиз ҳам ўзингизни боланинг орзуларига “шерикман” деб ўйлайсизми? Фикрингизни далилланг.



3. Ўқинг. Бир хил ундошли сўзларнинг ёзилишини ёдингизда тутинг.

Ташаккур, пилла, миннатдор, муваффақият, чаққон, ҳаммом, гижжак, танаффус, табассум, иззат, металл.

Олдин жарангли бир хил ундошли, кейин жарангсиз бир хил ундошли сўзларни кўчиринг. Айтилиши ва ёзилишида фарқ қилган сўзларнинг тагига чизинг.





4. Ўқинг. Аввал бирликдаги сўнг кўпликдаги қўшимчаларни олган отларни аниқланг.

### ЧИРОЙЛИ



Оқ каптарим чиройли,  
Кўк каптарим чиройли.  
Тинчлик қуши дейдиган,  
Дил гапларим чиройли.  
Парвоз этинг элма-эл,  
Қанотингиз толмасин.  
Ер юзига тинчлик, денг,  
Эшитмаган қолмасин.



*Ҳабиб Раҳмат*



5. Ўқинг. Аввал ҳолат равишларини, кейин пайт равишларини ёзинг.

Эрта, тез, эртага, бултур, секин, ҳозирдан, зўрға, бирдан, индинга, ҳали, пиёда, аввал, ботирларча, чала-чулпа, аллақачон.


Яна қандай равишларни биласиз? Уларга мисоллар айтинг.



6. Эртакни ўқинг. Ундалмали гапларни аниқланг.

### БОҒБОН ВА БУЛБУЛ

*(Ҳинд эртаги)*



Айтишларича, бир деҳқоннинг ажойиб боғи бўлган экан. Боғнинг бурчаги катта гулзор экан. Бир куни боғбон гулларни томоша қилгани боққа чиқса, атиргул шохига бир булбул қўниб турган эмиш. Булбул тўлиб-тошиб сайраб, бошини гул косасига тикармиш,

Ўткир тумшуғи билан гулнинг оч қизил баргларини юлармиш. Боғ-  
бон булбулга жазо бермоқчи бўлибди. Уни тутиб, қафасга солиб қў-  
йибди. Шунда булбул дебди:

– Ҳой боғбон! Нега мендек эркин қушни қамаб қўйдинг?

– Нима қилганинг ўзингга аён. Ахир менинг бутун ҳаётим шу  
гулларда-ку!

– Кечир, – дебди булбул. Гулни хароб этиб, сени қайғуга солган  
бўлсам, гуноҳимга яраша қафасга тушибман!

Булбулнинг бу сўзлари боғбонга жуда таъсир қилибди ва уни қа-  
фасдан чиқариб юборибди.

Булбул боғбонга шундай деди:

– Сен мени кечирдинг. Яхшиликка мен ҳам яхшилик қайтара-  
ман! Тингла! Мана бу дарахт остига бир хум олтин кўмилган. Шунини  
ковлаб ол.

Боғбон хумни қидириб топибди:

– Эй булбул! Сен ер остидаги олтинни кўрибсан – у, оёғинг ости-  
даги тўрни кўрмабсан – да.

Эртак мазмунига мос расм чизинг.





## ЧОРЛА, КЕЛАЖАК!

### Бугун дарсда:

- шеър мазмуни асосида постер тузишни;
- сўзларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқни аниқлашни ўрганаман.



1. Шеърни диққат билан ифодали ўқинг.

### ЧОРЛА, КЕЛАЖАК!

Қанча йироқ кетди қувноқ болалик,  
Лек унинг ҳисларин сақлайди юрак.  
Энди бошқа олам сари йўл олдик,  
Олис манзилларга чорлади тилак.  
Нурафшон давралар кенгаяр яна,  
Янада авж олар ёшлик ялласи.  
Ва бунда бошланар янги тантана,  
Меҳнат, изланиш ҳам ижод палласи.  
Она юртимизни ардоқлаб ҳар он,  
Бағрини айлаймиз гулгун, фусункор.  
Меҳнатла келтириб унга зафар, шон,  
Шаънига қўшиқлар айтамиз такрор.  
Чорлагил эй, ёшлик, чорлагил ҳаёт,  
Чорлагил бағрингга порлоқ келажак!  
Олий тилакларга бахш этгин қанот,  
Ахир фарзандингмиз, бахт яратажак!

*Инобат Ризаева*

Шоир шеъри орқали нималар демоқчилигини тушунтиринг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга қарама-қарши маъноли сўзлар топиб айтинг.







2. Шеър мазмуни асосида дўстларингиз билан “Бизнинг келажак” мавзусида постер тузинг.



3. Берилган сўзларни ўқинг. Уларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Осмон, жаҳон, Улуғбек, футбол, Зокир, жийда, Саида, бобо, Нодиржон, Маъмура, дафтар, Самира.

Сўзларни икки устунга ажратиб ёзинг. Яна қандай сўзлар бош ҳарф билан ёзилишини айтинг.



4. *Бесаранжом* сўзидан 60 дан ортиқ сўз тузиш мумкин. Ўзингизни синанг. Сиз қанча сўз туза оласиз? Тузган сўзларингизни сўз туркумлари бўйича гуруҳлаб, устун шаклида ёзинг.



5. Чизиқчалар ўрнига мос эга ва кесим қўйиб, гапларни ўқинг ва ёзинг.

..... кутубхонани .....  
 ..... гулни ва баргларни .....  
 ..... гулларга сув .....



6. Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб, гапларни ёзинг. Сўзларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқни айтинг.

Бошқа одамларнинг сенга кўрсат...ан озгина я...шилигини бир дунё деб тан олсанггина, сен оққўнгил одамсан. ...аётда сенинг ақлли бўлишингга бемин...ат ...измат қиладиган ул...ғ устоз кито...дир.

*Ёқубжон Шукуров*



7. Шеърни ифодали ўқинг. Ёзги дам олишни мароқли ўтказиш ҳақидаги режаларингиз ҳақида сўзлаб беринг.

## ЁЗ ҚЎШИҒИ

Ёзганда ёз  
Гул пояндоз,  
Сайр айламоқ  
Қандайин соз.  
Анҳорда сув  
Чаларди соз.  
Тинглаш учун  
Дил ишқибоз.

Шодлик ҳар ён  
Этган парвоз.  
Меҳнат элга  
Берган пардоз.  
Ёзганда ёз  
Гул пояндоз.  
Сайр айламоқ  
Қандайин соз.

*Пўлат Мўмин*



## ГЛОССАРИЙ

<b>Агентлик</b>	Бирор идора ёки корхонанинг жойлардаги бўлими, шунингдек ахборот йиғиш ва тарқатиш, воситачилик қилиш вазифасидаги баъзи муассасаларнинг номи.
<b>Авиамоделчи</b>	Учиш аппаратлари моделларини лойиҳалаш ва ясаб учуриш билан шуғулланадиган шахслар
<b>Археолог</b>	Қадимий моддий маданият ёдгорликлари асосида халқларнинг тарихий ўтмишини, турмуши ва маданиятини ўрганувчи олим
<b>Арғимчоқ</b>	Дарахтнинг икки шохига ёки иморат ёғочига икки учини боғлаб осилган арқон.
<b>Асабийлашмоқ</b>	Бўлар-бўлмасга қизишиб, тутақиб кетмоқлик
<b>Аскар</b>	Ҳарбий хизматдаги шахс.
<b>Атмосфера</b>	Ерни ва бошқа планеталарни ўраб турадиган газсимон қобиқ.
<b>Бинойидек</b>	Туппа-тузук, яхшигина, созгина
<b>банкир</b>	Банк эгаси; банк ходими.
<b>Барометр</b>	Атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб.
<b>Бахмал</b>	Духоба; бархит.
<b>Бўйра</b>	Тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама.
<b>Боқимсиз</b>	Қаровсиз, ота-онасиз; етим
<b>Бўғот</b>	Қамиш солиб ёпилган томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми.
<b>Генератор</b>	Бирон-бир ташқи манба ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқарувчи қурилма.
<b>Гравитация</b>	Бутун олам тортишиш кучи.



<b>Даъват қилмоқ</b>	Бирор ишга ундамоқ, бирор тадбирга чақирмоқ.
<b>Довюрак</b>	Ҳеч нарсадан чўчимайдиган, тап тортмайдиган.
<b>Довул</b>	Қаттиқ бўрон.
<b>Жадал</b>	Тезлик билан, шошилишч.
<b>Жўшади</b>	Қаттиқ тўлқинланади, тўлиб-тошади.
<b>Жамоат</b>	Халқ, кўпчилик.
<b>Жўяк</b>	Экин ариғи, икки пушта орасидаги ариқ.
<b>Зангори</b>	Яшил-ҳаворанг, оч яшил рангга эга бўлган мовий ранг.
<b>Замбил</b>	Юк ташиш учун ишлатиладиган иш қуроли.
<b>Замбуруғ</b>	Таркибида хлорофилл бўлмайдиган, спораси билан кўпаядиган илдизсиз, уруғсиз ўсимликларнинг умумий номи.
<b>Изчиллик</b>	Мунтазам боғлиқлик ҳолати.
<b>Ийдирмоқ</b>	Эритмоқ.
<b>Илик</b>	Суяк ичидаги ёғлиқ модда; болдир суяги.
<b>Иттифоқлик</b>	Иноқ, аҳил муносабат
<b>Иқлим</b>	Бирор жойнинг ўзига хос, ҳар йили такрорланувчи одатдаги об-ҳаво шароити.
<b>Ифор</b>	Яхши ҳид, хушбўй.
<b>Ихтирочи</b>	Янгилик яратувчи, кашфиётчи
<b>Канарейка</b>	Чумчуқсимонлар туркумига кирадиган сайроқи қуш.
<b>Кашф қилинган</b>	Яратилган, топилган.
<b>Капа</b>	Вақтинча яшаш учун дарахт шоҳлари ва йирик ўт-ўланлар билан ўраб қурилган хона, чайла.

<b>Кафт</b>	Қўлнинг билак учидан бармоқларнинг охиригача бўлган қисми.
<b>Кратер</b>	Вулканнинг лава отилиб чиқадиган оғзи.
<b>Кемтик</b>	Предметнинг синган, бузилган, нураган жойи.
<b>Кўрк</b>	Ҳусн, кўрк, чирой.
<b>Лупа</b>	Кичкина нарсани 2 мартадан 40-50- мартагача катта қилиб кўрсатадиган қавариқ шиша.
<b>Маблағ</b>	Бирор нарса яратиш, қуриш, ўтказиш учун ишлатиладиган, сарфланадиган, ишлатиладиган маълум миқдордаги пул.
<b>Марварид</b>	Баъзи моллюскаларнинг чиғаноғидан олинадиган оқ, қизғиш, сарғиш баъзан қора қимматбаҳо донача.
<b>Марс</b>	Қуёш сиситемасидаги сайёраларнинг бири.
<b>Манфаат</b>	Моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан кўриладиган фойда.
<b>Мунаввар</b>	Нур билан ёритилган, нурга тўлган.
<b>Мухбир</b>	Таҳририят таркибида журналист сифатида хизмат қилувчи ходим.
<b>Муғомбир</b>	Алдоқчилик билан иш кўрувчи; айёр, қув.
<b>Мезон</b>	Ўлчов, тарози. Таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза.
<b>Ниш уриб</b>	Ўсиб, ер бағрини ёриб чиқмоқ.
<b>Нурафшон</b>	Нур сочувчи, нурли, порлоқ,
<b>Орзиқиб</b>	Қаттиқ истамоқ.
<b>Орбита</b>	Ернинг Қуёш атрофидаги йўли.

<b>Огоҳ бўл</b>	Сергак, зийрак бўл.
<b>Офат</b>	Бошга кулфат солувчи ёки ҳалокатга олиб келувчи бахтсизлик.
<b>Палапон</b>	Паррандаларнинг ҳали пат ва қанот чиқармаган ёки эндигина чиқара бошлаган боласи.
<b>Парвона</b>	Шуъла ёки чироқ атрофида айланувчи тун капалаги.
<b>Палатка</b>	Сув ўтмайдиган пишиқ матодан, теридан тикилган ёзги қапа, чодир.
<b>Пойгак</b>	Остона, киравериш; хонанинг эшикка яқин қисми, паст томони.
<b>Порт</b>	Денгиз ёки дарё қирғоғида кемалар турадиган ва таъмирланадиган, юк юклаш ва туширишга мўлжалланган жой.
<b>Поёни йўқ</b>	Охири, чегараси йўқ
<b>Похол</b>	Буғдой, шоли каби бошоқли ўсимликларнинг дони янчиб олигандан кейин қолган қуруқ пояси.
<b>Ранж</b>	Кўнгилга етган озор, алам.
<b>Саратон</b>	Йилнинг энг иссиқ ой номи ( 22-июнь – 21-июль даврига тўғри келади)
<b>Сатурн</b>	Қуёш системасидаги сайёраларнинг бири.
<b>Синчиклаб</b>	Зўр диққат, эътибор билан ўрганиш.
<b>Сочпопук</b>	Қизларнинг сочга тақадиган қора ип, ипак ёки жундан эшилган, учлари попуксимон безак буюми.
<b>Таваккал</b>	Оқибат-натижа қандай бўлишидан қатъий назар бирор ишга қўл уриш.

<b>Тақвим</b>	Сайёраларнинг кундалик, ҳафталик, йиллик ҳолати ва ҳаракатларини кўрсатувчи йиллик жадвал.
<b>Тоқат</b>	Чидаш, бардош бериш қобилияти.
<b>Телескоп</b>	Осмон жисмларини кузатиш учун мўлжалланган асбоб
<b>Уммон</b>	Океан
<b>Унгур</b>	Тоғликдаги тик ўйиқ жой
<b>Уфурди</b>	Ҳаво оқими билан атрофга тарқатмоқ.
<b>Фазогир</b>	Фазони забт этувчи; космонавт
<b>Халос этмоқ</b>	Озод қилмоқ, қутқармоқ.
<b>Хорижий</b>	Мамлакатимиздан ташқаридаги, чет элдаги.
<b>Чангалзор</b>	Тиканли буталар, ўт-ўланлар ўсадиган жой.
<b>Чирой очди</b>	Кўзга ёқадиган кўриниш бўлди.
<b>Чечак</b>	Табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик.
<b>Шабнам</b>	Баҳорда, ёзда кечаси ҳароратнинг пасайиши туфайли пайдо бўладиган майда томчилар.
<b>Шалола</b>	Сувнинг юқоридан тик пастликка шиддат билан қуйилиб тушадиган жойи.
<b>Шаталоқ</b>	Тепиниб югурмоқ; ўйноқлаб чопмоқ.
<b>Шева</b>	Умумхалқ тилининг маълум ҳудудга хос тармоғи, маҳаллий тил.
<b>Шитоб</b>	Ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик; шошилиш.
<b>Элчи</b>	Бир давлатдан бошқасига тегишли ваколат билан юборилган киши.

<b>Юпитер</b>	Қуёш сиситемасыдағы сайёраларның бири.
<b>Ястанад</b>	Ерның маълум сатҳини қоплаб, эгаллаб, чўзилиб ётади
<b>Ўкинди</b>	Бир нарсани илғари ўйламагани учун афсус қилмоқ.
<b>Қитъа</b>	Ер юзидағы қурукликларның атрофидағы ороллар билан бирга шартли равишда ажратилган қисмларидан ҳар бири.
<b>Қобиқ</b>	Нарсаларның устини қоплаб, ўраб олган қаттиқ устки қатлам.
<b>Қорачиқ</b>	Кўз рангдор пардасининг марказидағы қора рангли тешиқ.
<b>Қулф урган</b>	Яшнаган, гуркираган
<b>Қўриқ ер</b>	Илғари ёки қачонлардир экин экилган, кейинча экилмай ташлаб қўйилган ер.
<b>Ғализ</b>	Қалин, қўпол, дағал.
<b>Ғубор</b>	Чанг, тўзон кабилардан ҳавода сақланган майда зарралар.
<b>Ҳаловат</b>	Тинч, осойишта ҳолат.
<b>Ҳузурига</b>	Бирор одамнинг олдиға, қаршисиға, ёниға.



## Топишмоқларнинг жавоби

Китобнинг бети	Жавоби
9	морж
12	тоғ
17	игна
18	қулоқ
20	китоб
24	оқ айиқ
29	қор, юлдуз
35	булут, сув, чақмоқ, кўршапалак
41	томчи, вулқон
48	бўрон, чақмоқ
51	турналар
54	шамол
60	томчи
70	дўл, юлдуз
72	шамол, бойчечак
96	дарахт, соат, кўрпа-тўшак, қуёш
102	дарё
108	лола, бойчечак
112	қалдирғоч, қулф, тороқ
118	помидор, қўғирчоқ
121	тарвуз
124	сўроқ белгиси
128	юлдузлар, ой
131	самолёт
137	кун ва тун, қуён
141	глобус
146	пахта, ой
149	мушук
152	вертолёт, қайиқ
177	телефон, газета
186	сумалак
192	варрак, хат

## МУНДАРИЖА

### ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ

69. Олмош сўз туркуми .....	4
70. Кишилиқ олмошларининг келишиқ қўшимчалари билан қўлланиши .....	7
71. Кишилиқ олмошларининг гапдаги вазифаси .....	10
72. Кишилиқ олмошларининг шахс ва сонда ифодаланиши .....	13
73. Ўзлик олмоши ва кўрсатиш олмоши .....	16
74. Сўроқ олмоши ва белгилаш олмоши .....	19
75. Шамол .....	22
76. Феъл – сўз туркуми .....	25
77. Қор .....	28
78. Феълнинг ноаниқ шакли .....	31
79. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар .....	34
80. Феъл замонлари .....	37
81. Ўтган замон феъли .....	40
82. Ўтган замон феълларининг ёзувда ифодаланиши .....	43
83. Ҳозирги замон феъли .....	46
84. Келаси замон феъли .....	49
85. Феълларнинг шахс ва сон қўшимчалари билан қўлланиши ...	52
86. Ўтган замон феълининг тусланиши .....	55
87. Ҳозирги замон феълининг тусланиши .....	58
88. Келаси замон феълининг тусланиши .....	61

### АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

89. Қўшма феъллар ва уларнинг ёзилиши .....	65
90. Синоним феъллар ва уларнинг қўлланиши .....	68
91. Антоним феъллар ва уларнинг ёзилиши .....	71

92. Феълни таҳлил қилиш .....	74
93. Феъл ясовчи қўшимчалар .....	77
94. Орол денгизини асрай оламизми? .....	80
95. Ёш боғбонлар.....	83
96. Равиш – сўз туркуми.....	86
97. Равишларнинг маъно жиҳатдан турлари .....	89
98. Ҳолат равиши.....	92
99. Пайт равиши .....	95
100. Ўрин равиши .....	98
101. Даража-миқдор равиши .....	101
102. Равишларнинг ясалиши .....	104
103. Боғловчи .....	107
104. Боғловчиларда вергулнинг ишлатилиши ва боғловчиларнинг ёзилиши .....	110
105. Ва, ҳамда боғловчилари ва уларнинг қўлланиши.....	113
106. Она – Ер.....	116
107. Булбул .....	119
108. Салом, Наврўз баҳорим! .....	122

### **КОИНОТГА САЁҲАТ**

109. Гап. Содда гап. Бир бош бўлакли гап .....	126
110. Икки бош бўлакли гап.....	129
111. Қўшма гап.....	132
112. Гапнинг уюшиқ бўлаклари .....	135
113. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши ...	138
114. Уюшиқ бўлақларининг боғловчилар ёрдамида боғланиши ..	141
115. Уюшиқ эга ва уюшиқ кесим .....	144
116. Кўчирма гап .....	147
117. Кўчирма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши .....	150
118. Диалог .....	153
119. Ундалма .....	156
120. Ундалмаларнинг ёзилиши .....	159

121. Ой – Ернинг табиий йўлдоши .....	162
122. Марсоход ясаган болакай .....	165

### **КЕЛАЖАККА САЁҲАТ**

123. Лексика. Антоним ва синоним сўзлар.....	169
124. Омоним сўзлар. Кўп маъноли сўзлар .....	172
125. Нутқ. Тил нутқ бўлагидир.....	175
126. Адабий тил услуги. Сўзлашув услуги .....	178
127. Илмий услуб. Бадиий услуб.....	181
128. Матн .....	184
129. Иншо. Иншо турлари.....	187
130. Иншо режаси. Қисқа ва тўлиқ иншо ёзиш .....	190
131. Нутқ маданияти .....	193
132. Ўзбек тили туркий тиллар туркумига киради.....	196
133. Ўқув йили охиридаги такрорлаш .....	199
134. Бўлажак астроном .....	202
135. Орзу – одамга қанот .....	205
136. Чорла, келажак!.....	208
Глоссарий .....	211
Топишмоқларнинг жавоблари .....	217

*Учебное издание*

**Нигара Октамбаевна Шамадиева  
Зарифа Исламшиковна Аташикова  
Махбуза Октамовна Мусаева**

**ЎЗБЕК ТИЛИ**

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслик

2-қисм

*(на узбекском языке)*

Редактор

Художественный редактор

Техн. редактор

Дизайн

и компьютерная верстка

*Ф.Б. Розметова*

*Ш.Ш. Шомухсинов*

*З. Бошанова*

*Г.А. Утеновой*

ИБ №7418

Подписано к печати 16.09.2019 г. Формат 70×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.  
Физ. печ. л. 14,0. Усл. печ. л. 16,38. Усл. кр. от. 65,52.  
Тираж 8000 экз. Заказ №



Республика Казахстан. Издательство «Жазушы», 050009.  
г. Алматы, пр. Абая, 143.  
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-684-1



9

786012 006841

